

М.Миртожиев, Н.Маҳмудов

ТИЛ ВА МАДАНИЯТ



„ЎЗБЕНИСТОН“

М. Миртожияев, Н. Маҳмудов

ТИЛ ВА МАДАНИЯТ

ТОШКЕНТ
"ЎЗБЕКИСТОН"
1992

81.2Ўз

М 57

Муҳаррир МУҲИДДИН ОМОН

М 4602020400—183 139—91
М 351 (04) 91

ISBN 5-640-00797-4

© "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёти, 1992 -й.

ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ИЖТИМОЙ ТАРИХИДАН

Тил ижтимоий ҳодисадир. Тил ижтимоий бўлгандан кейин у ўзи оид бўлган халқнинг ҳаёти билан боғли ҳолда тараққий қилади, бойийди, сайқалланади, имкониятлари доирасини кенгайтиради, жамиятда қадр топади. Тилнинг жамиятда тутган мавқеига боғлиқ ҳолда ўзбек халқининг мавқеи ҳам ўрин топади.

Ўзбек тилининг мавқеи 1917 йилдан кейин маълум шарт-шароитлар таъсирида, ўзбек халқининг қарама-қаршиликларга бой ижтимоий ҳаёти замирида ниҳоятда аянчли бир ҳолга келиб қолди. Бу фақат 1917 йилдан кейингина эмас, ундан олдинроқ турли зарбларнинг таъсирида юзага кела бошлаган эди. Айниқса 1865 йилдан Туркистонни руслар истило қила бошлаши ўзбек тили учун салбий роль ўйнади.

Биз шу вақтгача рус истилоси Туркистон учун ижобий ҳодиса эди, у тинчлик, фан-техника, маданият, илғор гоё олиб келди, деб айтишга ўрганиб қолганмиз. Бу, албатта, истилочилар тўқиб чиқарган сафсата бўлиб, уни ўз халқига фақат амалдан тамаъгирларгина тарқатади. Аслида, истилочи вайронлик, қуллик, муҳтожлик, гумроҳлик олиб келади. Маданият ва маорифдан маҳрум этиб, ўзиникини кўз-кўз этади. Ниманидир томизиб, маданият бердим, деб миннат қилади. Келинг, фактларга бир эътибор берайлик.

Рус мунтазам армияси Тошкентга бостириб кирганда шаҳар аҳолиси 140 минг киши эди ва 1917 йилга келиб — 52 йилдан кейин 80 минг киши қолди. Ўз-ўзидан савол туғилади: нега аҳоли кўпайиш ўрнига 60 минг киши камайиб кетди. Бу руслар келтирган илғор тиббиётнинг ёрдамими?

О. Жалиловнинг Тошкент мадрасалари ҳақида ёзган мақола-сида ("Фан ва турмуш" 1983, 9-сон) XIX аср охири ва XX аср бошларида мударрисларга бериладиган билимлар доираси торайиб кетганлиги, кўпгина мадрасалар, ҳатто машҳур Бегларбеги

мадрасаси харобага айланиши ҳам шу йилларга тўғри келганлигини кўрсатади. Генерал-губернатор мадрасаларда кўпгина дунёвий фанларнинг ўқитилишини тақиқлаб қўйган эди.

Айниқса, Хуршид Давроннинг Туркистон генерал-губернатори Н. А. Куропаткиннинг ён дафтаридан келтирган бир факти ҳамма нарсани ойдинлаштиради: "Биз маҳаллий аҳолини 50 йил давомида тараққиётдан, мактаб-маорифдан ва рус ҳаётидан четда сақладик" ("Ўзбекистон адабиёти ва санъати". 1990, 13.04) Истилочиларнинг мақсади, кўриниб турибдики, ўзбек халқи нимага эришган бўлса, шундан маҳрум этиш бўлган.

Руслар келгандан кейинги фан ва маданиятнинг тушқунлиги ва давлат идораларида маҳаллий аҳолининг қатнашмаслиги ўзбек тили тараққиётига ҳам ўз салбий таъсирини кўрсатди. Тўғрироғи, у тараққий этмай, турғунлик даврини бошдан кечирди. Фан ва маданиятга оид атамалар эса жуда кўпдан анъанага айланиб қолган форс ва арабий сўзлардан иборат эди. Бу ҳақда ўзбек халқининг кўзга кўринган тилшуноси Абдурауф Фитрат анча афсус билан "Иштирокиюн" газетасининг 1919 йил 12 июнь сониде "Тилимиз" сарлавҳали мақоласини эълон қилган эди. У мақоланинг бошиданоқ ўзбек тилини ниҳоятда бой, лекин бахтсиз деб таърифлайди.

Фитрат турк (ўзбек) тилининг бойлигини асосан араб тилига солиштириб очмоқчи бўлади. Улардан энг характерлиси илм сўзининг туркча нусхаси бўлган *билим* сўзини келтириб, унинг турланиш имкониятларини очиб берганидир. Бунда *бил-* ўзгидан 98 сўз формаси ясалганлиги кўрсатилган. Шу сўзнинг бирор тилдаги нусхаси бунчалик бой имкониятга эга эмас. Фитрат турк сўзларининг грамматик қонуниятларида шу қонуниятни рад этувчи бирор изоҳ бўлмаслигини айтиб, уни кўкларга кўтаради. Бошқа тилларда қонуниятларининг бундай қатъийлиги йўқ эканлиги ва қонуниятларга тескари изоҳлар кўплаб учраши ҳақида таҳлиллар келтиради.

Фитрат турк тилининг бахтсизлигини бир қатор фактларда қайд этади. Аввало ўкинч билан шуларни эслайдики, дунёнинг энг буюк ҳаками Ибн Сино, дунёга файласуф Арастудан кейинги иккинчи устод номи билан машҳур бўлган Форобий, араб тилини мангуликка тиргизган Жавҳарий, "Ваҳдати вуҷуд" фалсафасининг етакчиларидан Жалолиддин Румий, форсий адабиётнинг вакили Низомийларнинг ҳаммаси туркий замин фарзандлари эканлиги ҳолда, кўплари араб, баъзилари форс тилида асарларини яратганлар. Агар улар туркийда ижод қилганларида бу тилнинг шуҳрати қай даража бўларди — бундан ҳам тубан бахтсизлик борми?— дейди. Форс халқини араб тили исканжасидан ҳоли қилган "Шоҳнома"дек буюк асарни ҳам Фирдавсий турк ҳоқонларидан Маҳмуд Газнавий буюртмасига кўра ёзганлигини айтади.

Фитрат турк тили ҳар қандай арабча атамалар ўрнини босиш учун атама ясаш имконига эгаллигини айтиб, бир неча мисоллар орқали исбот қилиб беради. Бунинг учун турклар ичида ҳам Фирдавсий каби миллатпарварлар бўлиши, этилишини орзу қилади.

Фитрат орзусида жон бор эди. У ишлатган миллатчи сўзининг моҳиятига тушуниш керак. Бунда олим ўз миллати манфаати деб бошқа миллатларни сиғдирмаслик ва чиқиштирмаслик каби одатни илгари суриш ниятини қилаётгани йўқ. У миллатчи атамаси остида ўз миллати манфаати учун, миллатини асоратга солаётган ҳар қандай ҳолатга қарши курашувчи, ҳормас-толмас кишини тушунди. Худди шу тушунчадан келиб чиқиб, ўз тилининг софлиги учун курашувчи кишини истади. Шу ўринда биз ҳам миллатчи атамаси ҳақида тўғри тасаввурга эга бўлиб олишимиз керакка ўхшайди. Чунки биз миллатчи атамасидан фалокатдан қўрққандай қўрқишга одатланиб қолганмиз. Ахир яқингинада шу ном билан тамғаланиб, миллатимизнинг неча-неча асл фарзандлари қамоқларга ташланди, беасв хўрликларга гирифтор қилинди. Уларни Совет Иттифоқининг ягона оиласи учун хавфли халқ душмани деб тушунтириди. Аслида шундайми? В. И. Ленин таъбири билан айтганда, шовинизм бор жойда миллатчилик бўлади. Шовинистлар томонидан бир миллат камситилмас ва асоратга солинмас экан, у халқда миллатчилик юзага келмайди, миллатчи ҳам эгалламайди. Миллатчилик асоратга солувчи миллатнинг шовинистлари етиштирган мевдир. Миллатчилик қаршилиқ кўрсатиш ҳаракати ҳисобланади. Шундан келиб чиқадиган бўлсак, асоратга тушган миллат ичидан миллатчи етишмаслигининг ўзи салбий ҳодиса бўлади. Улар ўз эрки ва гурури учун курашувчи, миллий гурури кучли намоёндалардир. Булар албатта, асоратга солувчиларга ёқмайди. Улар бундай фидойиларга ҳар қанча тавқи лаънат тақиш, уларни жисман маҳв этиш учун қўлларидан келганича ҳаракат қиладилар.

Тилшунослик сиёсатида эса тил софлиги учун курашувчиларни тил миллатчиси — пурист деб қоралаб, тилга олинади. Лекин рус пуристи В. Даль, машҳур турк давлат арбоби, пурист Ота Турк ва Эрон пуристлари ўз тиллари тараққиётида жуда катта, муҳим аҳамиятга эга иш қилганлар. Пуристлар тил сиёсатида қанчалик қораланмасин, улар ўз тиллари тараққиётида ижобий роль ўйнаб келганлиги маълум. Агар биз пуристларнинг туғилишига эътибор бериб, синчиклаб ўргансак, улар маълум халқ тилининг танглик даврида юзага чиқадилар ва ўз тили тараққиёти учун курашга бел боғлайдилар.

Йигирманчи йилларнинг буюк олими Фитрат ўзбек тилининг

долзарб масаласини ўз вақтида , тўғри англай билган эди. Ҳақиқатда ҳам ўзбек тилининг ўша даврларида атамалар асосан араб ва қисман форс тили ҳисобига шаклланган эди. Ҳатто унга қарши кураш эълон қилган олимнинг ўзи ҳам наҳв "морфология" сарф "синтаксис" атамаларини ўзбек тилига олиб кирган эди. Арабча фан атамалари ўзбек тилини шунчалик қамраган эди. Аммо энг ачинарлиси шуки, бунинг учун ҳам шукур қилиш керак эди. Бундан кейин ўзбек тили бойлигига рус-интернационал деб номланган қатлам суқулиб кириб, жуда катта фонзни ташкил қила бошлади. Бунга ҳам ўзбек халқининг бошидан кечган ижтимоий ҳаёти сабаб бўлди.

1917 йилги Октябрь инқилоби ўзбек халқи учун, дарсликларда ёзилиб, мажлисларда айтилиб келинаётганидай тенг ҳуқуқлилик, ҳурлик келтирмади. Тузум ўзгарди-ю, истибод қолавсрди. Рус шовинизми эса аксинча кучайди. Бу ҳақда А. Акромов ва Қ. Авлиёқуловлар ҳамкорликда эълон қилган мақолаларида¹ шундай дейилади: "1917 йил 15—21 ноябрда ўтган Туркистон ўлкаси Советларининг III съезди Туркистон Халқ Комиссарлари Советини тузди, унга 7 большевик ва максималист, 8 сўл эсер сайланиб, ҳаммаси европалик шахслар бўлиб, маҳаллий аҳолининг турмуш тарзи, маданияти, тили бу ерда таркиб топган иқтисодий-сиёсий муносабатларни, диний анъаналарнинг кучли эканини билмайдиган тасолифий кишилар эди. Улар кейинчалик ўтмишда тарихан ташкил топган муносабатларни емиришга киришганда ҳеч нарса билан ҳисоблашмади, босиб олинган мамлакатда "ғолибининг хоҳиш-иродаси мажбурий" қабилида ҳаракат қилишди. Маҳаллий аҳоли янги ижтимоий қурилиш йўлини, ҳаётни ўзгартириш ишини дарҳол бошқаришга қодир бўлмаган пода... деб ҳисоблашди". Шу мақоланинг ўзида яна бир ҳужжат келтирилади. Унда айтилишича "маҳаллий аҳоли ўртасида пролетар синфий ташкилотлари бўлмаганлиги сабабли улар вакилларининг ўлкадаги ҳокимият органларида ишлашларига йўл қўймаслик кераклиги ҳақида ёзилган эди".

Рус шовинизмининг Инқилобдан кейин ривожланиб кетганлиги ҳақида эса академик Э. Ю. Юсупов ўзининг "Ёш ленинчи" газетаси муҳбири З. Рихсиев билан суҳбатида²: "Айрим рус зиёлилари, ҳатто, маълум қисм ишчилар синфи вакиллари ҳам шовинизм руҳи билан заҳарланган эди", — деб кўрсатади. Академик Э. Ю. Юсупов ҳам бунни табиий ҳол деб изоҳлайди. Чунки Чор Россияси даврида Ўрта Осиё унинг мустамлакаси

¹ А. Акромов, Қ. Авлиёқулов. "Рус шовинистлари ва миллий кадрлар. "Фан ва турмуш". —1990—06, 16-бет.

² "Ёш ленинчи", 1990-2-06, 2-бет.

бўлгандан кейин уларнинг турли табақадаги фуқароси мустамлака ерида ўз-ўзидан катта имкониятларга эга эди. Аввало бу ердаги давлат ишлари рус тилида олиб борилган. Россияда феодализмнинг тугатилиши билан ишсиз қолганларни кўчириб келтириш, уларни иш билан таъминлаш, жой бериш, имтиёз яратиш қабилар ерли аҳолининг ҳуқуқларини бўғиб ташлаган эди. Турган гапки, рус фуқаросига яратилган бу имтиёзларни улар инқилобдан кейин ҳам қўлдан чиқаришни мутлақо истамасди, аксинча, улардаги мавжуд шовинизм руҳини янада кучайтириш табиий бўлган. Худди шу руҳият асосида дастлабки Туркистон Халқ Комиссарлари Совети тўлиғича европаликлардан иборат ҳолда ташкил топди ва маҳаллий аҳоли вакиллари раҳбарлик лавозимига яқинлаштирмай қўйилди. Ҳатто ўта шовинист К. Я. Успенский маҳаллий аҳоли вакилларига қарата: "Ўртоқ мусулмонлар! Шунинг билангизки, биз сизларнинг катта оғангизмиз! Сиз кичиксиз ва тушунарлики, бизга бўйсунингиз керак!"¹ — дейишгача борди. Бу гаплар ниҳоятда силлиқлик билан айтилган истилочининг тазйиқи, ўз қўлларини тартибга чақириши эди.

В. И. Ленин рус шовинизмнинг разил томонларини ўз вақтида англади ва: "...биз великорус коммунистлари ўз орамиздаги великорус миллатчилигининг энг кичик кўринишларини ҳам жуда аёвсизлик билан таъқиб қилишимиз керак..." деб ёзган эди. У Туркистондаги шовинизмнинг олдини олиш учун алоҳида мандат билан П. А. Кобозевни Тошкентга юборди. П. А. Кобозев 1919 йил 15 апрелида В. И. Ленинга юборган телеграммасида: "Шахсан мудофаа позициясини эгаллашга мажбурман, чунки раҳбарликка суқулиб кирган буюк давлат шовинистлари маҳаллий миллатлар меҳнаткашларини совет қурилишига жалб қилишни истамайдилар"², — дейишдан нари ўта олмади.

Партия қурилишида ҳам европаликлар деярли барча ўринларни эгаллаб олган бўлиб, ўлка коммунистларининг 1918 йил 17—25 июнда уюштирилган I съезида Туркистон компартиясининг Марказий Қўмитасига сайланган 7 аъзосидан фақат биргина Низомиддин Хўжаев маҳаллий аҳоли вакили эди. Вилоят, шаҳар, уезд партия қўмитаси аппаратида маҳаллий аҳоли вакили мутлақо сайланмаган.

Тадқиқотчи Р. Қўчқоров 1922 йил март ойидаги маълумотларга асосланиб, Туркистон маориф халқ комиссарлигида 1 ўзбек, 4

¹ А. Акромов, Қ. Авлиёқулов, Ўша асар, ўша-бет.

² А. Акромов, Қ. Авлиёқулов, ўша мақола, 7-бет.

³ Р. Қўчқоров. Жумҳуриятнинг тўсиқсиз йўли. Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1989-6.10. 3-бет.

қирғиз, 1 туркман, 7 ахудий ва 68 рус кишиси ишлаганлигини айтади. Ваҳоланки, маориф аҳолига билим тарқатиш билан шуғулланади. Бошқа комиссарликларда аҳвол бундан ҳам бадтар эди. Яна ўша Р. Қўчқоров келтирган ҳужжатларга қараганда Туркистон Давлат нашриётида маҳаллий аҳоли вакили мутлақо бўлмаган. Ваҳоланки, инқилобдан «илгари бунчалик эмас эди. Инқилоб арафасида ўзбеклардан қатор ноширлар етишиб чиққанди.

1920 йил В. И. Ленин имзоси билан Тошкентдаги университетнинг очилиши ҳам ўз вақтида маҳаллий аҳоли манфаати йўлида етарли натижа бермади. Академик Э. Ю. Юсуповнинг хулосаларига кўра: "...дорилфунун гарчанд 1920 йил ташкил топган бўлса-да, унинг ривожланиши, шу ривожланиш натижасида маҳаллий миллатларнинг миллий онги, ижтимоий-сиёсий билимларининг ўсишига бўлган таъсири 7—8 йил ўтгандан кейингина сезилди"¹.

Бу далиллар шуни кўрсатадики, инқилобдан кейинги дастлабки ўн йилликда Туркистон ҳокимияти асосан руслар қўлида бўлган ва улар давлатни истаганича бошқарган. Бунинг устига ҳокимият тепасидаги руслар шовинизм руҳи билан заҳарланган, ерли аҳолини назар-писанд қилмайдиган кишилар эди. Шунинг учун ҳам Туркистон ўлкасидаги бирор комиссарликда ва бирор давлат идорасида маҳаллий тил, жумладан ўзбек тили ўз аҳамиятига эга эмас эди. Давлат идораларига ўрнашиб олган рус шовинистлари ерли халқ тилини ўрганиш учун бош қотириб кўришмасди.

Ҳатто Туркистон ўлкасининг 1918 йил қабул қилинган Асосий қонунига ҳам рус шовинизмининг руҳлантирувчи мода киритилган эди. Унда давлат тили сифатида икки тил: туркий ва рус тиллари қабул қилинганди. Ваҳоланки, ўша вақтлар аҳоли рўйхатига кўра Туркистонда ўзбеклар 37, қирғизлар 35, тожиклар 17, руслар 7 фоизни ташкил қиларди. Асосий қонунда ўзбек тили (туркий тил) билан қирғиз ёки тожик тили эмас, балки энг кам — 7 фоизни ташкил қилган рус тилини давлат тили сифатида қабул қилинди². Давлат тепасидагилар ва давлат идоралардагиларнинг аксарияти руслар эди. Шундай бўлгандан кейин давлат тили ўз-ўзидан фақат рус тили бўлиб қолди. Ўзбек тили идоравий иш юритувчи тил сифатида, фан-техника, маданият тили сифатида четга суриб қўйилди.

Р. Қўчқоров яна бир қизиқ ҳодисани келтиради: съездда...

¹ Ёш ленинчи, ўша сон, ўша бет.

² Р. Қўчқоров. Ўша асар, ўша бет.

ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ИЖТИМОИЙ ТАРИХИДАН

Тил ижтимоий ҳодисадир. Тил ижтимоий бўлгандан кейин у ўзи оид бўлган халқнинг ҳаёти билан боғли ҳолда тараққий қилади, бойийди, сайқалланади, имкониятлари доирасини кенгайтиради, жамиятда қадр топади. Тилнинг жамиятда тутган мавқеига боғлиқ ҳолда ўзбек халқининг мавқеи ҳам ўрин топади.

Ўзбек тилининг мавқеи 1917 йилдан кейин маълум шарт-шароитлар таъсирида, ўзбек халқининг қарама-қаршиликларга бой ижтимоий ҳаёти замирида ғайратда аянчли бир ҳолга келиб қолди. Бу фақат 1917 йилдан кейингина эмас, ундан олдинроқ турли зарбларнинг таъсирида юзага кела бошлаган эди. Айниқса 1865 йилдан Туркистонни руслар истило қила бошлаши ўзбек тили учун салбий роль ўйнади.

Биз шу вақтгача рус истилоси Туркистон учун ижобий ҳодиса эди, у тинчлик, фан-техника, маданият, илғор ҳая олиб келди, деб айтишга ўрганиб қолганмиз. Бу, албатта, истилочилар тўқиб чиқарган сафсата бўлиб, уни ўз халқига фақат амалдан тамаъгирларгина тарқатади. Аслида, истилочи вайронлик, қуллик, муҳтожлик, гумроҳлик олиб келади. Маданият ва маорифдан маҳрум этиб, ўзиникини кўз-кўз этади. Ниманидир томизиб, маданият бердим, деб миннат қилади. Келинг, фактларга бир эътибор берайлик.

Рус мунтазам армияси Тошкентга бостириб кирганда шаҳар аҳолиси 140 минг киши эди ва 1917 йилга келиб — 52 йилдан кейин 80 минг киши қолди. Ўз-ўзидан савол туғилади: нега аҳоли кўпайиш ўрнига 60 минг киши камайиб кетди. Бу руслар келтирган илғор тиббиётнинг ёрдамими?

О. Жалиловнинг Тошкент мадрасалари ҳақида ёзган мақола-сида ("Фан ва турмуш" 1983, 9-сон) XIX аср охири ва XX аср бошларида мударрисларга бериладиган билимлар доираси торайиб кетганлиги, кўпгина мадрасалар, ҳатто машҳур Бегларбеги

мадрасаси харобага айланиши ҳам шу йилларга тўғри келганлигини кўрсатади. Генерал-губернатор мадрасаларда кўпгина дунёвий фанларнинг ўқитилишини тақиқлаб қўйган эди.

Айниқса, Хуршид Давроннинг Туркистон генерал-губернатори Н. А. Куропаткиннинг ён дафтаридан келтирган бир факти ҳамма нарсани ойдинлаштиради: "Биз маҳаллий аҳолини 50 йил давомида тараққиётдан, мактаб-маорифдан ва рус ҳаётидан четда сақладик" ("Ўзбекистон адабиёти ва санъати". 1990, 13.04) Истилочиларнинг мақсади, кўриниб турибдики, ўзбек халқи нимага эришган бўлса, шундан маҳрум этиш бўлган.

Руслар келгандан кейинги фан ва маданиятнинг тушқунлиги ва давлат идораларида маҳаллий аҳолининг қатнашмаслиги ўзбек тили тараққиётига ҳам ўз салбий таъсирини кўрсатди. Тўғрироғи, у тараққий этмай, турғунлик даврини бошдан кечирди. Фан ва маданиятга оид атамалар эса жуда кўндан анъаназга айланиб қолган форс ва арабий сўзлардан иборат эди. Бу ҳақда ўзбек халқининг кўзга кўринган тилшуноси Абдурауф Фитрат анча афсус билан "Иштирокиюн" газетасининг 1919 йил 12 июнь сониди "Тилимиз" сарлавҳали мақоласини эълон қилган эди. У мақоланинг бошиданоқ ўзбек тилини ниҳоятда бой, лекин бахтсиз деб таърифлайди.

Фитрат турк (ўзбек) тилининг бойлигини асосан араб тилига солиштириб очмоқчи бўлади. Улардан энг характерлиси илм сўзининг туркча нусхаси бўлган *билим* сўзини келтириб, унинг турланиш имкониятларини очиб берганидир. Бунда *бил-* ўзагидан 98 сўз формаси ясалганлиги кўрсатилган. Шу сўзнинг бирор тилдаги нусхаси бунчалик бой имкониятга эга эмас. Фитрат турк сўзларининг грамматик қонуниятларида шу қонуниятни рад этувчи бирор изоҳ бўлмаслигини айтиб, уни кўкларга кўтаради. Бошқа тилларда қонуниятларнинг бундай қатъийлиги йўқ эканлиги ва қонуниятларга тескари изоҳлар кўплаб учраши ҳақида таҳлиллар келтиради.

Фитрат турк тилининг бахтсизлигини бир қатор фактларда қайд этади. Аввало ўкинч билан шуларни эслайдики, дунёнинг энг буюк ҳакими Ибн Сино, дунёга файласуф Арастудан кейинги иккинчи устод номи билан машҳур бўлган Форобий, араб тилини мангуликка тиргизган Жавҳарий, "Вақдати вуҷуд" фалсафасининг етакчиларидан Жалолидин Румий, форсий адабиётнинг вакили Низомийларнинг ҳаммаси туркий замин фарзандлари эканлиги ҳолда, кўплари араб, баъзилари форс тилида асарларини яратганлар. Агар улар туркийда ижод қилганларида бу тилнинг шуҳрати қай даража бўларди — бундан ҳам тубан бахтсизлик борми? — дейди. Форс халқини араб тили исканжасидан ҳоли қилган "Шоҳнома"дек буюк асарни ҳам Фирдавсий турк ҳоқонларидан Маҳмуд Газнавий буюртмасига кўра ёзганлигини айтади.

Фитрат турк тили ҳар қандай арабча атамалар ўрнини босиш учун атама ясаш имконига эғалигини айтиб, бир неча мисоллар орқали исбот қилиб беради. Бунинг учун турклар ичида ҳам Фирдавсий каби миллатпарварлар бўлиши, этилишини орзу қилади.

Фитрат орзусида жон бор эди. У ишлатган миллатчи сўзининг моҳиятига тушуниш керак. Бунда олим ўз миллати манфаати деб бошқа миллатларни ситдирмаслик ва чиқиштирмаслик каби одатни илгари суриш ниятини қилаётгани йўқ. У миллатчи атамаси остида ўз миллати манфаати учун, миллатини асоратга солаётган ҳар қандай ҳолатга қарши курашувчи, ҳормас-толмас кишини тушунди. Худди шу тушунчадан келиб чиқиб, ўз тилининг софлиги учун курашувчи кишини йстади. Шу ўринда биз ҳам миллатчи атамаси ҳақида тўғри тасаввурга эга бўлиб олишимиз керакка ўхшайди. Чунки биз миллатчи атамасидан филокатдан қўрққандай қўрқишга одатланиб қолганмиз. Ахир ақингинада шу ном билан тамғаланиб, миллатимизнинг неча-неча асл фарзандлари қамоқларга ташланди, беасёв хўрликларга шрифтор қилинди. Уларни Совет Иттифоқининг ягона оиласи учун хавфли, халқ душмани деб тушунтирилди. Аслида шундайми? В. И. Ленин таъбири билан айтганда, шовинизм бор жойда миллатчилик бўлади. Шовинистлар томонидан бир миллат камситилмас ва асоратга солинмас экан, у халқда миллатчилик юзага келмайди, миллатчи ҳам эғалламайди. Миллатчилик асоратга солувчи миллатнинг шовинистлари етиштирган мевадир. Миллатчилик қаршилиқ кўрсатиш ҳаракати ҳисобланади. Шундан келиб чиқадиган бўлсак, асоратга тушган миллат ичидан миллатчи етишмаслигининг ўзи салбий ҳодиса бўлади. Улар ўз орки ва ғурури учун курашувчи, миллий ғурури кучли намояндалардир. Булар албатта, асоратга солувчиларга ёқмайди. Улар бундай фидойиларга ҳар қанча тавқи лаънат тақиш, уларни жисман маҳв этиш учун қўлларидан келганича ҳаракат қиладилар.

Тилшунослик сиёсатида эса тил софлиги учун курашувчиларни тил миллатчиси — пурист деб қоралаб, тилга олинади. Лекин рус пуристи В. Даль, машҳур турк давлат арбоби, пурист Ота Турк ва Эрон пуристлари ўз тиллари тараққиётида жуда катта, муҳим аҳамиятга эга иш қилганлар. Пуристлар тил сиёсатида қанчалик қораланмасин, улар ўз тиллари тараққиётида ижобий роль ўйнаб келганлиги маълум. Агар биз пуристларнинг тунчилишига эътибор бериб, синчиклаб ўргансак, улар маълум халқ тилининг танглик даврида юзага чиқадилар ва ўз тили тараққиёти учун курашга бел боғлайдилар.

Йигирманчи йилларнинг буюк олими Фитрат ўзбек тилининг

долзарб масаласини ўз вақтида , тўғри англай билган эди. Ҳақиқатда ҳам ўзбек тилининг ўша даврларида атамалар асосан араб ва қисман форс тили ҳисобига шаклланган эди. Ҳатто унга қарши кураш эълон қилган олимнинг ўзи ҳам *наҳв* "морфология" *сарф* "синтаксис" атамаларини ўзбек тилига олиб кирган эди. Арабча фан атамалари ўзбек тилини шунчалик қамраган эди. Аммо энг ачинарлиси шуки, бунинг учун ҳам шукур қилиш керак эди. Бундан кейин ўзбек тили бойлигига рус-интернационал деб номланган қатлам суқулиб кириб, жуда катта фонзни ташкил қила бошлади. Бунга ҳам ўзбек халқининг бошидан кечган ижтимоий ҳаёти сабаб бўлди.

1917 йилги Октябрь инқилоби ўзбек халқи учун, дарсликларда ёзилиб, мажлисларда айтилиб келинаётганидай тенг ҳуқуқлилик, ҳурлик келтирмади. Тузум ўзгарди-ю, истибод қолавсрди. Рус шовинизми эса аксинча кучайди. Бу ҳақда А. Ақромов ва Қ. Авлиёқуловлар ҳамкорликда эълон қилган мақолаларида¹ шундай дейилади: "1917 йил 15—21 ноябрида ўтган Туркистон ўлкаси Советларининг III съезди Туркистон Халқ Комиссарлари Советини тузди, унга 7 большевик ва максималист, 8 сўл эсер сайланиб, ҳаммаси европалик шахслар бўлиб, маҳаллий аҳолининг турмуш тарзи, маданияти, тили бу ерда таркиб топган иқтисодий-сиёсий муносабатларни, диний анъаналарнинг кучли эканини билмай-диган тасолифий кишилар эди. Улар кейинчалик ўтмишда тарихан ташкил топган муносабатларни емиришга киришганда ҳеч нарса билан ҳисоблашмади, босиб олинган мамлакатда "ғолибнинг хоҳиш-иродаси мажбурий" қабилида ҳаракат қилишди. Маҳаллий аҳоли янги ижтимоий қурилиш йўлини, ҳаётни ўзгартириш ишини дарҳол бошқаришга қодир бўлмаган пода... деб ҳисоблашди". Шу мақоланинг ўзида яна бир ҳужжат келтирилади. Унда айтилишича "маҳаллий аҳоли ўртасида пролетар синфий ташкилотлари бўлмаганлиги сабабли улар вакилларининг ўлкадаги ҳокимият органларида ишлашларига йўл қўймаслик кераклиги ҳақида ёзилган эди".

Рус шовинизмининг Инқилобдан кейин ривожланиб кетганлиги ҳақида эса академик Э. Ю. Юсупов ўзининг "Ёш ленинчи" газетаси муҳбири З. Рихсиев билан суҳбатида²: "Айрим рус зиёдилари, ҳатто, маълум қисм ишчилар синфи вакиллари ҳам шовинизм руҳи билан заҳарланган эди", — деб кўрсатади. Академик Э. Ю. Юсупов ҳам бунга табиий ҳол деб изоҳлайди. Чунки Чор Россияси даврида Ўрта Осиё унинг мустамлакаси

¹ А. Ақромов, Қ. Авлиёқулов. "Рус шовинистлари ва миллий кадрлар. "Фан ва турмуш". — 1990—06, 16-бет.

² "Ёш ленинчи", 1990-2-06, 2-бет.

бўлгандан кейин уларнинг турли табақадаги фуқароси мустамлака ерида ўз-ўзидан катта имкониятларга эга эди. Аввало бу ердаги давлат ишлари рус тилида олиб борилган. Россияда феодализмнинг тугатилиши билан ишсиз қолганларни кўчириб келтириш, уларни иш билан таъминлаш, жой бериш, имтиёз яратиш қабилар ерли аҳолининг ҳуқуқларини бўғиб ташлаган эди. Турган гапки, рус фуқаросига яратилган бу имтиёزلарни улар инқилобдан кейин ҳам қўлдан чиқаришни мутлақо истамасди, аксинча, улардаги мавжуд шовинизм руҳини янада кучайтириш табиий бўлган. Худди шу руҳият асосида дастлабки Туркистон Халқ Комиссарлари Совети тўлиғича европаликлардан иборат ҳолда ташкил топди ва маҳаллий аҳоли вакиллари раҳбарлик лавозимига яқинлаштирмай қўйилди. Ҳатто ўта шовинист К. Я. Успенский маҳаллий аҳоли вакилларига қарата: "Ўртоқ мусулмонлар! Шунинг билингизки, биз сизларнинг катта оғангизмиз! Сиз кичиксиз ва тушунарлики, бизга бўйсунингиз керак!"¹ — дейишгача борди. Бу гаплар ниҳоятда силлиқлик билан айтилган истилочининг тазйиқи, ўз қўлларини тартибга чақиришни эди.

В. И. Ленин рус шовинизмининг разил томонларини ўз вақтида англади ва: "...биз великорус коммунистлари ўз орамиздаги великорус миллатчилигининг энг кичик кўринишларини ҳам жуда аёвсизлик билан таъқиб қилишимиз керак..." деб ёзган эди. У Туркистондаги шовинизмнинг олдини олиш учун алоҳида мандат билан П. А. Кобозевни Тошкентга юборди. П. А. Кобозев 1919 йил 15 апрелида В. И. Ленинга юборган телеграммасида: "Шахсан мудофаа позициясини эгаллашга мажбурман, чунки раҳбарликка суқулиб кирган буюк давлат шовинистлари маҳаллий миллатлар меҳнаткашларини совет қурилишига жалб қилишни истамайдилар"², — дейишдан нари ўта олмади.

Партия қурилишида ҳам европаликлар деярли барча ўринларни эгаллаб олган бўлиб, ўлка коммунистларининг 1918 йил 17—25 июнда уюштирилган I съездида Туркистон компартиясининг Марказий Қўмитасига сайланган 7 аъзосидан фақат биргина Низомиддин Хўжаев маҳаллий аҳоли вакили эди. Вилоят, шаҳар, уезд партия қўмитаси аппаратида маҳаллий аҳоли вакили мутлақо сайланмаган.

Тадқиқотчи Р. Қўчқоров 1922 йил март ойидаги маълумотларга асосланиб³, Туркистон маориф халқ комиссарлигида 1 ўзбек, 4

¹ А. Акромов, Қ. Авлиёқулов, Ўша асар, ўша-бет.

² А. Акромов, Қ. Авлиёқулов, ўша мақола, 7-бет.

³ Р. Қўчқоров, Жумҳуриятнинг тўсиқсиз йўли. Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1989-6.10. 3-бет.

қирғиз, 1 туркман, 7 яҳудий ва 68 рус кишиси ишлаганлигини айтади. Ваҳоланки, маориф аҳолига билим тарқатиш билан шуғулланади. Бошқа комиссарликларда аҳвол бундан ҳам бадтар эди. Яна ўша Р. Қўчқоров келтирган ҳужжатларга қараганда Туркистон Давлат нашриётида маҳаллий аҳоли вакили мутлақо бўлмаган. Ваҳоланки, инқилобдан «илгари бунчалик эмас эди. Инқилоб арафасида ўзбеклардан қатор ноширлар етишиб чиққанди.

1920 йил В. И. Ленин имзаси билан Тошкентдаги университетнинг очилиши ҳам ўз вақтида маҳаллий аҳоли манфаати йўлида етарли натижа бермади. Академик Э. Ю. Юсуповнинг хулосаларига кўра: "...дорилфунун гарчанд 1920 йил ташкил топган бўлса-да, унинг ривожланиши, шу ривожланиш натижасида маҳаллий миллатларнинг миллий онги, ижтимоий-сиёсий билимларининг ўсишига бўлган таъсири 7—8 йил ўтгандан кейингина сезилди"¹.

Бу далиллар шунини кўрсатадики, инқилобдан кейинги дастлабки ўн йилликда Туркистон ҳокимияти асосан руслар қўлида бўлган ва улар давлатини йўналишда бошқарган. Бунинг устига ҳокимият тепасидаги руслар шовинизм руҳи билан заҳарланган, ерли аҳолини назар-писанд қилмайдиган кишилар эди. Шунинг учун ҳам Туркистон ўлкасидаги бирор комиссарликда ва бирор давлат идорасида маҳаллий тил, жумладан ўзбек тили ўз аҳамиятига эга эмас эди. Давлат идораларига ўрнашиб олган рус шовинистлари ерли халқ тилини ўрганиш учун бош қотириб кўришмасди.

Ҳатто Туркистон ўлкасининг 1918 йил қабул қилинган Асосий қонунига ҳам рус шовинизмининг руҳлантирувчи модда киритилган эди. Унда давлат тили сифатида икки тил: туркий ва рус тиллари қабул қилинганди. Ваҳоланки, ўша вақтлар аҳоли рўйхатида кўра Туркистонда ўзбеклар 37, қирғизлар 35, тожиклар 17, руслар 7 фойзни ташкил қиларди. Асосий қонунда ўзбек тили (туркий тил) билан қирғиз ёки тожик тили эмас, балки энг кам — 7 фойзни ташкил қилган рус тилини давлат тили сифатида қабул қилинди². Давлат тепасидагилар ва давлат идоралардагиларнинг аксарияти руслар эди. Шундай бўлгандан кейин давлат тили ўз-ўзидан фақат рус тили бўлиб қолди. Ўзбек тили идоравий иш юратувчи тил сифатида, фан-техника, маданият тили сифатида четга суриб қўйилди.

Р. Қўчқоров яна бир қизиқ ҳолисани келтиради: съездда...

¹ Ёш ленинчи, ўша сон, ўша бет.

² Р. Қўчқоров, ўша асар, ўша бет.

Сирдарё областининг Тошкент райони депутатлари советининг вакили Муҳаммадйусуф Алиев ҳам сўзлайди: "...гарчи икки тил давлат тили деб эълон қилинган бўлса-да, уларнинг бири ҳокимлик қилиб, иккинчиси эса эътиборсиз ётибди. VI съездда мен МИКка сайланган эдим. Шу съездда мусулмон тили давлат тили деб эълон этилганди. Мана кўп маротаба бу минбарга кўтарилишга ва ҳар сафар шу ердан туриб Туркистоннинг тўрт томонидан оқиб келаётган фарёдлар ҳақида жар солишга тўғри келган. Бироқ минг афсуски, менинг оташин чақириқларим ва ўтли илтижоларимни ўртоқлар эшитишмади. Улар эшитишни хоҳламаганлари учун эмас, балки тилимни билмаганликлари учун шундай бўлди..." Албатта нотик ўзининг бу ва бунга ўхшаш бошқа чиқишлари учун ўша ўртоқларнинг кўпларига ёқмаган. Хусусан, Туркистон МИКнинг органи "Известия" газетасининг ўша йилги 29 сентябрь сонида "Туркистон воқелиги ва миллий масала" сарлавҳали катта мақола чиқиб, унда Кобозев ва Алиев ерли халқ вакиллариини бошқарув ишига тортишни ташвиқ қилаётганликлари, давлат идораларида мутаносиб вакилликни жорий этишни ўйлаганликлари учун кескин танқид остига олинадилар, партия аъзоси эканликларини унутганликда айбланидилар.

Р. Қўчқоров изоҳлаган бу ҳодиса давлат бошлиқларининг ўзбек миллати ва ўзбек тилига нисбатан тутган муносабатлари Чор Россияси давридагидан, губернаторлар муносабатидан унча фарқ қилмаслигини кўрсатади.

Тўғри, ўзбек тили учун Инқилобдан кейинги биринчи ўн йиллик ҳам деярли турғунлик йиллари бўлди. Лекин бу йилларда унча сезилмайдиган даражада бўлса ҳам, тилни маълум даражада силжитиш чоралари кўрилди. Бунинг учун жумҳуриятда янги тузум мактаблари, билим юртлари, техникумлар "рабфак"лар, турли курслар жорий қилинганлиги сабабчидир. Ўзбек тили замирида маориф ва янги ҳаёт воситалари билан боғлиқ аллақанча атамалар яратилди. Улар ўз даврининг лугатларида қайд этилди. Ўзбек тили билан боғлиқ Фитратнинг дарсликлари яратилди. Унда ўзбек тили грамматикасининг атамалари замон талаби даражасида шакл топди. Айниқса, Элбекнинг "Янги беш юз сўз" лугати яралиши ўзига хос янгилик эди. Унда берилган сўзларнинг ярмиси мана 70-йиллардирки, ўзбек тили билан бўладиган муомалада фаол қўлланиб келмоқда. Яна қолган сўзлардан 150 тачаси эса кейинги даврдаги тил сиёсати тазйиқи билан қўлланмай, эътибордан четда қолиб кетди. Бу шунинг кўрсатадики, мазкур даврда ўзбек тили бойлиги учун, унинг

соф сўзлари яралиши учун қайгурувчи бир қатор жонкуярлар етишиб чиққан. Улар маълум даражада муваффақиятга ҳам эришганлар.

Инқилобдан кейинги ўн йиллик ерли халқнинг инқилобдан олдинги каби рус шовинистлари томонидан исканжада тутиб турилганлиги ва маданий ҳаёти турғунликка маҳкум этилганлиги билан характерланади. Аммо тил тараққиётида маълум даражада фарқ бор. Ерли халқ шу ўн йилликда мактаб ва билим юртларида дунёвий ва амалий билимларнинг ўргатилиши ман қилинмаслиги, сиқиб қўйилмаганлиги учун, улар доирасидаги атамаларни яратиш ҳисобига тил бойлигининг маълум даражада ривожланиши юз берди. Аммо бу жараёни туб моҳияти билан ҳали тил тараққиёти деб бўлмас эди. Ерли халқ давлат сиёсий ишларига аралашмаганлиги ва мавжуд ягона дорилфунундан баҳраманд бўла олмаганлиги уларнинг ижтимоий ҳаётида, тўсиқ родини ўйнади. Ижтимоий ҳаётдаги ривожланишнинг сустлиги тил тараққиётида ҳам ўзининг салбий изларини қолдирди.

Ўзбек миллатининг инқилобдан кейинги иккинчи ва учинчи ўн йилликлардаги ижтимоий ҳаёти ҳам, ўз бойлигидаги ўзгаришларни кечирган тили ҳам бир хил давом этди. Бу давр ичида ўзбек графикаси ёзувни икки марта ўзгартирди. Аввал 1927 йил араб ёзуvidан кечиб латин ёзувига ўтилди. Бу ҳодиса бугун туркий халқлар тарихида маълум даврда олдинма-кетин кечди. Шу вақтга қадар эса Совет Иттифоқидаги кўпгина туркий халқлар араб ёзуvidан фойдаланарди. Бу ёзув туркий халқлар ўртасида унификациян хусусияти билан характерланарди. Туркий халқлар латин ёзувини қабул қилар эканлар, эски ёзувнинг ана шу хусусиятини эътиборга олмадилар. Ёзув унификацияси бу халқларни бир-бирига ниҳоятда яқинлашувидagi асосий омиллардан бири эди. Масалан, ўзбеклар азалдан озарбайжон, татар, туркман, турк классиклари асарларини ўз классикларини ўқиган каби ҳеч бир қийинчиликсиз бемалол ўқий билганлар. Шунингдек қардош озарбайжон, турк, туркман, татар халқлари ҳам ўзбек классиклари асарларидан шу даражада эркин, яйраб баҳра олганлар. Туркий халқлар латин ёзувига кўчар эканлар, ёзувдagi шу имкониятдан маҳрум бўлдилар. Латин ёзувига бундай кўчиришдан марказнинг қандай мақсадни кўзлаганлиги биз учун анча қоронғу эди. Ундан бир-бирига қарама-қарши икки хил хулоса чиқариш мумкин: бири туркий халқларнинг ҳаммасини бир хил латин ёзувига солиб, уларнинг ўзаро муносабатини яқинлатишдир; иккинчиси туркий халқлар ёзув воситасида ягона умумлашган қудратли фан-техника ва маданиятга эга бўлиб

қолишининг олдини олишдир. Биринчи хулосага кўра, Сибирь туркийларининг ёзувга эга бўлмаганларини ҳам, шу лотин ёзувини қабул қилдириш орқали, у воситасида қардош халқларга яқинлаштирилган деб ўйлаш мумкин. Бунда энди нега ёзув унификациясини эътиборга олинмай хатога йўл қўйилган деган сирол туғилади. Иккинчи хулосага кўра, ўз ёзувига эга бўлмаган халқларга ҳам араб ёзувини киритиб қўя қолинса, бўлмасмиди? Бу тақдирда араб ёзувига эга туркий халқлар олди минг йиллик маданий меросидан узилиб қолмасди. Шунингдек, туркий халқлар ўртасидаги ёзув унификацияси, маданий мерослар умумийлиги сиқланиб турарди деган фикрга келасиз. Яна бир қатор фактлар борки, бу кейинги келган хулосамизни тасдиқлаб, у атайлаб қилинганлигини кўрсатади. Ўз даврида туркий халқлар ёзувидаги унификацияни кўтариб чиқувчи ташаббускорлар ҳам бўлган. Бу ҳақда мунозарага киришилган пайтда марказ, гўё йирик халқлар майдасига тазйиқ ўтказяпти, баҳонаси билан бу мунозарага нуқта қўйди. Бизга маълумки, мунозара тазйиқ эмас эди. Шунингдек, Марказ бутун халқлар ёзувини лотинчага кўчиши учун ташаббус кўрсатса ҳам, славянлар масаласида индалмади ва арман, грузин халқлари ёзувига ҳам теша тегизилмади. Мақсад, ўз-ўзидан кўришиб турибдики, туркий халқларни бир-биридан ва ўтмишдан, анъанага эга бўлган меросидан маҳрум қилиш эди. Сталин доимо туркий халқларни ёқтирмай келган ва бу ўринда ҳам ҳисобни тўғрилаб олган. Марказда Сталин ва арманлар салмоғи бўлгани учун арман ва грузин ёзувларининг ақалли бурни ҳам қонамай қолган.

Туркий халқлар унификацияланган араб ёзувидан айрилиб, лотин ёзувига кўчар экан, бу улар тилида ўз салбий аксини ҳам берган. Аввал бирор туркий тилда янги сўз ясалса ёки ҳосил бўлса, босма ишларининг қанчалик қолоқ эканлигига қарамай, бошқа туркий тилларга тез етиб борар ва ўзлашиб кетяверарди. Бунда араб ёзувининг унификацион хусусияти катта омкониёт берган: бир туркий тилда чоп этилган асарни иккинчи туркий халқ ўз асари каби қабул қилаверган, шунингдек бир туркий тилдаги янги сўз иккинчи туркий тилнинг мулкига ҳам айланиб кетаверган. Масалан, татар тилида ясалган *чонғи*, *болиш*, *чакчак* каби бир қатор сўзлар аллақачон ўзбек тилининг ўз қатламидан ўрин олиб, ўзиникига айланиб кетган. Бундай сўзлар олганда умумтуркий бойликдан ўрин олувчи, туркий тиллар бойишида қўр бўлувчи қиммат ҳосил этади. Чунки, уларнинг келиб чиқиши қайси туркий тилда бўлса ҳам, ўзаги умумтуркий тилга хос. Улар ўзаги умумтуркий тилдан ва ўзининг ёйилиши

ҳам умумтуркий тилда бўлгач, умумтуркий тиллар бойлиги бўлиши муқаррардир.

Ўзбек халқи ўз ёзувини (лотин графикасига асосланган ёзувини) яна 1935 йил бир марта ислоҳ қилиб олгач, 1940 йилга келгач, ундан ҳам воз кечди ва руслар "кириллица" деб атаган ёзувга ўтди. Бу иш ҳам бутун туркий халқларида ёппасига уюштирилди. Бу, турган гапки, туркий халқларининг рус маданияти ва маорифига ортиқча ихлос қилиб, иккинчи марта йирик алданиши эди. Туркий халқлар ёзуви унификацияси бу гал ҳам эътиборда тутилмади. У бир умрга зорланмайдиган восита бўлиб қолаверди. Бу ёзувда туркий халқларни рафлатга қўядиган яна бир чалкашлик юзага келди.

Бизга маълумки, туркий тармоқдаги тиллар билан Ҳинд-Европа тармоғидаги тиллар морфологик қурилишидан тортиб бутун хусусиятларига кўра бир-бирига ўхшамаган тиллардир. Аввал бирор туркий тилга Ҳинд-Европа тармоғидаги тиллардан бири таъсир этар экан, ё бирор сўз олинар экан, улар албатта, ўз қурилишига мосланиб ўзлаштирилар эди. Туркий халқлар "кириллица" ёзувини қабул қилгач, бу қарашни ҳам тамомила улоқтириб ташлади, тўғриси, мазкур қараш марказ тазйиқи орқали улоқтириб ташлатилди. Энди, айниқса, рус тилидан олами жаҳон сўзлар туркий тиллар бойлигига киритилаётган бир даврда, уларни туркий тил қонуниятларига мослаштирилмай, яна рус тилида қандай ёзилса, шундайлигича сақлаш мажбурий қилиб қўйилди. Натижада, бир тилнинг ўзидики икки имлоли ёзув таркиб топди, яъни рус тилидан олинган ёки рус тили орқали Европа тилларидан олинган сўзлар учун рус тили негизига шакллантирилган бир имло; ўзбекча ва у араб-форс тилларидан ўзлаштирган сўзлари учун ўзбек тили негизига асосланган бир имло бор. Энди тасаввур қилинг: ўзбек тилидаги мактабларда савод чиқарувчи ёшлар шу икки негизга асосланган имлони ўзлаштириши — мажбурий. Рус мактабларида савод чиқарувчи фақат рус тили негизига асосланган имлони эгаллаш учун ўз ақл-идрокини ишга солса, ўзбек мактабларида савод чиқарувчи ҳам рус тили негизига асосланган имлони ва унга қўшимча ҳолда ўзбек тили негизига асосланган имлони эгаллаш учун ўз ақл-идрокини сарфлайди — икки баробар кўпроқ куч бағишлайди. Худди шунинг учун ҳам ўзбек мактабларида савод чиқариш анча оғир. Бу мактабларда ўқитувчилардан ҳам катта маҳорат талаб қилинади. Ҳозирги вақтда олий ўқув юртларига қабул имтиҳони ўтказилар экан, русларга нисбатан ўзбеклар бир босқич паст поғонада туради. Бу ўзбек ёшларининг уқувсизлиги ёки

мактабда бериладиган дарслар "даражасининг пастлиги"да эмас. Ахир ўзбеклар — Ал Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Форобий, М. Қошғарий, Фарғоний, Улугбек, Навоий каби буюк истеъдод эгаларини яратган халқ. Ҳозирги кунги савод чиқаришдаги қийинчилик эса улар имлосидаги ғурбат натижасидир.

Аввало ўзбек халқи қабул қилган "кириллица"га бир эътибор ташлайлик. Унда ўзбек тили учун мутлақо қимматли бўлмаган е, ё, ю, я, графемалари, ь, ы белгилари, ц ҳарфи бор: ўзбек тили учун зарур бўлган ж қоришиги, тил орқа нг, чуқур тил орқа нь бурун сонантлари каби фонемаларни акс эттирувчи ҳарфлар йўқ. Нозарурлари рус тилидан кириб келган сўзлар учун олиниб, зарурлари рус тилидан олинган сўзларда қўлланилмаганлиги учун эътиборсиз қолдириб кетаверилган. Натижада, ҳозирги кўпгина ёшларимиз *кўнгил, тонги, чанги, жим* каби сўзларни қандай ўқишда аросатда қоладилар. Кўринадики, "кириллица"га асосланган имлоимиз ўзбек тили талаффуз мисърининг бузилишига ҳам сабаб бўлмоқда.

Ҳозирги ўзбек имлосидаги бу ғурбат тилшунослар эътиборидан, албатта, четда қолмади. 1944 йилда бир енгилгина ислоҳот ўтказилди. 1956 йил яна бир салмоқли ислоҳот бўлди. Кейин бунинг учун 1969 йил бир, 1982 йил бир уринишлар қилинди, лекин амалга ошмади. Ҳатто 1945 йил немис фашизми таслим бўлишга улгурмай, немис турколог А. фон Габен ўзининг "ўзбек тили" грамматикаси (*Ozbekische grammatik*) китобида: "20 йил ичида беш марта имло ўзгартириб, шунда ҳам талабга жавоб бера олмаслигини эътиборда тутсак, бу уларда етарли билим, илм ақл эгаси йўқлигини кўрсатади", — деган хулосасини илгари сўрди. Бизга маълумки, бундан кейин яна бир имло ўзгартириб, яна ўзгартиришга ҳаракат қилияпмиз. Мен ишонч билан айтсаманки, ундан кейин ҳам имлоимиз расволигича қолаверади. Чунки имлони русчадан ўтган сўзларга мосласак, ўзбек тилининг ўз сўзларига; ўз сўзларига мосласак, русчадан ўзлашганларига мос келмайди. Имлоимиз калта кўрпага ўхшаб қолган: бошга торсак, оёқ, оёққа торсак, бош очилаверади. Биз четдан сўз ўзлаштиришни сунъийлаштириб қўйганмиз. У объектив қонуният асосида, ўзлаштираётган сўзларини ўз қонуниятларига бўйсундириб, қолипга тушириб олиши керак эди. Шунда унинг имлосида жумбоқлар юзага келмасди. Биргина бўгин кўчиришни эътиборга олайлик. Ўзбек тилининг ўз сўзларида бўгинга ажратиш биринчидан кейинги бўгинларнинг фақат бир ундош билан боғланиши билан белгиланади. Унга илова қилинадиган ҳеч қандай қонуният йўқ. Араб тилидан олинган сўзлар фақат бир белги қўшган. Сўзда қатор унли келса, унлилар ўртасидан бўгин ажралади. Бу ҳам сунъийликка кўрадир. Жонли тилда эса улар

ўртасида ундош орттирилади: *доим* > *дойим* каби ёки улар бир-бирига сингиб кетали: *мудофаа* > *мудофа* каби. Рус тилидан ўзлашган сўзлардаги бўгин ажралиши эса ўзбек тилидаги бўгинга ажралишининг биргина қонуниятини саккизтага айлантириб юборган, яъни ниҳоятда катта қийинчиликни юзага келтирган. Биз "кириллица"га ўтар эканмиз, рус тилидан ўзлашган сўзлар рус тилида қандай ёзилса, ўзбек тилида ҳам шундай ёзилади деб ўзбек тилидаги сўзлар қурилиши қонуниятининг деярли йўққа чиқишига маҳкум этганмиз.

Мен бу ўринда биргина масалага тўхталдим, "кириллица" билан боғлиқ имло тилимиздаги сўзлар қурилиши юзасидан шунчалик кўп ноқўлай ва номатлуб ҳолатларни келтириб чиқарганки, уларни бу ўринда эрмак қилиб ўтиришимизга ҳожат йўқ.

III-ўн йилликдан кейин Иттифоқдан барча ҳужжатлар рус тилида олиб бориладиган ва рус тилида қайд этилган номлар ҳақиқий ҳисобланадиган, у ўзбекчадан рўйхатларга ҳам шундай олинадиган бўлди. Натижада, ўзбек тилида *Халтаев* (Холтоев), *Сакибой* (Соқибой), *Ганибай* (Ганибой), *Акила* (Оқила), *Камар* (Қамар), *Аким* (Оқим), *Чакин* (Чақин), *Туган* (Тўгон) каби фамилия ва номлар юзага келди. Кўриниб турибдики, туппа-тузук ўзбек номлари рус имлоси орқали ҳақоратловчи сўзлар билан ўзбек тилига қайтариб берилган ва ҳатто ўша исм соҳибларининг ҳужжатларига ҳам қайд этиб қўйилган. Буни қарангки, ҳақоратлаш ҳам қонунилаштирилиб қўйилган. Бу ҳақорат эса фақат биз ўзбекларга қаратилган.

Шу инқилобдан кейинги II ва III ўн йилликлар икки репрессия йилларини, кўпгина халқлар қатори ўзбеклар бошидан ўтган қора кунларни, ўз ичига олади. Сталиннинг тиллар тараққиёти ҳақидаги биргина хато назарияси билан барча тиллар тараққиёти ва тақдири ҳақида адаштирувчи тадқиқотлар жорий қилинган даврни у акс эттиради.

Сталин 1929 йил апрелида маъруза қилиб, барча тиллар тараққий қилиши рус тилига ассимиляция қилиниши билан яқунланиши ҳақида башоратли назариясини илгари сурди. Сталин сиёсати тилларда, хусусан ўзбек тилида жуда катта доғли излар қолдирди. Биз инқилобдан кейинги биринчи ўн йиллик ҳақида гапирар эканмиз, рус шовинизми ва унинг ўзбек тили идоравий иш юритишдан четга сурилишидаги роли ҳақида баён қилган бўлсак ҳам, унинг аста-секин бўлса ҳам, ривожда олимларнинг роли бўлганлиги ва бунга ҳеч ким тўғоноқ бўлмаганлигини кўрсатган эдик. Инқилобдан кейинги II ва III ўн йилликда эса ўзбек тилини ўз имконияти ҳисобига бойитиш учун сал бўлса-да уринувчилар миллатчилик тамғаси билан қораланди ва қамоққа

тилини, сургун қилинди ёки отиб юборилди. Бундай тил
 билимдонларининг айни билимдонлиги учун ҳам ёстиги қуритил-
 ди. 1924 йил нашр этилган "Янги беш юз сўз" лугатининг
 тузувчиси эса 1937 йилги тўпалонларда "пурист" тамғасини олди
 ва репрессиянинг ўқига учди. Ўзбек халқининг кўзга кўринган
 тилшунос олимларидан Ғозий Олим, Фитрат кабилар ҳам саҳнадан
 кетди. Улар ўрнига рус тилида қандай сўз ясалса ва ҳосил
 қилинса, ўзбек тилига шундайлигича кўчирувчи, шамол эган
 томонга қараб букилувчи, бош эгувчи, ширбоз тилшунослар
 юзига чиқа бошлади. Ўзбек тилида сал бурун ўйлаб топилган,
 қилинган ҳарорати бўлган, чаркланган атамалар чиқариб юборилиб,
 ўрнига русча нусхалари ишга киритилди. Масалан, тилимизда
 қилган *ўзак, кечим, йўқсил, оқим, аччил, сувчил, борлиқ* каби
 қатор атамалар чиқариб ташланиб, ўрнига русчадан *базис,*
процесс, пролетар, ток, оксиген, гидроген, материя каби сўзлар
 оғни кирилди. Улар кенг кўлам ола бошлади. Тилни шу кўламда
 тиракқий эгтириш илғор қараш, тиллар бирлашувчи ва ягона
 тилга элтувчи йўл деб тушунилди. Шу даражага бориб етилдики,
 ўзбек тилидаги айрим фонетик қонуниятлар чегарасининг рус
 тилидан ўзлашган сўзларни мажбуран эслидагича талаффуз
 қилиши ҳисобига бузилишини ижобий деб топилди. Таниқли
 ўзбек тилшуноси А. Ғуломов: "ўзбек тилига кириб келган бу
 сўзлар рус тилидаги каби меъёр билан талаффуз этила бошлади",
 деб кўрсатган эди ("Ўзбек тилида ургу", 1947). Шунингдек, у
 бу билан ўзбек тилида сўз ургуи доираси кенгайганлиги за
 байишганлигини таъкидлади. Эътироф этиб айтиш керакки, бу
 тилшунос ўз даврининг пухта назариётчиси эканлиги билан
 деярли тилшунослар томонидан тан олингандир. Бироқ шу ўринда
 тилдаги қонуниятлар қанча ихчам, тилдаги ҳодиса учун бир
 қонуният бўлиб, нечоғли иловааларсиз бўлиши фойдаланувчи учун
 қулайлик туғдиришини у ҳисобга ола билмади. Турган гапки,
 ўзбек тилидаги сўзларда лексик ургу берилишининг ўзига хос
 қатъий қонуниятлари мавжуд. Бошқа тил таъсирида уларнинг
 бузилиши, унга иловааларнинг қўшилиши тилдаги шу қонуниятни
 ўзгариштириши машаққатга айлантиради. Бадиий адабиётда унга
 асосланган жанрларни йўққа чиқаради. Шунинг учун ҳам
 рус-интернационал сўзлардан аруз аазнидаги шеърятда деярли
 фойдаланиб бўлмайди. Уларни сўз ўйинига солиш мумкин эмас.
 Ваҳоланки, улар ўзбек тилидаги кўпгина сўзларни суриб чиқариш
 ҳисобига тилимиздан ўрин олган. Натижада шоирлар ўз
 реалистларида, ўша суриб чиқарилган сўзлардан фойдаланмоқда-
 лар. Бу ҳолни бадиий адабиётнинг барча жанрларида кузатиш

мумкин. Чунки рус-интернационал сўзларнинг кўпи жилосизлиги, субъектив ифодадан ҳоилилиги билан бадий тил воситаси бўлмай қолмоқда. Танқидчилар эса шоирларни архаик сўзларга муккасидан кетганликда айблайдилар. Ваҳоланки, ундай эмас. Рус-интернационал сўзлар фақат расмий доирасидагина ўзбек сўзларини суриб чиқариб, ўрнига кириб ўрнашган. Бадий тил бунга ўрин бермаган. Айримлар томонидан архаик деб ҳисобланган ўша сўзлар бадий тил учун архаик эмас. Фақат бадий тил билан расмий тил ўзбеклар учун икки оламга айланиб қолган. Таниқли тилшуносларимиз ҳам даврнинг сиёсати тақозоси билан тил салмоғини расмий тил посонгисидан ўлчайдиган бўлиб қолишган эди. Бадий тилда ўз ўрнини сақлаб келган бойлиқни тил тараққиётининг чиқити, архаизмлари деб, у билан ижод қилувчиларни ўзбек тили тараққиётини эгаллашдан орқада қолаётганлар деб баҳоланди. Буни қараганки, шу даврнинг сўз усталарининг ҳаммаси ўз тилининг тараққиётини фаҳмлай билмай қолишибди.

Хуллас, инқилобдан кейинги II ва III ўн йилликлар, тўғрироғи, 1927 йилдан Сталиннинг ўлимигача бўлган давр, ўзбек миллиятининг ижтимоий ҳаётида турли салбий ҳодисаларнинг кўплиги ўзбек тилида ҳам тўла ўз аксини берди. Аввало тил ва ёзув мослиги йўқолди. Ўзбеклар қардош туркийлар билан ижтимоий ва маданий алоқаларини ёзув ўзгариши муносабати билан йироқлаштирди. Ўзбек тилига аввал форс ва араб тиллари таъсир этиб, атамачиликда кўпгина қийинчиликларни келтириб чиқарган бўлса, энди рус-интернационал деб аталган қатлам унинг бойлигида салмоқли ўрин эгаллай бошлади. Бу атамачиликда ҳам, сўзлар қурилиши ва талаффузи меъёрида ҳам барқарорлик чегарасини бузиб юборди. Бадий тил билан расмий тил катта тафовутга эга бўлиб қолди. Назариётчилар ўз тадқиқотлари объектини сўз усталари тилидан эмас, ўзбек тилининг сиёсий тазйиқ билан сунъий тараққий эттирилиб, юзага келтирилаётган бойлигидан топишга одатландилар. Бу йилларда ўзбеклар давлат идораларига, ҳукумат ҳайъатига торттилиши сиёсатнинг мағзи бўлиб қолган бўлса ҳам, орада ўтган икки репрессия кампанияси лавозимдаги кишиларни деярли сиёсат маддоҳига айлантириб қўйган эди. Тил учун жафо чекувчи тилшунослар ҳам, сўз усталари ҳам бу тўғонни бузиб, ўзларича ҳаракат қила олмасдилар.

1954 йилдан кейин Бутуниттифокда, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам, сиёсий ҳолат ўзгарди. Репрессия қилинганлардан ҳаёт қолганлари қайтиб кела бошлади. 1937 йил

репрессиясида кўзга кўринган давлат, фан ва маданият арбоблари ёлпасига қириб ташланган бўлсалар ҳам, уларга боғлиликда айбланганлар қайтиб она тупроғини кўрди. 1947 йил репрессиясига дучор бўлганлар пешонаси ярқироқ экан, омон қолди, оқланди, шу баҳона ўзбеклар ҳаётида миллий уйғониш бошланди. Таъқиқланган адабиётларнинг кўплари яна қайтиб дунё юзини кўрди ва ташна ўқувчилари қўлида пайдо бўлди. Давлат ва ҳукумат идораларида ўзбек тилида ҳам иш юритиш тadbирлари кўрилди, амалга ҳам ошди. Бунинг учун шу даврдаги Ўзбекистоннинг сиёсий раҳбари ЎзКП Марказий Комитетининг биринчи секретари Н. А. Муҳиддиновнинг довбюраллик билан тутган йўлини, албатта, ёдда сақлаш керак. Булар тилда акс этмасдан иложи йўқ эди. "Тошкент оқшоми" газетаси билан "Тулистон" журнали айрим атамаларни ўзбекчада тақдим этишга ҳам ўтди. Аммо мазкур ҳаракатнинг тараққиёти узоққа чўзилмади. Н. А. Муҳиддиновнинг биринчи секретарлик лавозимидан кетиши бу хайрли ишларга нуқта қўйди. Бундай ҳаракат раҳбарлик томонидан рағбатлантирилмайдиган бўлиб қолди. Абдулла Қодирийнинг оммалашуви ҳам анча бўғилди. Чўлпон ва Фитратларнинг йўли тўсилди ва уларни ташвиқот қилмоқчи бўлган ҳам ёмонотлиқ қилинди. Айниқса Р. Н. Нишонов Марказий Комитетда идеология секретари бўлган йиллари сиёсий ҳолат салкам Сталин даврига қайтарилаёзди. Ҳукумат ва давлат идораларида ҳужжат ишлари фақат рус тилига ўтказилди. Ўзбек тили мутлақо сиёсий қимматини йўқотди.

Баъзан сиёсатда кўзга кўринмаган одамнинг бир оғиз ноҳўя гапи ҳам катта бурилишга сабаб бўлади. Бу гап, албатта, маълум сиёсий ҳолатни ҳал қилувчи кучга эга гуруҳлар руҳига мос келса, бас. Шунинг ўзиёқ улар кўрмоқчи бўлган тadbирларни амалга ошириши учун туртки ролини ўйнайди. Туртки ролини ўйнаган бир оғиз ўз "Совет Ўзбекистони" газетасида эълон қилинган биргина кичик мақолада қайд этилган эди. Мақола ўзини В. И. Ленин номли Тошкент давлат университетининг ўзбек тилшунослиги кафедраси аспиранти деб даъво қилувчи Н. Ғ. Гуломовага тегишли бўлган. Бунда у рус тилидан ўзлашган атамалар ўзбек тилининг ўз лексикаси ҳисобига ясалган атамалар билан алмаштирилаётганлигини қоралаган, уни тил тараққиётини орқага судровчи восита деб талқин этган, шунингдек бу ҳодисани тиллар қўшиливи йўлига тўғаноқ деб баҳолаган (15.01.1969). Бу, албатта, Марказий Комитетдаги ўша давр етакчи раҳбарларига ёқиб кетди. Шундан кейин ўзбек тилининг софлиги учун бошланган ҳаракат яна тўхтатилди. Бунинг учун вақтли матбуот сиқувга олиб қўйилди.

60-йилларнинг энг характерли томони ҳам миллий тилларни рус тили таъсирида бойитишни энг илгор ҳодиса сифатида ташвиқот қилиш бўлиб қолган эди. Уни назарий асослаш учун уринувчи намоёндалар ҳам юзага келди. Бунга биз Ю. Д. Дешериевнинг "Совет жамиятида тилларнинг ўзаро таъсири ва тараққиёт қонуниятлари", А. Т. Базиев ва И. Исаевларнинг "Тил ва миллат", П. А. Слеповнинг "Ёқут тилида русча ўзлашган лексика", Б. А. Сулаймонованинг "Қозоқ тилида русча ўзлашган сўзларнинг айрим масалалари", А. Г. Горшковнинг "Чуваш лексикасининг бойиши ва тараққиётида рус тилининг роли" асарларини кўрсатишимиз ва шу асарлар орқали бу тоифа авторларининг тилшунослик оламидаги дунёқарашларини тўла тасаввур этишимиз мумкин. Ўзбек файласуфларидан Қ. Х. Хоназаров ҳам шу ғоя билан озмунча жон куйдирмади. У худди шу мақсаддаги ташвиқотни назарий асослаш учун ёзган ишн учун "фалсафа фанлари доктори" деган илмий даража олишга муваффақ бўлди. Шу юзасидан унинг "Рус тили СССР халқларининг иккинчи она тили (1965)", "СССРда миллатлараро тил билан миллий тилларнинг ҳамкорлиги (1969)" каби йирик монографиялари нашр этилди. Қ. Х. Хоназаров ҳам дунёда ягона тилни юзага келтирувчи етакчи тиллардан бири рус тили деб кўрсатишга ҳаракат қилди. Ю. Д. Дешериев ўз тили учун қайғурувчиларни, ҳатто калтабинликда айблади ва улар ҳақида: "Айрим тилшунослар тилларнинг бир-бирига таъсири кечимини тўғри фаҳмлаш ва тушуниб етиш учун ожизлик қилиб, сўз ўзлаштириш тилининг туб қурилишини бузади, дегандай жар соладилар. —("Совет жамиятида тилларнинг ўзаро таъсири ва тараққиёти қонуниятлари", 1966, 40-бет)" — деб ёзди. Аммо унинг ўзи оддий илмий мунозара одобини унутган эди. Зеро ҳамкасбнинг катоси ёки бошқалар фикрига мос келмаган нуқтаи назари учун, уни ҳақоратламайдилар, балки силлиқ муносабат билан далиллар орқали унга қарши фикрни билдириб, мунозара қиладилар. Бироқ унинг бу қўпол муомаласи билан ҳам ўша "баъзи тилшунослар" ҳеч вақт ноҳақ бўлиб қолмаганлар. Улар ўз миллий тиллари қурилиши барқарорлиги учун қайғуриб жуда тўғри қилган эдилар. Ахир рус тилшунослари ҳам рус тилининг софлиги учун курашган эдилар-ку. Нега улар бу ўринда айбланмайдилар? Аксинча, улар тўғри йўл тутган деб ҳисобланади.

Биз ўз тилининг софлиги ва соф ҳолда бойиши учун

Қ. Х. Хоназаров ўзбек миллий тилига давлат мақоми бериш зарурлиги ҳақидаги мунозара бошлангандан кейин ўз қарашларини тамоман ўзгартирди ва "дунёда ягона тил" назариясига қарши фикрлар билан чиқа бошлади. Аввалги фикрларидан ҳайтгани ҳақида телекўрсатувда чиқиш ҳам қилди.

қайғурувчиларни "пурист" деб айблаймиз. Худди шундай пуристлиги билан рус тили бойлигини йиққан В. Даль, турк тили софлиги учун курашган Ота Турк, форс тилини тозалашга киришган эрон тилшунослари, наҳотки, тарихда қораланувчи шахслар ҳисобланади. Аксинча, ўз халқи улар номини фахрланиб тилга оладилар. Бундай шахслар тарих талаби билан майдонга чиққан, ўз тили инқирозга юз тутишининг олдини олиш учун курашганларнинг олдинги сафида турган кишилардир. Уларнинг иш юритиш йўллари, турган гапки, ранг-баранг бўлган, аммо мақсадлари бир эди.

Ҳар бир тил ўз сўз бойлигига, бу сўзлар эса маълум фонетик қурилишига, изчил грамматик қонуниятларига эга бўлади. Унинг шу томонларига футур етиб борар экан, тил инқирозга юз тутати. Шу тилда гаплашувчи халқ нисбатан пухтароқ, барча сатҳдаги қонуният-изчил ва барқарорроқ тилининг этагини тутиб, ўз тилидан воз кечиб кетади. Ҳар бир миллат ўз тилини шу балого гирифтор қилмаслиги керак. Унда миллат ҳам миллат сифатида йўқолади. Ўз тилига ўзга тилларнинг, рус тилига ўхшаш зўр тилнинг ҳам аралашаверишининг олдини олиш учун курашувчилар миллат сифатида йўқ бўлишни истамаган, миллий гурури кучли кишилардир. Улар ақлсизлик, фаросатсизлик касалига дучор бўлганлар эмас, узоқни кўриб қадам босувчи, келажак режасини усталик билан тузувчилар ҳисобланади. Ўша "айрим тилшунослар" бутун дунёдаги тиллар бирлашиб ягона тилга айланади, деган назария ҳам фанда, ҳам сиёсатда ҳукм сураётган бир пайтда ўз миллий тиллари ташвишини қилиш фаҳмига бора олибдиларми, демак улар яхшигина заковат эгаси эканлар.

Рус тилига нисбатан бундай ўта эътиқод ўзбек тилшунослигида ҳам ўз дешеривларини келтириб чиқарди. Минг афсус билан айтиш керакки, у Ўзбекистон тилшунослигида ҳам, туркология оламида ҳам ўз назарий ўткирлиги, педагогик маҳорати билан катта ҳурмат қозонган А. Ғ. Ғуломов эди. У бу соҳада ўз назарий ўткирлигини ҳам унутиб, ўзбек тилига ниҳоятда ҳурматсизлик муносабатида туриб иш тутадиган бўлди. Бирор маъруза ёки нутқини қўзатиш мумкин эмасдики, ўринсиз ҳолда русча сўзларни қористирмасин. Бунинг жонли тилга яқинлик деб тушунарди, ҳаммага ҳам шу даъвосини ўтказмоқчи бўларди. Ҳатто, *единица, рецензия, заключение, стил, сущность* каби сўзларни ҳам ўзбек адабий тилидан ўз ўрнини олган, фаол қўлланиши керак бўлган сўзлар деб қарарди. Айниқса, 1980 йил III Бутуниттифоқ туркологик конференциядаги чиқишида миллий гурурни оёқ ости қилувчи бир фикрини илгари сурган эди. Унингча, ўзбек адабий тили шевалар ҳисобига бойиш

даврини ўтган, у энди фақат рус тили ҳисобига бойир эмиш. Бу фикр кўпчиликка, шу жумладан раислик қилувчи Ўзбекистон вакилига ҳам, ёқмади. У бу масала ўзбек тилшунослигининг ички масаласи эканлигини айтиб, мажлис аҳлидан кечирим сўради. Шунинг учун ҳам А. Ғ. Ғуломовнинг бу маърузаси конференция материаллари ичида, таъкилотчилар норозилиги туфайли нашр этилмади. Аммо А. Ғ. Ғуломов шу фикрида қатъий эди. 1984 йил ТошДУ тилшуносларининг баҳорги илмий конференциясида доц. Ё. Ғ. Ғуломов (унинг укаси) воситасида яна шу фикр кўтариб чиқилди. Маърузачининг фикрини А. Ғ. Ғуломов илиб, яна анчагина кенгайтирди. Унинг фикрича, ўзбек адабий тили рус тили таъсирида тараққий этиб, жуда илгарилаб кетган. Энди уни тўлдириш учун шевалар ожиз. Бунинг устига уни кичик жойдаги кишиларгина тушунар, кўпчиликка нотаниш эмиш. Бу ўринда бир нарсга ҳисобга олинмади: ахир шу шва сўзларининг ўзак ва қўшимчалари соф ўзбекча бўлади-ку. Кишида онг бор. Унинг маъносини тафаккур воситасида ҳар бир кишининг ўзи чиқариб олаверади.

1984 йиллардаёқ давр анча ўзгарган, миллий гурур ва онг анча ўз меъёрига етиб қолган эди. Юқоридаги каби молу матаҳларни энди бозор кўтармай қўйди. Дарҳол конференциянинг икки қатнашчиси биттадан саволни кўндаланг қўйди: 1) Ўзбекистонда 6 юз хил узум нави бор дейилади. Улар ҳали китобларда, рўйхатларда акс этганича йўқ, номлари ҳам шеваларда ётибди. Бу навлар ўрганиладиган бўлса, номларини қаердан олиш керак? Руслар атаб олгунча кутиб туриладими? 2) Ф. Энгельс, жонли тилидан ажралган ҳар қандай адабий тил ўлик тилдир, деб изоҳлайди. Ўзбек адабий тили ҳам ўлик тилми?

Бу ҳурматли домламиз қатнашган сўнгги анжуман эди. Шу йиғинда ҳам А. Ғ. Ғуломовнинг соғлиги ёмон бўлган. Берилган саволлар домланинг концепцияси тор-мор бўлганлигини аниқ кўрсатиб турарди. Кенгашининг давоми кўнгилсиз воқеаларни келтириб чиқарарди. Шунинг учун у шу ерда тўхтатилиб, ҳамма тарқаб кетди.

Проф. А. Ғ. Ғуломовнинг ўзбек тилшунослиги учун хизмати, шубҳасиз, жуда катта. Аммо мазкур концепцияси ниҳоятда хато бўлиб, бунинг устига ўз ҳаммиллатларининг гурурига ҳам ҳаётда ёмон тегар эди. Бу фикр ўша 1980 йилда эмас, ундан анча илгарироқ — Н. Ғ. Ғуломовнинг "Совет Ўзбекистони" газетасидаги мақоласидан бошланган ва ўзбек адабий тилини шевасидан ажратишга бўлган ҳаракат унинг 1985 йил рус тилида нашр этилган монографиясида (64—65-бетлар) ҳам эълон қилинган. Аммо фикрнинг ниҳояси юқорида айтилган конференция бўлди.

Шунгача бу фикр проф. А. Ғ. Ғуломов бошчилигида Ё. Ғ. Ғуломов, Ғ. Ш. Шарипов, Н. Я. Ғуломова (Ё. Ғ. Ғуломовнинг оиласи) қатъий тарғиб этилиб келди. Дунёда ягона тил бўлиши ҳақидаги назариянинг пуч эканлиги ва А. Ғ. Ғуломовнинг 1985 йилги вафоти натижасида унинг ҳамфикрлари тилшунослик саҳнасида тушиб кетдилар.

Ижтимоий ҳаётда русларнинг етакчилиги ва дунёда ягона тил бўлиши ҳақидаги назарияси Иттифоқдаги барча тилларни у ассимиляция этиши керак, деган нотўғри қарашни келтириб чиқарди. Натижада иттифоқдаги миллатлар тилига рус лексикасини мажбуран тиқиштириш бошланди. Рус тилининг салбий роли деганда шуни эътиборда тутилади. Бу деган сўз рус тилидан юз ўтириш, унга қарши курашиш деган мантиқни келтириб чиқармайди. Ҳар бир онгли киши, келажакнинг ёрқин кунларига эришмоқчи бўлган авлод, албатта, рус тилини эгаллашга ҳаракат қилиши керак. Рус тилини, шубҳасиз, соф ва пухта ўрганиш жоиз, аммо ўз тилига қориштириб юбориш, ўз тили ўрнига алмаштириб олиш миллий ғурурни оёқ ости қилишдан бошқа нарсаси эмас. Рус тилининг ниҳоятда катта бойлиги, бойлик бўлганда ҳам бутун дунё илгор фанининг қаймоғи, техникаси ва маданиятининг асослари унда жамланиб турганлиги, дунё халқлари билан мулоқот у орқали олиб борилиши мумкинлиги ҳамма вақт ҳар бир кишининг онгида бўлиши зарур. Тил эгаллаш киши тафаккури доирасини кенгайтиради. Ўзбек халқи ўрганиши учун энг қўлай тил рус тилидир. Чунки ўзбеклар энг кўп мулоқотда бўладиган халқи руслар ҳисобланади. Шундан фойдаланиш — энг оқил кишиларнинг иши. Ўзбеклар фақат рус тилинигина эмас, форс-тожик, араб тилларини ҳам билиши-ҳозирги замон тақозоси. Хитой тилини ҳам ўрганса, нур устига аъло нур бўлади. Келажакимизда шу халқлар билан ҳам алоқа боғлаш зарурияти борга ўхшайди. Бироқ ҳамма ҳолатда ҳам она тилимизнинг софлиги учун курашувимиз ва соф гапира билишимиз виждоний, миллий бурчимиздир.

Ўзбекистон ерларида иш юритиш тили рус тили бўлиб қолганлиги бир қатор оғир оқибатларни ҳам келтириб чиқарди. Аввало бу руслар учун имтиёз бўлди. У шу билангина чегараланмади, балки Ўзбекистоннинг бир қатор келгинди халқларини ўзбек елкасига миндирди. Келинг, бу масалата тағ-томири билан бир назар ташлайлик.

1939 йилги Ҳасан гол можаросидан кейин корейслар Ўрта Осиёга келтириб ташланди. Уларга Тошкент областининг Чирчиқ бўйлари — серсув районларини ва ҳатто водийдаги шундай жойларни ҳам тортиқ қилиб юборилди. Уларнинг йирик-йирик шоликорлик ва пахтачилик колхозлари барпо қилинди. Улур

Ватан уруши баҳона Европанинг пулдор яҳудийлари ҳам Ўзбекистон шаҳарларига ёпирилиб келди ва бутун савдо, иқтисод соҳаларини, унумли ўринларини қўлга киритди. Уларнинг бирортаси оғир меҳнатда ўзини кўрсатган эмас, яна қримтатарлар ва месхетлар кўчириб келтирилди. Уларга ҳам ёмон ерлар берилган эмас. Ниҳоят урушдан кейин Грециянинг қувғинлари ҳам Ўзбекистон устига юк бўлди. Булардан ташқари инқилоб йиллари келиб, қолиб кетган арман дошноқлари, турк асирлари; қулоқлик йиллари сургун қилинган озарлар ва грузинлар ҳам ҳозиргача шу ерда яшайди. Шулардан фақат қримтатарлардангина ўзбекларнинг юрагида гина-гудурук қолмади. Чунки улар ўзбеклар билан сингишиб, чатишиб кета олди ва ўз меҳнатсеварлигини билди. Қолганлар эса, қарайдики, ўз тили билан бу ерда кун кўриб бўлмайди: ё рус тили, ё ўзбек тилини ағаллаш керак. Республикада иш юритувчи тил эса рус тилидир. Шунинг учун улар ўзларини рус тилида муомала қилишга тайёрладилар ва бола-чақаларини ҳам рус мактабларида ўқитиб, русча тарбияладилар. Шунинг учун шаҳарларда ҳам, қишлоқларда ҳам идора ишлари: партия кўмиталари, ижроқўмлар, "райсо-бес"лар, бухгалтериялар, ҳатто, турли кассаларгача рус ва рус тилини яхши ағаллаганлар қўлига ўтди. Ўзбек халқ шоири Э. Воҳидов: "Жумҳуриятимиз Олий идорасида Давлат тили тўғрисидаги қонун қабул қилингунича бирорта ҳам ўзбекча машинка бўлмаган. Ҳозир ҳам кам, Ҳужжатлар, иш юритиш илгари қандай бўлса, ҳозир ҳам деярли шундай — рус тилида юритилади... Сабаби — аппаратнинг масъул ходимлари орасида ўзбекзабонлари нари борса 30 фоизни ташкил этади. Улар ҳам ҳужжатларни она тилида олиб бориш учун кўникишмаган. Афсуски, бундай идоралар кам эмас. Жумҳурият вазирлар кенгаши ва бошқа қатор идоралардаги масъул ходимлар сафида ўзбеклар, беозор қилиб айтганда, нисбатан жуда камчиликини ташкил этади. ЎзССР физкультура ва спорт кўмитасида ишловчи 56 кишидан яқин-яқингача бор-йўғи олтитасигина ўзбек эди", — деган ҳақиқатни келтиради ("Ўзб. ад ва санъати", 13.07.1990). Ўзбеклар бу идораларда ноқобиллиги учун эмас, рус тилини, русча тарбия кўрганлардан ёмон билганлиги учун ишламайди, ишлаганлари эса ўзбекчани аллақачон тарк этган нигилистлардир. Ерли халқ ўз ўзбек тилини билганлиги ва рус тилини унча билмаганлиги учун колхозларда 30—40 сўм ойликка 14 соатгача қуёш тиғида ишлаш, шаҳар ва қишлоқларда кўча супуриш, фаррошлик қилиш, қоровуллик, энг ёрлақгани савдони олди. Энди тасаввур этинг, бир хил ўрта маълумотли бўлганларнинг четдан келса ҳам, рус тилида тарбия кўргани столда тўралик билан лабини бўяб ўтирса-да, рус тилини яхши билмаган ерлик

унинг оёқ остини супуриб юрса. Яна ерли, шўринг қургур, рус тилини гапириш ва тушунишда қийналганлиги учун, унинг гапга чечанларидан турткиланса, ҳақоратланса, иши унмай идорама-идора сарсон бўлиб, юрса. Шу ўринда Олий Совет сессиясидаги ўзбек тилига давлат мақоми берилиши муносабати билан файласуф академик Э. Ю. Юсупов қилган маърузасидан қуйидаги бир гапни эслашга тўғри келади: "Мунозара жараёнида тиллар масаласига оид муҳокамани миллатлараро муносабатларнинг ижтимоий-иқтисодий характердаги мураккаб соҳасига, шахслараро муносабатларга буриб юборишга бўлган уринишлар ташвиш уйғотди". Тил ҳақидаги мунозара миллатлараро муносабатнинг ижтимоий-иқтисодий характердаги мураккаб соҳасига, шахслараро муносабатларга буриб юбориш учун уринилгани йўқ. Ахир тилнинг ўзи ижтимоийдир. Ўзбекистон еридаги ижтимоий-сиёсий ҳолат ўзбек тили қадрини белгилади. Унинг қадри шу ердаги турли миллатларнинг миллати — тил эгаллашига қараб табақаланиб қолишига сабаб бўлди. Тилнинг ижтимоий ҳолатига қараб шу тилда сўзлашувчи миллатларнинг ўзаро муносабатини белгилувчи онги шаклланди. Бу ҳақда гапирсак ҳам, гапирмасак ҳам, Ўзбекистондаги ижтимоийлик тил туфайли шу ҳолатдадир.

Ўзбекистондаги зиёлилар тақдири ҳам бундан дуруст ҳолатда ривожланмади. Айниқса, ҳимояларнинг русчага қўчирилиши илмий даражаларни талантларга эмас, бойваччаларга кўпроқ ато этди. Иш ёзилгандан кейин русчага таржимаси, таҳрири, қайта-қайта қилинадиган машина ёзуви; уларнинг ҳар қайсиси ҳам ўзбекчага қилинадиган таржима, таҳрирдан, машинкалашдан қиммати икки ҳисса ошиб кетгани унча-мунча одамнинг белини букиб қўядиган бўлди. Ёки талантга нисбатан русчани яхшироқ эгаллаганлар ютиб кетадиган ҳолга келдилар. Ҳар бир соҳанинг ўзига хос мафияси бўлгандай, рус тилини қурол қилиб олганлар ҳеч қандай меҳнатсиз тайёр монографиялар, луғатлар, кашфиётлар ва ҳатто тежамкорлик таклифларигача ҳаммуаллиф сифатида суқилиб кириш одатини чиқардилар. Кўринадики, миллатлар ўртасидаги табақаланиш ҳамма соҳада ҳам ўз аксини топди.

Биз юқорида Ўзбекистонга келиб, турли имтиёз орттирган миллатлар ҳақида ёзганимизда уйғурлар, тожиклар, қozoқлар, қирғизларни тилга олмадик. Улар туб ерли халқлардир. Уларнинг тақдири ҳам ўзбеклар тақдиридан, заррача бўлсин, фарқ қилмайди. Бунинг устига улар Ўзбекистон ерида ўзбекдан фарқ қилмайдиган ўзи айтмаса, ажратиб ҳам бўлмайдиган даражага келиб қолган.

Ўзбекистонда ўзбекларнинг тил туфайли ўз имтиёзларини қўлдан бериб қўйиши, айниқса, кейинги вақтда иқтисодий

қийинчилик кучайиб: нарх-наво кўтарилиб, дўконлар пештахталари бўшаб қолаётганлиги орқасида яққол кўзга ташланиб қолди. Иқтисодий танглик бутун жумҳурият бўйлаб ҳукм суриб турган бир вақтда тил воситасида имтиёзга эга бўлиб қолган халқлар мавжуд таъминотни ҳам ўз фойдасига юлиб, енгил ва унумли вазифаларда яхши ойлик билан куё кўраётганлиги ерликларнинг гашига тегмай иложи йўқ. Чунки улар танг иқтисодий воситаларидан яна қолган-қутганлари ҳам кимлар томонига кўпроқ оқиб кетаётганлигини билиб турибдилар. Шундоқ рўпарасида кимлардир хирсдан тўқ яшаб, ўзининг қозони ҳафталаб, ойлаб гўшт кўрмаётганлигини билган ўзбекнинг ҳаёлига нималар келмайди дейсиз?! Бунинг устига ота-боболари яшаб ўтган, ширин-шарбат оқиб турган боғлар ҳозир кимлар қўлига ўтиб қолганлигини яхши билганлар руҳиятида нималар шаклланиши, айниқса, бу танглик даврида қайси даражага етиб олиши ҳам сир эмас. Бундай халқ учун арзимас бир учқун кифоя. Биргина иғво ерликларни ёппасига қўзғатиш ва сел тошқинига айлантириш учун етарли восита бўлади. Фарғона, Андижон, Бўка, Паркент фожеаларининг келиб чиқиш сабабларини асосан шулардан излаш тўғрироқдир. Душанба, Енги Узен, Уш ҳодисалари ҳам асосан шу сабаблар билан боғли ҳолда юзага келган.

Кўрдикки, айниқса, 1960 йиллардан кейинги даврдаги ўзбек тилининг идора ишларидан ситиб чиқарилиши ижтимоий қийинчилик ҳукм сурган шу йилларда ерли халқнинг ижтимоий қийинчилигини яна ҳам чуқурлаштирди, қийинчилик билан топиладиган насибанинг катта улуши тил билганларнинг амалдорлик курсисига йирик ойлик ҳисоби билан, вазифага яраша савдо нуқталаридан имтиёз, хушомадлик йўли орқали, иш тушганда қистирмачиликдан оқа бошлади, юки эса пешона тери тўкканларга ато этарди. Булар миллий адоватни юзага келтирмай иложи йўқ эди.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, ўзбекларда миллатчилик одати бўлмаган. Улар шунинг учун ҳам ўз бағрига шунча, турли миллатга мансуб халқларни "оғир кунда қолибди" тушунчаси билан олган ва уларни сингдириб кетаверган. Эҳтимол мескетлар Қувасойда кейинги уч йилда ўтказган бебошликларни қилмаганда Фарғона фожеаси юз бермасмиди?! Виз ТошДунинг филолог студентларини 1986, 1987, 1988 йиллар июлида бир ойдан Тошлоқ, Қува, Учкўприкда диалектологик практикада олиб турган пайтимиз ерли халқ шу ҳақда қайта-қайта нолиган, бу ҳақда айрим ташкилотларга айтган ҳам эдик. Бу фожеа бир бўлди, бўлди. Лекин ўзбеклар ўз бағридаги бошқа миллатга мансуб аҳолига нисбатан бундай қиргин уюштирмақчи ва ўзини

ҳам қирғинга рўбарў қилмоқчи эмас. Аммо ўзбеклар, тўла эгалламаган тили сабаб, бошқалар учун оёқости, камситилувчи, таланувчи халқ бўлиб қолмаслиги ҳам керак. Акс ҳолда, ҳеч ким ҳеч нарсага кафолат бера олмайди.

1960 йилдан кейинги ўзбек тилининг ижтимоий тақдири, у билан боғли ижтимоий ҳаёт ва сиёсий ҳолат асосан шу, юқорида тасвирланганича кечди. Шу 30 йиллик кечмиши ҳисобига, тўғрироғи, Россия ўзбек ерининг уч беклик, икки хонлик, бир амирлик-олти сиёсий ҳокимиятга бўлиниб кетганидан фойдаланиб, осонгина қўлга киритмоқни мўлжаллагани ҳолда саккиз йиллик жангдан кейин 1865 йилда Тошкентга бостириб кирганидан бери, ўзбек тили бойлиги рус туркологлари айтганидай ва уларга эргашган ўзбек тилшунослари таърифлаганича ўзининг олий чўққисига кўтарилмади, балки шу 120 йиллик идора юритиш билан боғли атамаларни, шунингдек аср фанини акс эттирувчи атамаларни ўз бойлиги ҳисобига юзага келтириш ва ясашдан йироқда қолиб кетди. Умуман бойлиги тараққиёти хусусида ҳам шуни айтиш мумкин. Бу кемтик жойининг айрим томонларини рус тилидан олинган атамалар билан тўлдиришда ҳам намоён бўлди. Улар бегона тилга мансуб бўлгани учун ўзбек халқининг осонгина фойдалана оладиган муомала қуроли эмас, қунт билан ёдлаш ва ўрганиш объектига айланди. Ўз тилида муомала қилувчилар ўз тилини таржимон орқали тушунишга ҳам мажбурлиги туғилди. Ўзбек тили идоровий иш юритиш ва фан атамачилиги доирасида дўзах тусини олди. Бунинг устига тил қурилиши, кўпроқ сўз қурилишининг ўзбек тилига хос томонлари бузилди. Турган гапки, бу ўзбек тилининг давр талабига кўра инқирози эди.

Юқорида айтиб ўтилган ижтимоий, сиёсий ва ўзбек тилида кечаётган фожеаларнинг охирига нуқта қўйиш учун фақат бир йўл қолди. У ҳам бўлса — Ўзбекистон ерида ўзбек тили учун давлат мақомини бериш. Бунинг зарурлиги ўз вақтида тўғри ҳисобга ола билинди. Бу масала М. Кенжабоевнинг "Дилдошлик" мақоласи туртки бўлганидан кейин икки тилликка бағишланган Тошкентдаги регионал конференцияда ЎзССР ФАнинг тил ва адабиёт институти директори Б. Назаров томонидан 1988 йилда кўтариб чиқилди. Шундан кейин бу ҳақда баҳс бошланди. Мақсад ўзбек тилига давлат мақомини бериш ва рус тилига миллатлараро муносабат вазифасини қолдириш эди. Шунга кўра 1-лойиҳани тузишга киришилди ва уни эълон қилинганда бу фикр эскирганлиги маълум бўлди. Бунинг устига рус тилига ҳам ўзбек тилига тенг ҳуқуқ берилганлиги "Лойиҳа" қимматини ўзбеклар ўртасида йўққа чиқарди. Шундан кейин баҳс ниҳоятда аланга олди. Вақтли матбуот икки тарафга ажралди. Ўзбекистондаги

рус матбуоти кўпроқ икки тиллиликини ёқлаб чиқди. Айрим қолларда ўзбек тили бунга "лойиқ эмаслиги" ҳақидаги масхараомуз луқмалар ҳам бўлди. Бунда русча мулоқат қилувчилар ўз мавқеларини бериб қўймаслик учун курашаётганликлари яққол сезилиб турди. Уларни, ҳатто, марказий матбуот ҳам ўз ўрнида қўллаб, мақолалар бериб борди. Шуниси қизиқки, улардаги руҳ ҳам жумҳуриятимиздаги рус матбуоти эълон қилган мақолалар руҳига жуда монанд эди. Бу ҳам ўзига хос кулесалар чиқариш имкоқини беради. Ҳатто уларга С. Азимов, Ҳ. Умарбеков каби айрим арбоблар ҳам жўровоз бўлишди. Буларни ҳам тушуниш керак. Бундайлар ўзи ва оиласи русча таълим кўрган шахслардир. Чунки сиёсатга кўра масъул ва катта лавозимга ерли миллат вакили қўйилади. У рус тилини яхши билиши шарт. Агар анъана давом этаверса, ўша лавозимлар бола-чақага мерос қолаверади, яъни шоҳ ўрнига — шаҳзода. Ўзбек тилига давлат мақомий берилса, улар ҳам одам қатори эъззлиги сезилиб қолади. Ҳар ҳолда амалпараст учун халқ манфаати асосий эмас, мавқе асосийдир. Миллати, ўзбек халқи, шу кунгача ана шундай яшаб келди ва бундан кейин ҳам шундай яшайверади.

Ўзбекистонда ягона ўзбек тилининг давлат тили сифатида қабул қилинишига ЎзКП МКнинг собиқ биринчи секретари Р.Н. Нишонов ва ўша даврдаги иккинчи секретарь Анишчевлар ҳам росмана қаршилиқ кўрсатишди. Пропаганда бўйича секретарь Холмуҳамедов улардан ажралиб қолишни истамасди. Белгиланган комиссия ишлаб чиққан 1-лойиҳанинг кўп жойларини ўзгартириб юбориб, эълон қилинган шаклга келишида етакчилик қилган ҳам у эди. Умуман шу зарур даврда жумҳуриятнинг сиёсий раҳбарлари туб аҳоли манфаати учун қайишгилари келмади. Улар фақат иссиқ ўринларинигина ўйладилар. Тўғрироғи, Р. Н. Нишоновнинг жумҳуриятдаги сиёсий раҳбарлик даври, айтиш мумкинки, ундан аввалги сиёсий раҳбар И. Б. Усмонхўжаев даври ҳам, ўзбек халқи учун фақат қора қушларни бахш этди. Р. Н. Нишоновнинг 1970 йиллар бўсағасидаги лавозимда турган даври ҳам яхши из қолдирмаган эди. У А. Қаҳҳор каби ёзувчи, О. Шарофиддинов каби эл севган олимларни обрўсизлантиришга, А. Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Элбек ва ҳоказоларни букиб туришга жон-жаҳди билан курашган эди. Биз Ш. Р. Рашидов сиёсий раҳбарлигига лой чаплаб кўп гапирдик, деярли қоралаб ташладик, аммо унинг Ўзбекистон учун, ўзбек халқи учун қилиб кетган ишлари кўп ва улкан. Ундан кейинги икки сиёсий раҳбарнинг бундай хизматини ихлос билан қидирсак ҳам, топа олмаймиз. Кейингиси эса ўзбек тилига давлат мақомини беришни деярли бир йилга кечиктириб юборди. Бунинг устига ўзбек фани

намояндаларини йўққа чиқариш: Ибн Синони тожик деб аташ, Рудакий келиб чиқиши жиҳатидан туркий эди, дейилганига қарши одамларни кўзгатиш каби ишларни қилди. У ўз фуқароси манфаатларининг зиддига иш тутди, ўзига нисбатан улар қалбида доғ қолдирди.

Ўзбекистонда давлат мақоми фақат ўзбек тилига берилишини ёқлаб, айрим ўзбекча вақтли матбуотлар, норасмий ташкилотлар, халқ ҳаракати майдонга чиқди.

Ўзбекистондаги ўзбекча вақтли матбуотдан "Ўзбекистон адабиёти ва санъати", "Ёш ленинчи" газеталари ва "Шарқ юлдузи", "Фан ва турмуш" журналлари ўзбек тилига давлат мақомининг берилиши кераклигини ёқлаб, уни асословчи катта-кагга мақолалар бериб борди. Унда йирик тилшунос, адабиётшунос, файласуф олимлардан тортиб, турли арбоблар, касб эгалари ва бошқалар қатнашди. Курашувчиларнинг олдига бир неча тўсиқлар бўлиб, уларни ёриб ўтиш масаласи турарди. Бу тўсиқлар қуйидагича:

Биринчи тўсиқ В. И. Лениннинг давлат тили бўлишига қарши билдирган фикри эди. Буни ўша вақтдаги жумҳуриятнинг сиёсий раҳбарлари жуда қаттиқ ушлаб олганди. Худди шу масалада Тил ва адабиёт институтининг раҳбарлари, филология фанлари докторлари, профессорлар Б. Н. Назаров ва А. П. Ҳожиевлар томонидан "Ўзбекистон адабиёти ва санъати"да эълон қилинган мақолада зарур фикрлар берилди. В. И. Ленин унда Иттифоқ учун рус тилининг давлат тили деб эълон қилинишига қарши бўлган. Чунки бунда Иттифоқдош бир қатор миллатларга рус тилини мажбурий тиқиштириш бўларди.

Иккинчи тўсиқ ўзбек тили давлат тили мақомини олишти учун лойиқ эканлигини исботлашдан иборат эди. Бу эса баҳсга қатнашганлар томонидан деярли асослаб берилди. Шу билан бирга унда фан ва идоравий иш юритишга оид атамалар ишланиши зарурлиги ҳам айtilди. Бироқ бунинг учун тил имконияти етарли эди.

Учинчи тўсиқ рус тилини иккинчи давлат тили сифатида тиқиштирилишга қарши асос келтириб, исботлаш эди. Бу барча мақолаларда ўз аксини топиб борди. Бу тақдирда шу вақтгача ўзбеклар ва бошқа ерли аҳоли тақдирини қандай бўлган бўлса, у абадийлигича қоларди. Рус тилини миллатлараро алоқа тили деб қайд этиш ҳам ортиқчадир. Бу вазифани Ўзбекистонда давлат тили — ўзбек тили ўташи керак. Акс ҳолда, ўзбек тилига давлат тили деб мақом берилиши ҳеч қандай қимматга эга бўлмайди. Рус тилини Ўзбекистоннинг ўз еридан ташқаридаги миллатлараро алоқа тили деб қаралиши ва расмийлаштирилиши ҳақида ҳам таклифлар бор эди. Аммо бунда ҳам мантиқ йўқ.

Масалан, ўзбеклар туркий тилга мансуб жумҳурият ёки давлатлар билан алоқада бўлар экан, улар бир-бирининг тилини рус тилига нисбатан яхшироқ билади. Ўзбекистон эроний тилларда ва араб, хитой, ҳинд, немис, француз, испан тилларида сўзлашувчи давлатлар билан бевосита, ҳеч қандай оралиқ тилсиз дипломатик муносабатларни ўрниатиши мумкин. Улар билан рус тили воситасидагина алоқада бўлиши керак, деб қўйилиши Москвага доимий ҳисоб бериб туриш деганидир. Унда Ўзбекистоннинг дахлсизлиги фақат қоғозда қолиб кетади.

Тўртинчи тўсиқ Ўзбекистонда яшаб ўзбек тилини билмайдиганларнинг тақдири масаласи эди. Бундай аҳоли нари борса 15 фоизни ташкил қиларди. Бу эса 3 миллион аҳоли деганидир. Улар ҳам ҳар нуқтан назардан ҳисоб-китоб қилиб кўрилди. 3 миллионнинг ҳаммаси ҳам ўзбек тилида иш юритишни билиши шарт қилиб қўйиладиганлар эмас. Уларнинг ярми — завод-фабрикаларнинг ишчилари, шофёрлар, ҳайдовчилар ва турли касб эгалари. Деярли кўпчилиги — тирикчилик учун, бошга тушгач, ўзбекча бозор тилини биладиганлар. Билмаса ҳам, ўзбеклар улар билан тил топиша олади. Қолган ярми ўз вазифасида ишлаб кета олишини таъминласин учун ўзбек тили курслари ташкил қилиш ва муддат белгилаш масаласи илгари сурилди. Агар бунга ҳам бўйинлари ёр бермаса, буюк Россия бор. У ерда давлат тили рус тилидир. Ўзбекистонда ўзбек тилини бўғиб қўйилса (шу кунгача шундай бўлиб келгани ҳаммамизга маълум) ўзбекларнинг борадиган бошқа ерлари йўқ.

Бешинчи тўсиқ моддий масала эди. Агар ўзбек тилига давлат мақоми берилса, бутун идора ишлари ўзбек тилига ўтиши керак. Унда барча идоралардаги ёзув машинкаларини, хўжаликка хизмат қилаётган компютерларни, Ўзбекистон ерида алоқа боғлайдиган телетайпларни ўзбекчалаштириш зарурияти туғилади, шунингдек навбатдаги келимларнинг ўзбекча бўлиши учун келишиш керак бўлади. Иш юритиш қоғозлари беш-олти йилни мўлжаллаб чоп этилиб, ғамлаб қўйилган. Уларни ўтта ташлаб, қайта ўзбекчасини бостириш ҳам, энг танқис нарсалардан бири қоғозга нисбатан, исрофгарчилкидир. Ўзбек тилида ўқиб олий маълумотли бўлган, лекин ўзбекча иш юритишни эпсолмайдиганларни, шунингдек ўзбек тилини билмайдиганларни ўзбекча ҳужжат тузишга ўргатиш учун олами жаҳо ўқитувчи керак. Бунинг учун мутахассисларни топиш ва мутахассис ҳақи манбаини аниқлаш масаласи бор. Олий ва ўрта махсус ўқув юртларида кўпгина фахрлар русча ўқитилиб келинган. Энди уларни ўзбек тилига ўтказиш зарурияти юзага чиқади. Бунинг учун тезлик билан мутахассислар тайёрлаш керак. Уни тайёрлашнинг ҳам моддий масаласи турибди. Ташкилот, бошқарув идоралари, кўча номлари

на уловлардаги кўрсаткичлар барчаси — рус тилида. Уларни ўзбекчага айлантириш ҳақи, уларга кетадиган ашё ҳақи анчагина бор. Давлат казинаси қуриб ётган ва жумҳурият иқтисодий оғир аҳволда турган бир пайтда бу харажатлар қасрдан қилиниши каттагина жумбоқдан иборат эди. Бу масалада ҳеч ким фикр билдиришга, уриниб ҳам кўрмади, уринганида нима ҳам дерди?! Уни энди давлат раҳбарлари, ўз халқи манфаати нуқтаи назаридан, тантилик билан бир ўйлаб кўриши керак эди.

Ўзбекистонда давлат тилини белгилаш муносабати билан тузилган комиссияга минглаб хатлар оқиб кела бошлади. Уларнинг кўпига коллектив қўл қўйган эди. Буларнинг кўпчилиги фақат ўзбек тилига давлат мақомини беришни сўраган ва ўз фикрини исботлаш учун далиллар келтирганди. Турган гапки, икки тиллилиқ учун уюштириб юборилган хатлар ҳам анчагина бўлиб, у бутун жумҳурият халқининг талаби бўла олмасди.

Ўзбек тилига давлат мақоми берилишида "Бирлик" норасмий ташкилотининг ҳаракатини тан олишга тўғри келади. У бир неча марта намойишлар уюштирди. Улар ўша вақтдаги шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Сатин йўллариға милиция отрядлари, ички қўшнларнинг қалқон ва резина тўқмоқлар билан қуроолланган бўлинмаларини чиқариб қўйганига қарамай, довюраклик билан Ленин майдониға ҳам йиғилганлар. У ерда оташин нутқлар сўзланди, халқ талаби айтилди. Намойишда 50 минглар атрофида одам қатнашди. Қатнашчилар, гарчи "Бирлик" норасмий ташкилоти уюштирган бўлса ҳам, бирликчилар қатори шаҳар студентлари ва оддий шаҳар кишиларидан ҳам иборат эди. "Бирлик" норасмий ташкилоти бу йиғинларда асосан ўзбек халқи талабини кўтариб чиқди. Бундай чиқишлар ҳозирги ички сиёсий таранглик вақтида ниҳоятда хавфли бўлса ҳам, улар халқ истагини сиёсий раҳбарларга етказишда, тан бериб айтиш керакки, катта роль ўйнади. Турган гапки, жумҳурият сиёсий раҳбарлари охиригача оёқ тираб олганларида бу намоишлардан манфаат йўқ эди, лекин ҳаракатларнинг якуни манфаатли бўлди. Бунда "Бирлик"нинг етакчилари кўрсатган матонат, уларнинг давлат раҳбарлари билан тил топиша олганликлари, ўз йиғинларини ёпиқ жойларға кўчиришға келишиб, омма талабини кўтариб чиқишни уддалай билганликлари ҳам жуда муҳим бўлди. Бундан кейин ҳам "Бирлик" халқ ҳаракати уюшмаси шундай оқил йўлдан бориши зарур.

Ўзбек тилиға давлат мақоми берилишида Тил комиссиясининг ишини муносиб баҳолаш керак. Улар халқ талабини, аҳолидан келган хатлар, газета ва журнал мақолалари бўйича қунт, сабр-тоқат билан кечани кеча, кундузни кундуз демай ўрганишди,

холис хулоса чиқаришди. Ўзбек тилига давлат мақоми берилиши зарурлигини исбот ва далиллар билан Марказий Комитетнинг идеология комиссияси муҳокамасига қўя олишди. Натижада 2-лойиҳа юзага келди ва у халқ муҳокамаси учун вақтли матбуотда chop этилди. Бу лойиҳа эса жумҳуриятнинг асосий аҳолисига маъқул тушди. Энди уни Ўзбекистон ССР Олий Совети сессиясига қўйиб, қонунлаштириш масаласи қолди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети 1989 йил 21 октябрь Ўзбекистон ССРнинг Давлат тили ҳақидаги қонунини қабул қилиши олдидан Ўзбекистонда сиёсий ва ҳукумат раҳбарлари ўзгарди. ЎзКП МКнинг биринчи секретари лавозимига келган И. А. Каримов халқ талаби ва "Бирлик" норасмий ташкилоти кўтарган масала — ўзбек тилига давлат мақоми бериш зарурлигига тўғри тушунди. У бу масалани ижобий ҳал қилиниши бундан ҳам кечиктириб бўлмайдиганлигини, аксинча, бир йил кейин қабул қилинаётганлигини таъкидлади. 2-лойиҳани тайёрлашда етакчилик қилган ЎзССР ФАнинг вице-президенти, академик Э. Ю. Юсупов лойиҳа ва уни тайёрлашда эътибор беришган масалалар ҳақида сўзлаб берди. Олий Совет сессияси Давлат тили ҳақидаги қонунни моддама-модда, бандма-банд муҳокама қилиб, овозга қўйиб қабул қилди. Лекин ЎзССРнинг Давлат тили ҳақидаги қонун билан шу ҳақда чиқарилган 2-лойиҳа ўртасида фарқ бор. Албатта, ҳар қандай лойиҳа ҳеч вақт қонунга тенг келмайди. Лойиҳа қонунлаштириш учун тузилган режа бўлади. У муҳокама этилади, кейин тасдиқдан ўтиб, қонун тусини олади. ЎзССРнинг Давлат тили ҳақидаги қонун ҳам шундай босқични ўтди ва расмийланди. Бироқ лойиҳа қонунга айлангунча камчиликларидан ҳоли қилинади ва ундан тозалангач, кучга киритилади. ЎзССРнинг Давлат тили ҳақидаги қонун қабул қилинар экан, "Лойиҳа"дагига нисбатан йирик ўзгаришлари кўпчилиikka маъқул бўлмади. Масалан, 1-модданинг 3-хатида шундай дейилган: "Ўзбекистон ССР ҳудудида рус тилини СССР халқларининг миллатлараро муомала тили сифатида ривожлантириш ва ундан эркин фойдаланиш таъминланади". Бу гап мантиқи ва ундан келиб чиқадиган натижа ҳақида айтиб ўтдик. У ўзбек тилининг давлат мақоми олганлигини амалга оширишда халақит беради. Миллатлараро алоқа учун эркин та. танлаш ҳуқуқини бўғайди. Биз рус тилини эркин ўрганиш ҳар бир инсоннинг бурчи, олий ҳоҳиши эканлигини юқорида айтиб ўтган эдик, лекин уни мажбурий қонунлаштирилиши унча тўғри ҳам эмас. Яна "рус тили ва бошқа тиллар" иборасининг кўпгина моддаларда бериб, рус тилига алоҳида урғу туширилиши ҳам, уни бошқа тилларга нисбатан Ўзбекистон ерида юқори қўйишдир. Ўзбекистонда ўзбек

тилидан бошқа ҳар бир тил бир хил ҳурмат қилинади ва шунинг учун қайд этиш муносабат одобини сақлаган бўларди.

Одатда Давлат қонуни муҳокама қилинмайдиган ва унга амал қилиш шу жумҳуриятнинг ҳар бир фуқароси учун мажбурий ҳисобланади. Мен ҳам уни ўзим учун мажбурий амал қилинадиган қонун деб ҳисоблаганим ҳолда, яна у ҳақда ўз муҳожазларимни билдиришга ҳам жазм этдим.

Ўзбекистон ССР Давлат тили ҳақидаги қонун кучга киргандан бери уни ҳаётга татбиқ этиш турли моддалари бўйича турли ҳолатларда фаоллашди. Бундай хилма-хиллик ҳойлар, жой шароитлари ва ташкилот шароитлари билан боғлиқ эди. Масалан, Фарғона вилоятида ўзбек тилида иш юритиш анча қийин кечди. Чунки вилоят ижроия ва партия қўмиталари бу қонунга умуман эътибор бермадилар. Бир йилгача ижроқўм биносига кириб, бирор бўлма эшигида, ҳатто маориф мудирини бўлмаси эшигида ҳам, бўлма қайси бўлимга тегишлилигини ўзбек тилида ёзилганини кўрмас эдингиз. Ваҳоланки, бутун вилоятда ўзбекча бўлмаган мактаблар саноқли бўлиб, 95 фоиздан ортиғи ўзбек мактабларидир. Бу вилоят партия ва ижроқўмларидаги жуда кўп ходимлар, шунингдек вилоят маркази Фарғона аҳолиси асосан руслар эканлиги билан боғлиқ эди. Биз шундай ҳолни ҳам учратдикки, колхоз ёки мактабга ўзбек тилини амалга оширилишини сўраб вилоят марказидан юборилган хат рус тилида экан. Шунинг ҳам айтиш керакки, соғлиқни сақлаш билан боғлиқ соҳалар бутун жумҳуриятда ўзбек тилида иш юритиш учун жадаллик билан киришди. Йўл, алоқа, транспорт билан боғлиқ соҳаларда эса унинг акси бўлди.

Атамаларни ўзбекчалаштиришга вақтли матбуот куч-ғайрат билан ёпишди. Аммо бу соҳа уларнинг иши эмаслигини англашмади ва ҳатто, англашни исташмади ҳам. Натижада рус-интернационал атамаларни ишлатмай, уларнинг эски нусхаларини тиклаш ҳаракати кучайди. Улар эса араб-форс сўзларидан иборат эди. Ўзбекистон ССРнинг Давлат тили ҳақидаги қонуннинг 19-модда 1-хатида эса "Ўзбекистон ССРда ўзбек тилининг илм-фан тилини такомиллаштириш учун ўзбек тилида илмий-техник ҳамда ижтимоий-сиёсий атамаларни яратиш ва ривожлантириш таъминланади" деб кўрсатилган. Бу русча интернационал атамаларни араб-форс атамалари билан алмаштириш дегани эмас. Бу билан ўзбек тили фойда қилмайди. У қордан қутилиб, ёмғирга тутилгандай бўлади. Буюк ўзбек тилшуноси Фитрат "тилимиз" номли мақоласида "Дунёнинг энг бой, энг бахтсиз бир тили қайси тилдир? Биласизми? Тўрқча", — деб бонг урди. Бунинг учун, яъни бахтсизлиги учун ўзбек муаллифлари форс ва араб сўзларини ишлатишга ўчилиши, деб билган. Яна ўзига:

"Туркча бойдир, яшамишдир. Яшар, лекин ўзини араб, форс тилларидан қутқара олурми, йўқми? Сўзни бу ерга айирғач, бармоғимни яранинг ўзагини босмиш бўлдим", — деб айтади. Бу гапларга 71 йил бўлди. Ҳозирга келиб русча интернационал сўзлар ўрнини яна форс-араб сўзлари билан тўлдирмоқни мақсад қилибмиз. Наҳотки, биз шаҳид кетган бобомизнинг арвоҳини чирқиллатсак?! Ўзбек (турк) тили, Фитрат ўша мақоласида ажойиб далиллар билан исботлаганича, жуда бой тил. Биз тилимиздан рус-интернационал атамаларни ҳам, ҳатто форс ва араб ўзагидаги атамаларни ҳам суриб чиқариб, ўрнини ўз бойлигимиз ҳисобидан, ўз сўз ўзакларидан ясалган ясамалар ҳисобидан тўлдиролмаймиз.

Академик Э. Ю. Юсупов 1990 йил июнь ойида телекўрсатувда сўзга чиқиб, рус тилидан ва рус тили орқали Европа халқлари тилларидан мажбурий ўзлаштирилган атамаларни ўз тилимизга оид атамалар билан алмаштириш ва шу ҳисобга тилимизни бойитиш зарурлигини айтди. У шу ўзлаштирилган атамаларни ўзимизники билан алмаштириб бўлмайди, деган айрим кўзга кўринган тилшуносларга норозилик билдирди ва уларни билим-сизликда айблади. Бир суҳбатида ЎзССР ФАнинг мухбир аъзоси И. Қ. Қўчқортоев ҳам бундай алмаштириш фақат соф туркий сўзлар ҳисобига бўлиши зарурлигини уқтирган эди. Файласуф Э. Ю. Юсупов ҳам, тилшунос И. Қ. Қўчқортоев ҳам назарий нуқтан назардан ниҳоятда ҳақдир. Атамаларни яшаш, қўллашдан чиқариб ташлаш, изчиллаштириш — шу атамаларни қўлловчи мутахассислар ихтиёрида, субъектив ҳодиса. Атамаларни юзага келтириш учун ўзбек тилининг имкониятлари жуда кенг. Шунинг учун ҳам ўз атамаларимиз бойлигини ўйлашимиз энг оқил ишдир. Ўзбекистонда ўзбекча атамаларни яратиш ва изга солиш мақсадида ЎзССР Вазирлик кенгаши қошида атамачилик қўмитаси тузилган эди. Аммо бу қўмита талабга жавоб бера олмапти. Аввало улар ўз бурчларини тўғри англаб етганларича йўқ. Аксинча, атама лугатлари тузилса, бешта тақриз фақат фан докторларидан ва маълум жойлар муҳокамаси якуни каби қорғозбозликни кўпайтириб юборган. Бу билан, албатта, иш олдинга босмайди. Бунинг ўрнига стук назариётчи тилчиларга атама яшаш билан боғли масалаларни ишлатиб чоп эттириш, шунга асосланган айрим соҳа атамалари лугатини туздириб мутахассис ва тилшунослар мунозарасига қўйиш, эълон қилдириш зарур. Яқинда идоравий иш юритиш билан боғли бир қўлланма нашр эттирилди. Унда ҳам рус-интернационал атамалар асосан форс-араб атамалари билан алмаштирилган. Бу ўзбек тилининг софлиги учун кураш эмас, аксинча, чалкаштириш. Ўзбекча атамалар тузиш учун нималарга эътибор қилиш кераклиги ҳақид

алоҳида ёзмоқчи бўлганлигимиз сабабли бу ўринда ортиқча тўхтамаймиз.

Ўзбек тилини ўз бойлиги ҳисобига тараққий эттириш учун ўзбек тили имкониятлари жуда катта. У ҳақда ҳам анча муфассал бир нарсга беришни мўлжаллаб, бу ўринда илдамая ўтдик. Мана шу имконият ҳисобига Фитрат кўнглига монанд атамасиликни юзага келтириб олиш мумкин.

Ўзбекистон ССРнинг Давлат тили ҳақидаги қонунининг 24-моддаси 1-хатида "Ўзбекистон ССРдаги шаҳарлар, қишлоқлар, майдонлар, кўчалар, бекатлар, тарихий обидалар ва бошқа жуғрофий-ҳудудий ўринларнинг номлари ягона миллий шаклда берилadi ва республика давлат тилида ёзилади" деб кўрсатилган. Айниқса, бунга Тошкентда амал қилинати. Кўча номлари кўп ўринларда биргина ўзбек тилида қайд этилганлиги кўзга ташланади. Лекин қонунда акс этмаган бир масала юзага келиб қолди. Кўпгина тарихий шаҳарлар, қишлоқлар, майдонлар, маҳаллалар номи айрим раҳбарлар истагига кўра ўзгариб кетган. Масалан, Асаха шаҳар номи Ленинск бўлиб, Эскижўза майдони номи Калинин майдони деб атаб юборилган. Уларнинг ўз номи қайтарилиши керак. Бу қонун мантиққа мос бўлиб тушади. Лекин айрим жойларнинг моҳияти ўзгарган, шунга яраша номини ҳам ўзгартириш одат тусини олди. Бу нотўғри. У ердаги тарихий ном сақланиши керак. Масалан, Тошкентдаги бир вақтлар хирмон кўтариладиган *Хирмон тепа* ҳозир шаҳарчага айланган ва шунинг учун Калинин массиви деб атаб юборилди. Аввало бу ерга Калининнинг ҳеч қандай алоқаси йўқ, кейин массив сўзи русча. У *Ибн Сино даҳаси* номи билан алмаштирилди. Энди у *Ибн Сино* билан ҳам алоқасиз, яқинида ТошДМИ жойлашгани билан бу ер у ўқув юрти билан боғланмаган. *Даҳа* сўзи Тошкент тарихига кўра "район" маъносини беради. Ном қўйганда ўша жойнинг маълум давр тарихини беришни кўзда тутиш керак. Шунини назарда тутсак, у ер қадимий номи билан *Хирмонтепа шаҳарчаси* деб аталиши мақсадга мувофиқ бўлар эди. *Шифо-корлар шаҳарчаси* номини *Ибн Сино шаҳарчаси* деб номланса, ўзига хос тарихийлик ифода этарди. Чунки у ерда шаҳарча бўлиб этилгандан бери *Ибн Сино* издошлари яшаб келмоқда.

Биз жой номлари масаласида ҳам ортиқча тўхтамоқчи эмасмиз. Чунки Тошкентдаги номлар юзасидан алоҳида ёзиш мўлжалланди. Лекин шу ўринда яна бир нарсани эслашга тўғри келадики, "Қонун"да қайд этилганидай, жой номларини фақат миллий шаклда ушлаш ва унга амал қилиш мумкин эмас. Биздаги жой номлари тарихан, араб, форс, туркий сўзлари қўшилмасидан иборат. Масалан: *Пушти ҳамям, Дамариқ,*

Зарқайнар, Арпаоя, Охунгузар ва ҳоказо каби, муҳими — тарихий номларни тиклаш ва сақлаш.

Хуллас, Ўзбек тили 120 йиллик сиёсий ва ижтимоий даврида ўз табиий тараққиёти йўлидан анчагина адашди ва тараққиёти маълум даражада турғунлашишидан ташқари маълум даражада инқирозга ҳам юз тутди. Лекин ўзбек тили бахтсизликка учраган бўлса ҳам, бой ва гўзаллигини, кенг имкониятларини сақлаб қолди. Энди уни табиий тараққиёт йўлига солиб юбориш ва сайқаллаш учун ўз улушини қўшиш ҳар бир эълоининг шарафли ва виждоний бурчидир.

ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ЯШИРИН БОЙЛИГИ

Телекўрсатувлардаги суҳбатларда ва айрим мақолаларда ўзбек тили давлат тили бўлиши учун ҳали тайёр эмаслиги, айрим қўжжатлар (тил қокун и ҳақидаги лойиҳа ҳам кўзда тутилган эди) таржимасида унинг сири ошкор бўлиб қолиши бир неча бор такрорланди. Унга айрим ўртоқлар ва ҳатто айрим олимлар ҳам қўшилишди. Аммо шуниси қизиқки, бу соҳада жафо чекувчи ва ўз тирикчилигини шунга юклаган таржимонлардан эса ҳали бундай нолиш эшитганимиз йўқ. Шундай экан, таржима жараёнида учраган фалон сўзнинг ўзбекча нусхасини ёки фалон иборанинг ўзбекчада бериш йўлини эслай олмасак, тилимиз бойлиги ва имкониятларига айб қўйиш ўринли бўлолмайди, аксинча бундай муносабат тилга менсимай ёдолиниш ҳисобланади. Ўзбек тили низоъида бой ва имконияти кенг тил. У айниқса рус ва европадаги тиллардан таржима қилишда заррача ҳам оқсамайди. Балки ўзбек тили бошқа тиллардан ҳар қандай соҳага оид асарларни таржима қилиш учун ўзини мослаб олган. Шу билан бирга у ўзига хос бойлик ва имкониятларни сақлаган. Шунга қарамай, ўзбек тилига давлат тили мақомини олиш учун бўлган мунозараларда революциядан кейинги 72 йиллик давр унинг кризис ёқасига келиб қолишига сабаб бўлган давр деб баҳоланди. Лекин бу кризис ўзбек тилининг бойлик ва имконияти қашшоқлашувида деб қаралмаслиги керак. Бу кризис аввало унинг ижтимоий жиҳатдан қадриязмлигида эди. У қўжжат ишларида бутунлай четга суриб қўйилди, ҳатто ўзбеклардан бошқа миллат вакиллари қатнашмаган мажлислар ҳам бу тилда олиб борилмай қўйди. Ўқув-ўқитиш соҳалари, телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар, Ўзбекистондаги алоқа воситалари, илмий асарлар яратилиши ва ҳоказоларда ҳам унинг қўлланилиши максимум сиқилди. Айни пайтда ўзбек тилига рус тилининг таъсири родини ҳаддан ташқари орттириб юбориш ҳам салбий ҳодиса эди. Чунки ўзлаштирилган сўзлар тил тузилишига

мослаштирилмас ва иложи борица ўз сўзларимиз ўрнига ҳам алмаштириларди. Бу эса тилдаги сўзларнинг ўзига хос тузилиши қонуниятини бузиб юборди ва имло масалаларини боши берк кўчага тикиб қўйди. Шунда ҳам ўзбек тили ўзининг беҳад бойлиги ва имкониятларини йўқотгани йўқ.

Она тилимиз шундай имконияти кенг ва қобил тилки, рус тилидан ва рус тили орқали европадаги тиллардан сўз ўзлаштирар экан, уларни ўз бойиш қамровига торта олди. Улардан янги-янги сўзлар ясади ва бу ясама сўзлар ичида шундайлари кўплаб учрайдики, улар англатган тушунчани билдирувчи сўз нусхаси ўша сўз ўзаги оид тилда учрамайди. Масалан: *адресланмоқ*, *гибридламоқ*, *замазкаламоқ*, *колхозлашмоқ* каби феъллар; *лимонли*, *мандаринли*, *апельсинли*, *дубли*, *акацияли* каби сифатлар; *дубзор*, *апельсинзор*, *акациязор*, *бамбукзор* каби отлар рус тилидан олинган сўзлардан ясалган, бироқ бу ясама сўзларнинг русча нусхаси йўқ. Улар рус тилида бирикма билан берилади. Бу эса ўзбек тили юзага келган тушунчаларни ифодалайдиган сўзларни осонлик билан ясаб олиш имкониятига эга эканлигини кўрсатади. Унинг ясовчи қўшимчалари ниҳоятда серунум ва фаол. Масалан, ўзбек тилида рус тилидан ўзлашган *вульгар* сўзи бор. Бу сўз рус тилидаги *вульгарный* сўзининг сифатлик қўшимчаси тушиб қолган нусхасидир. Ўзбек тилида шу ўзакдан ясалган қатор сўзлар қўлланади. Яъни *вульгарлик*, *вульгарона*, *вульгаризм*, *вульгарлаштирмоқ*, *вульгарлаштириш* (*вульгаризация*), *вульгаризатор* қабилар. Ўзбек тилининг ўзида эса шу вульгар сўзининг маъносини берадиган *дағал*, *қўпол*, *паст*, *хунук*, *бемаза*, *адабсиз*, *уятсиз*, *ахлоқсиз*, *беандиша* каби 9 та сўз бор. Улардан, айниқса дастлабки иккитаси барча ифода қирралари билан *вульгар* сўзи маъносини тўла қоплайди. Шу икки сўз воситасида *вульгар* сўзи ўзаклик қилган юқорида қайд этилган барча сўзларнинг соф ўзбекча нусхасини ясаш мумкин. Яъни: *дағалчасига*, *қўполларча*, *дағаллик*, *қўполлик*, *дағалланмалар*, *дағаллаштирмоқ*, *қўполлаштирмоқ*, *дағаллаштириш*, *қўполлаштириш*, *дағаллаштирувчи*, *қўполлаштирувчи* каби. Бу сўзлар соф ўзбекча ўзакдан соф ўзбекча қилиб ясалган. Уларнинг айримлари ўз ўрни билан айрим асарларда қўлланган бўлса ҳам, айримлари шу ерда биринчи марта ясаб қайд этилмоқда, аммо уларнинг қайсилари шу ўринда ясаб қайд этилганлигини ажратиб бериш қийин — улар эскидан маълумдай қабул қилинади. Бунинг устига ўзбекчадаги мазкур сўз нусхаларининг ҳар қайсиси синонимлик жуфтликдан иборат. Яна бир-икки товуш ҳисобига бўлса ҳам, ҳарна нисбатан ихчамроқ. Шу ўринда соф ўзбекча сўзларнинг нисбатан ихчам эканлигини таъкидлаб қўйиш ҳам керак.

Юқоридагига ўқшаган масолларни кўплаб келтиришимиз мумкин. Масалан: балл, балли сўзлари ўрнида босқич, босқичли; амнистия, амнистия қилмоқ, амнистия қилинган сўзлари ўрнида кечириб, кечирмоқ, кечирилган; вентиль, вентиляция, вентиляцияон, вентилятор сўзлари ўрнида шамоллаткич, шамоллатиш, шамоллатадиган, шамоллатуви; агрессия, агрессивлик, агрессор, агрессорлик, агрессия сўзлари ўрнида босқинчиларча, босқинчилик, босқинчи, ҳужум (босқин) каби сўзларни қўллаш мумкин. Бу ўрнида эса соф ўзбекча сўз нусхаларининг ё мавжудларини топиб, ё ясаб келтирдик.

Ўзбек тили мана шундай имконияти кенг тил. Унга ҳадеб чет тиллардан сўзларни таниб келасанми ўрансиз. Бунинг ўрнига ўша тушунчани ифодалаш учун тил имкониятидан фойдаланишга ҳаракат қилиш керак. Бу ўрнида тилдаги мавжуд сўзларнинг кўп маънолигига ҳам эътиборни қаратиш яхши натижа бериши мумкин. Масалан, ЎзССР Олий Советининг ўзбек тилига давлат мақоми бериш ҳақидаги қарорида *территория* сўзидан қочиб ҳудуд сўзи қўлланган. Чунки *территория* сўзи чет сўз. Ундан қочилгани тўғри, ammo ўрнига форсча *ҳудуд* сўзини қўллаш эса нотўғри. Ҳозир ўзбекларнинг кўп қисми *территория* сўзига нисбатан *ҳудуд* сўзини тушунмайди. Ахир ҳар қандай тил муомала қуроли бўлганидан кейин, у муомала жараёнида қийинчилик туғдирмасин. Ўзбек тилининг ўзида *территория* сўзи маъноси ер сўзининг маъноларидан бирига тенг келади. Шунинг учун *Ўзбекистон ҳудудида* дейиш ўрнига *Ўзбекистон ерида* деган маъқул эмасми? Бу ҳаммага тушунарли бўларди.

Мен гапни атайлаб ўзбек тилидаги имкониятни кўрсатишдан бошладим. Чунки тилнинг имконияти — унинг келажақда кўплаб бойликни тўкиб сола билиши. Ўзбек тили ҳали кўплаб бойлик ярата оладиган ҳолда яшаб турибди. Имконияти бўғилган тилнинг бойиш имконияти ҳам бўғилган бўлади. У келажақда имкониятлари ҳисобига бойиш олмайди, четдан келадиган сўзларни ўзлаштириш ҳисобига лугатини тўлдираверсачи. Четдан сўз ўзлаштиравериш тилдаги сўзлар тузилиши ва маъно бериш қонуниятлари изчиллигини бузган. Унда тил бойлигини ўрганиш сўз ўзаги ва қўшимчаси муносабатини ақдан идрок қилиш ҳисобига эмас, балки сўзларни қориларча ёдлаш ва улар ифодасики лугатларини титкилаб ўрганишга асосланади. Бундай тил нақ дўзахнинг ўзи ҳисобланади.

Ўзбек тили ўз ҳисобига бойиш имкониятига эгалити ниҳоятда яхши бўлишига қарамай, уни бойитиш 1930 йиллардан бошлаб

рус тили ҳисобига кенгайди. Бунга Сталиннинг бутун дунё тиллари ягона тилга айланиши ҳақидаги назариясини илгари сурилиши сабаб бўлди. Унда тараққий қилган тилларни ютиб юбориш айтилган бўлиб, рус тили СССРда ассимиляция қилувчи тил деб кўрсатилган эди. Шу қараш барча тилшунослар, умуман ҳамманинг онига мажбуран киритилди. Шундан кейин барча тиллар бойлигининг тараққиёти рус тили бойлиги тараққиётига мажбуран бўйсундирилди. Ўзбек тилшунослигининг бошида, айниқса, ўша дастлабки даврларда руслар бўлиши бу жараёни яна ҳам кучайтирди.

Рус тилининг афсонавий бойлиги-ю, ўзбек тили бойлиги ҳақидаги камситувчи фикрлар ҳатто мана шу 1990 йил остоналаригача айрим шахслар онига сурилиб келди. Ўзбекистон вазирилари кенгаши ўринбосари, ёзувчи (Бу шахс яна ёзувчи) Ҳилмас Умарбеков ўзининг В. Ваҳромов билан суҳбатида: "... рус тили 250 минг сўздан иборат, ўзбек тили эса 60 минг сўздан. Шундай бўлгач, савол туғилади, нега энди ўзбек тилига ўтиш керак? Бу ахир ўз-ўзини талаш-ку! ("Ташкентская правда". 13.07.1989) дейди. Кўриниб турибдики, у киши ўзбек тилимизни мана шундай аянчли аҳволда деб кўрсатмоқ учун обдон чиранади. Бир неча йиллар Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасининг раҳбари, маданият министри, киностудиянинг директори лавозимида ишлаб келган. Бунинг устига у фақат ўзбек тили ҳисобига оила тебратиб келган одам. Шу ўринда мени бир нарса ҳайрон қолдирди: Ҳ. Умарбеков рус тили 250 минг сўздан иборат бойликка эга деб қаердан эшитди? "Рус адабий тилининг изоҳли лугати" деб номланган академ нашрда 117 минг сўз бор. Биз рус тилидаги қолган-қутган бойликларни йиғиштирганда 140 минг сўз бор деб биламиз. Ўзбек тилидаги сўзлар 60 мингга дейилганда, албатта "Ўзбек тили изоҳли лугати"га қаралган. Ҳамма биладикки, ўзбек тилидаги ҳамма сўзларни бу лугат қайд этган эмас. Бу лугат — Ушаков лугати типига. Ушаков лугатида эса 72 минг сўз бор. Бунинг устига "Ўзбек тили изоҳли лугати"ни нашр этган "Рус тили" нашриёти нашр жараёнида сўзлик ва мақолаларнинг кўп қисmini ўз имконини ўртага қўйиб қисқартириб ташлаган эди. Мен лугат авторларидан бири бўлганлигим учун ҳам буни яхши эслайман. Хом ҳисобларга қараганда ўзбек тилида ҳозир 80 мингдан ортиқроқ сўз бор. Руслар сўз бойлигини Пушкиндан бошлаб чўтга ташлайди. Биз ҳам Навоий давридан бошлаб ҳисобласак, у 90 мингдан ошиб кетади. Яна шуниси қизиқки, лугатлар, ҳар қанча академнashр бўлмасин, тилдаги сўз бойлигининг

мезони бўла олмайди. Чунки рус тилидаги лугатларда сўз формалари ҳам сўзликка чиқарилади. Масалан, феълларнинг ўтимлилари ёнида ўтимсизлари ҳам, тугал туслари қаторида ногугал туслари ҳам келтирилади. Бу эса лугатда феъллар сонини 4 баробар орттириб кўрсатади. Руслар лугатда шундай йўл туттишга — тил хусусиятидан келиб чиқиб-мажбур. Биз эса ундай қилмаймиз, чунки биздаги сўз формалари изчил хусусиятга эга, уни грамматик кўрсаткичда қайд этиб қўйилса, ортиқча ишга ўрин қолмайди. Шу ўринда шунини ҳам эътиборда tutиш керакки, тил бойлигининг маъзини феъллар ташкил қилади. Бу ҳар қандай тилга ҳам хос. Ўзбек тилида ҳатто ясама сўзлар ҳам лугат сўзлигига киритилмайди. Масалан — *ла ва — сиз, —бе ва —ба, —сер, —чан* каби сифат ясовчи, *ча—, —часига, —ларча, —она, —ларчасига* каби равиш ясовчилар воситасида ясалган сўзлар лугат сўзликларида деярли берилмайди. Агар улар кўчма маъно ҳосил қилса ёки маъно ўзгаришига учраса, унда қайд этилиши мумкин. Ваҳоланки, мазкур қўшимчалар ўз туркумига оид сўз бойлигининг асосий қисмини ташкил қилади. Бироқ улар маъноси биргина бўлиб, ўзи қўшилган ўзакдан бир характерда сўз ясалганлиги учун, шу қўшимчаларни грамматик кўрсаткичда изоҳлаб ўтилади ва ясамалари лугат сўзлигига киритилмайди. Бу эса лугат сўзлигида қайд этилмаган 10 мингларча сўз бўлиб, юқорида ўзбек тили лугат сўзликларида берилиши мумкин деб кўрсатилган. 90 минг сўз миқдорига қўшимчадир. Бу деган сўз — ўзбек тили академ лугати тузилса, унинг сўзлигида 100 минг атрофида сўз бўлиши лозим дейилгандир.

Рус тилидаги феъллар маълум феъл ўзақларга —*а, —вы, —во, —дез, —до, —за, —на, —не, —об, —о, —от, —пере, —по, —под, —пре, —при, —про, —пры, —рал, —рас, —ре, —с, —со, —у* каби олд қўшимчаларни қўшиш орқали ясалган бўлиб, ҳаммаси ҳам лугат сўзлигига киритилади. Бу ясамалар ўрнида ўзбек тилида алоҳида феъллар қўлланади. Рус тилидаги бундай ясама феълларнинг кенг тарқалганлиги тилда бойлик учун асос бўлувчи туб феъллар ниҳоятда кам эканлигини кўрсатади. Яна рус тилидаги лугатлар сўзлигида тил характери эътибори билан отларнинг киçрайтиш формалари ҳам, ҳар уч жинс формалари ҳам ўз ўрнини олади. Рус тилидаги лугатлар сўзлиги киши кўзига қанчали бой бўлиб кўринаётганлиги сири, лугатларини шишириб юбораётган асоси энди бир қадар аён бўлгандир, деб ўйлайман. Лугатларнинг бундай қаншайиши фақат рус тилига эмас, барча Ҳинд-Европа тармоғидаги тиллар

луғатларига хосдир. Умуман улардаги луғатлар тилдаги сўзлар ва улар грамматикаси характери билан боғлиқ ҳолда катта ҳажмда яратилади, бошқача бўлишининг иложи йўқ. Бу билан мен Ҳинд-Европа тиллари бойлигини унчалик ерга урмоқчи эмасман. Ў. Умарбеков ва у кабиларнинг рус тили бойлигини афсонавий қилиб таърифлаши ва унга сажда қилиши турли тиллар имкониятига посонги қўя билмасликдан келиб чиқади. Шубҳасиз рус тили — ўз халқи эҳтиёжларини қондириши, рус халқининг тараққий этган фан-техника ва маданиятини ўзида акс эттира олиши билан қудратли тил. Шунингдек, ўзбек тили ҳам руслардан кам тараққиётга эга бўлмаган ўзбек миллатининг талабларига тўла жавоб бериб келяпти, унинг тушунчаларини кам-кўстсиз ўзида акс эттиряпти.

Энди ўзбек тилидаги ўзлаштирилган сўзларнинг тилимиз бойлигида тутган салмоғи ҳақида тўхталиб ўтишга тўғри келади. Ўзбек тилида чет сўзлар миқдори 40 фоиздан сал ортиқроқ, шундан 26 фоиздан сал ортиқроғи рус тилига тегишлидир. Умуман, ўзбек тилидаги ўзлашган сўзлар миқдори унча катта ҳиссани ташкил қилмайди. Чунки рус ва европа тилларининг деярлисида ўзлашган сўзлар 60 фоиздан кам эмас. Бунинг устига номи "ўзлашган" деб аталган сўзларнинг ҳаммаси ҳам четдан ўлаштирилмаган. Улар тўғридан-тўғри ўзлаштирилган сўзлардан ясаб олинган бўлиши ҳам мумкин. Масалан, *лимонзор, мандаринзор, апельсинзор, дубзор, акациязор* каби отлар; *лимонли, мандаринли, апельсинли, дубли, акацияли* каби сифатлар; *абстрактлаштирмоқ, автоматлашмоқ, большевиклашмоқ, бронзаламоқ, бронламоқ, вульгарлаштирмоқ, группаламоқ* каби феъллар ўзлашган сўзлардан ясалган. Умуман ўзлашган сўзларнинг жуда кам қисмигина ясама сўз ўзаги бўлмай қолган. Шу. рдан келиб чиқиб қарасак, рус тили ва у орқали бошқа тиллардан ўзлашган деб ҳисобланган 26 фоиздан ортиқроқ лексикамизнинг ҳам учдан иккиси ўзбек тилидаги тараққиётга тўғри келади. Уларнинг ҳам кўпи рус тилида ўз вариантига эга эмас. Юқорида келтирилган сўзларнинг от ва сифат туркумига оидлари деярли рус тилида бирикма билан берилади. Феъл туркумига оидларининг ярмичаси ҳам шундай характерга эга.

Бу қиёси эроний ва араб тилларидан ўзлашган сўзларга нисбатан қилиш ҳам мумкин. Ўзбек тили бойлигида *қироатхона, кутубхона, расадхона, хурмозор, аравакаш, кафангадо* каби сон-саноксиз сўзлар борки, улар на араб тилида, на эроний тилларда учрайди. Ваҳоланки, уларнинг ясалишида ўзак бўлган

сўзлар араб тилига, қўшимча бўлган, яъни ясаган қисми эроний тилларга мансуб. Бундай мисолларни сон-саноксиз келтириш мумкин.

Биз юқорида ўзбек тили бойлигидаги сўзларнинг камситилган миқдори ҳақида гапирдик ва устун қўйилган тил бойлигига солиштирдик. Ўзбек тилининг яна шундай бойлиги борки, уни сиртдан ҳаровчи киши, айниқса, мутахассис бўлмаган киши дафъатан пайқаб олиши қийин. Лекин бу бойлик шу тилдан фойдаланувчи кишиларга ўз ишлатиш қонуниятига асосида хизмат қилаверади. Бу бойлик лугатлар сўзлигида ўз аксини топмайди, миқдор сифатида кўзга ташланмайди. Фақат шу тил билан танглайи кўтарилган, шу бойлик сирларини "эзиб ички" қилиб юборган лугатчилар томонидан маълум лугатчилик санъати асосида лугатларга қистириб юборилади. Фойдаланувчи бу бойликни, лугатни, кўздан кечирганда фаҳмлаб ола олмаса ҳам, ақл ишлатиш воситасида фақат фойдаланиб кетаверади.

Ўзбек тилининг бу сирли бойлиги уч тил ҳодисасида ўз аксини топади. У:

1. Сўзларнинг кўп вазифалилигида;
2. Ясама сўзлар билан таркибли сўзлар ёнма-ён яшашида;
3. Кўмакчи феълларнинг феълларга қўшилиб келиб, шу феъллар маъносини турли маъно қирралари билан бойитиши, яъни товлантириб юборишида кўринади.

Хўш, сўзларнинг кўп вазифалилиги нимадан иборат, уни қандай тушуниш керак? Уни, турган гапки, сўзнинг кўп маънолилиги билан қоригтирмаслик керак. Булар тамоман бошқа-бошқа тил ҳодисаларидир. Кўп маънолилик-сўзнинг объектив оламдаги ранг-баранг нарсаларни аниқлаш бойлиги, имконияти. Масалан, *бет*-сўзи киши юзини, қоғоз саҳифасини, кўча четини, оҳар сув соҳилини, инсон иззатини ва ҳоказоларни ўрни билан аниқлатади. Бу, албатта, у таркибида келган гап билан боғлиқ. Шу сўз шу имкониятларига кўра турли гаплар учун сайланади ва турли сўзлар билан алоқага киришади. Сўзнинг кўп вазифалилиги эса тамоман бошқача. Бунда сўз маълум туркумга хос бўлиб, қўлланишида бошқа туркум вазифасини ҳам ҳеч қандай ташқи ўзгаришсиз бажараверишидир. Бу ҳодиса туркий тилларда кенг тарқалган, шу жумладан ўзбек тилида ҳам ниҳоятда фаолдир. Масалан, *олтин* сўзи ўзбек тилида от туркумига мансуб: *Ҳамид ёнчилини чиқариб, бир қўлидан иккинчи қўлига олтинларни санаб тушира берди (А. Қодирий)*. Шу сўз тўғридан-тўғри сифат вазифасида ҳам келаверади: *Олтин пиелада боллар ичилар ("Ёдгор" дostonидан)*.

Кейинги мисолда *олтин* сўзи аввалги мисолдагига ўхшаш нарсани эмас, нарса — буюмнинг материални англатган. Бу сўзнинг Ҳинд-Европа тилларидаги варианты бундай характерга эга эмас, яъни улар от туркумига оид бўла туриб, сифат туркуми вазифасини ҳеч ўзгаришсиз қолгани ҳолда бажара олмайди. Бунинг учун, албатта, ўз туркуми шаклига кириши керак. Масалан, рус тилида у *золото* сўзида ифодаланади. У от туркумида. Уни сифат туркумида қўллаш учун *золотой* шаклида олиниси керак, яъни *золотой* *зуб*, *золотая* *ложка* ва бошқалар. Шунинг учун ҳам рус тилидаги барча тил лугатларда от туркумидаги *золото* сўзи ҳам, сифат туркумидаги *золотой* сўзи ҳам, албатта, қайд этилади. Ўзбек тилида эса биттагина *олтин* сўзи сўзликдан ўрин олса, бас. У бир марта изоҳланади ва аввал от туркуми учун кейин лугатчиликка оид бирор белги билан сифат туркуми учун мисол берилади. Демак, у лугатдан ихчамгина ўрин олади, лугатнинг икки мақоласида эмас, бир мақоласида қайд этилади. Немис тилида ҳам шу ҳолни кўрамиз. Бу тилда *олтин* сўзини *Gold* сўзи орқали берилади. У қўлланганда, албатта, артикл билан келади. *Gold* сўзи сифат вазифасини ўз устига олар экан, энди у *golden* шаклида қўлланади, яъни *golden* *Rind* (тилла узук дейилгани). Немис лугатларида ҳам от туркумида *Gold* сифат туркумида *golden* сўзлари алоҳидадан лугат мақоласи учун сўзликдан ўрин олади.

Юқоридагига ўхшаш *кумуш* сўзи ҳам от туркумига оид бўлиб, у кимёвий элементни билдиради. У ҳам сифат туркумида ҳеч қандай ўзгаришсиз кела олади, яъни *кумуш* *танга*. Бу сўзнинг русча варианты *серебро* бўлиб, от туркумига мансуб. Уни сифат туркумида қўллаш керак бўлса, *серебрянный* шаклида олинади. Немис тилида эса от туркумида *Silber*, сифат туркумида *sildern* бўлиб, уларнинг ҳар иккиси ҳам немис тили лугати сўзлигига киритилади ва алоҳидадан мақола учун асос бўлади.

Ўзбек тилида яна от туркумига оид бўлган *нилуфар*, *ёв*, *сурматош*, *гуноҳ*, *лой*, *узоқ*, *иш*, *ёғоч*, *ҳоким*, *уй*, *хотин*, *орқа*, *эман* каби бир қанча сўзлар борки, улар сифат туркуми вазифасини ҳам бажариб келаверади. Бу сўзлар рус тилида ҳам отга оид, ҳам сифатга оид нусхаларига эга, яъни: *лилия* /*лиловый*, *враг*/ *вражеский*, *графит*/ *графический*, *грех*/ *грешный*, *грязь* /*грязный*, *даль*/ *дальный*, *дело* /*деловой*, *дерево*/ *деревянный*, *деспот*/ *деспотический*, *дом*/ *домашний*, *женщина* /*женский*, *зад*/ *задний*, *дуб*/ *дубовый* каби. Уларни ҳатто немис

тилида ҳам от, ҳам сифатга оид нусхаларида учратамиз. Яъни: *Lilia/lila, Feind/feindlich, Graphit/draphisch, Sundel/sundhaft, Schmutz/schmutzig, Ferne/fern, Sache/sächlich, Holz/holzern, Despot/despotich, Haus/hauslich, Vaib/veiblich, Eiche/eichen* каби.

Отларнинг сифат вазифасига ўтиши ҳақидаги таҳлилни бошлар эканмиз, *олтин* сўзини тилга олган эдик. Юқоридаги таҳлилда бу сўз айнан маъноси билан сифатга кўчишини айтдик. Умуман отнинг сифат вазифасини бажаришга ўтиши худди шу ҳолда юзага чиқади. Яна ўзбек тилида шундай ҳол ҳам борки, отнинг маъносида ўзгариш содир бўлгани ҳолда сифат вазифасини бажаришга ўтади. Бунини тилшуносликда эпитет адабиётшунослигимизда *истиора* деб номланади. Бунда сўз маъносининг мантикий бўлагигина юзага чиққан ҳолда сифат туркумига кўчади. Масалан, *олтин* сўзи "жилоли сариқ" маъноси билан сифат вазифасини ўтайди. Чунки *олтин* сўзи англатган нарсаси металл бўлиб, у сариқ, жилоли, қадрлидир. Шулар ичидаги *металл* ва *қадрли* мантикий бўлаклари қўлланишда тушиб қолган ва у ўз маъносининг *жилоли* ва *сариқ* мантикий бўлаклари асосида алоқага киришадиган бўлган. Яъни: *Ердаги олтин соч ва порлоқ юлдузлар нурини ичамиз.* (Ҳ. Олимжон). Шу гапда шоир *олтин* сўзини эмас, балки *сариқ* сўзини қўллаши ҳам мумкин эди. Асосан у сочининг рангини ифода этмоқчи. Бироқ унда фақат сочининг ранги ифодаланиб, унинг жилоси ўз ифодасини топмаган бўларди ва *сариқ* сўзида қандайдир салбийлик бор, *олтин* сўзи эса фақат ижобийликка эга. Шунинг учун ҳам шоир бу сўздан фойдаланган. Шундай қилиб *олтин* сўзи "металл" маъносидан бошқа бир маънода сифат вазифасини ўз устига олган. Бу маъно рус тилида на золототи орти қоқали, на золотой сифати орти қоқали ифода эта олинади. Уни рус тилида *золотистий* сўзи орти қоқалигина ифода этилади. Яъни *золотистые волосы* бирикмасидаги каби. Энди эътибор беринг, ўзбек тилидаги луғатларнинг сўзлигидан фақат бир ўрин олиб, биргина мақолада қайд этиладиган *олтин* сўзи сўзлиги рус тилида бўлган луғатлардан *золото, золотой, золотистый* каби уч сўз ҳолатида уч ўринни олади ва уч мақолада қайд этилади.

Олтин сўзи англитиши мумкин бўлган имкониятнинг ҳали ҳаммаси айтилганича йўқ. Рус тилида *золотоносный* сўзи бор. У "олтинга эга" маъносини беради, яъни: *золотоносная жила* бирикмасига эътибор берайлик. Бу бирикмада *золотоносное* сўзи худди шу маъно билан қўлланган. Аммо бу бирикмани ўзбек тилига ағдарадиган бўлсак, тўғридан-тўғри *олтин* кони деб қўя қоламиз. Бари бир шунда ҳам *олтин* сўзи олтинга эгаликни

ифода этади. Бу тил характери билан боғли ҳолда англашилади. Кўрдикки, ўзбекча *олтин* сўзи рус тилидаги *тўртинчи золотоносный* сўзи маъносини ифодалаш вазифасини ҳам зиммасида сақлаган. Яъни ўзбек тилидаги *олтин* сўзи рус тилидаги бир от ва уч сифат юкини ўз елкасида кўтариб келаётган сўздир.

"*Олтин*" сўзи ўзининг эпитетлик вазифасига кўра, юқорида кўрсатганимиздай, фақат ранг ифодаси билан чегараланмайди. У, бу ўринда ҳам полисемантикдир. У қадрга эгалик маъносини англатиши мумкин. Яъни: *Шу олтин дамларни сезардим танҳо (Ғайратий)*. Унинг бу маънода келиши "қадрли"нинг фақат ўзидан иборат эмас. Унда яна "ҳузур-ҳаловатли" ифодаси ҳам бор. Шунингдек, бу сўз қимматли маъносини ҳам беради. Яъни *Ишим Йўлчи, олтин бошинг бор (Ойбек)*. Бу "қимматли" маъноси бошнинг тўғри, одамлар дардини эътиборга ола биладиган фикр бера олиши нуқтаи назаридан айтилган. Худди шу маънода қўлланган *олтин* сўзи — *Кам бўлманг, раисим, олтин сўзларни айтдингиз (И. Раҳим)* — гапида насихатомузлик нуқтаи назарини эътиборда тутган. Булар ҳаммаси сўзнинг нутқий имкониятлари билан боғли ҳолда юзага чиққан. Ўзбек сўзлари шундай имконияти бой, нутқ жараёнида жуда кўп ифодалар билан юзага чиқаверади. Шунинг учун у бирор халқда бўлмаган аския, туюқ, сўз ўйини каби бетакрор бадиий жанрларига эга.

Ўзбек тилида яна *кумуш, никель, платина, олмос, алюмин, темир, пўлат, ёқут, зумрад, қаҳрабо, феруза* каби юзлаб сўзлар учрайдики, бошқа тилдаги бирдан ортиқ туркумда келган — ками уч, кўпи билан тўрт сўзнинг вазифаси ва маъносини ўзида жамлаган. Турган гапки, бу гарчи минг бўлганда ҳам, тилнинг 10 минглаб бойлиги олдида бир томчидек гап. Аммо бу ҳам тилнинг киши кўзига яққол кўринмаган яширин бойлигидан бири ҳисобланади.

Гап фақат от туркумидаги сўзларнинг сифат туркуми вазифасини бажариши ҳақида кетаётган эди. Ўзбек тилидаги отларнинг ярмидан кўпи шу хусусиятга эга. Ҳатто лингвистик лугатларга киритилмайдиган атоқли отлар ҳам, сифат туркуми вазифасини ўз устига олиши ва лингвистик лугатлардан ўрин оладиган бўлиши ҳам мумкин. Масалан, *қўқон дўппи, қўқон арава, қўқон гули, қўқон олма* каби бирикмалардаги *қўқон* сўзига эътибор берайлик. Бу сўз энди шаҳар номи эмас, нарсаларнинг келиб чиқиш жойига нисбат берилгани ҳам эмас. У ўзи аниқлаган сўздан англашилган нарсанинг типини, белгисини

ифода этиб келяпти, маъноси умумлаштирувчилик хусусиятига эга сўзdir. Уни тушунтириш ҳам, таржима қилиш ҳам мумкин. Агар уни рус ва Европадаги бойлиги ҳақида жуда катта лоф-қофларга эга бўлган тилларнинг от туркуми бойлигига қийслайдиган бўлсак, иккита кўпайтириб туриб, кейин чўтга ташлаб боқишимиз зарур ва шунда хатодан холироқ бўламиз. Энди ўзбек тилидаги от туркумига оид сўзлар бойлигини бир тасаввур қилиб кўрайлик. У тил бойлигининг ҳазилакам қисmini ташкил қилмайди. Ахир у халқ урф-одатлари, маданияти, фани, техникаси кабиларни ўзида акс эттирувчи: шулар тараққиёти ва гуркираши билан барабар ўсиб турувчи, энг тез ривожланувчан ва ўзгарувчан қатламидир. Буни тўғри тасаввур қила олган одам лексикаси жидд-жидд лугатларда акс этган тил бойлигидан ўзбек тилининг бойлигини заррача ҳам кам деб ҳисобламаса керак.

Ўзбек тилида ўзи маълум туркумга мансуб бўлгани ҳолда иккинчи туркум вазифасини бажарувчи сўзлар фақат от туркумида эмас. Сифат туркумидаги сўзлар ҳам шу характерга эга. Одатда сифатларнинг кўпчилиги бемалол от туркуми вазифасини бажараверади. Масалан, *яхши* сифати от каби қўлланади. Яъни: *Яхшилар кўнайсин, ёмон қолмасин (қўшиқдан)*. Бу гапда *яхши* сўздан ташқари *ёмон* сўзи ҳам от вазифасида қўлланган. Шу сўзлар ҳам рус тилида ҳам отлик, ҳам сифатлик шаклига эга бўлиб, лугат сўзлигида иккитадан ўринни олади, яъни *хорошие (хороший, плохие) плохой* кабилар. Бу сўзлар яна равиш вазифасида ҳам қўллана олади. *Гуноҳор, сиз яхши ўйланг (Ойбек)* — гапдаги *яхши* сўзи равиш вазифасида келган. У рус тилида *хорошо* шаклида берилиб, лугат сўзлигидан алоҳида ўрин олади. Худди шунга ўхшаш *ёмон* сўзининг равиш вазифасидаги ҳолати ҳам рус тилида алоҳида *плохо* шаклида берилиб, лугат сўзлигига мустақил сўз сифатида киритилади. Умуман олганда ҳолат, хусусият билдирувчи деярли барча сифатларга хос характер шундан иборат.

Белги, тус билдирувчи сифатлар эса деярли от туркуми вазифасини ўтай олади. Масалан, *Тўйнинг қизиги шунда-да, — жаҳл билан қичқирди Йўлчи (Ойбек)*. Бу гапдаги *қизиги* сўзи асли сифат бўлиб, мазкур ўринда от туркуми вазифасини ўтаган. Бу сўз ҳам сифат вазифасида рус тилига *смешной* деб, от вазифасида эса *смешное* деб берилади ва уларнинг ҳар бири лугат сўзлигига алоҳида киритилади.

От вазифасига барча туркумга оид сўзлар ўзбек тилида кўча олади. Равишларнинг отга кўчиши эса анча эркин. Масалан,

эзгуликнинг кечи йўқ (мақол) — гапидаги кеч сўзи пайт равиши бўлиб, у бу ўринда от вазифасида қўлланган. Шунга ўхшаш нутқ жараёнида сон, ундов, тақлидий-тасвирий сўзлар, ҳатто боғловчилар ҳам отга кўчганлигини кўрамиз. Улар одатда ўзи боғланган аниқланмишининг гапда қўлланмаслиги орқали бу вазифага эришаверадилар. Масалан, *Бирники — юзга, юзники-туманга (мақол)* — гапида бир, юз, туман сонлари от вазифасида қўлланган, чунки уларнинг шу гапда қўлланиши керак бўлган аниқловчи вазифасидаги одам оти тушпириб қолдирилган. *Гапнинг аммоси ланж қилади (мақол)* — гапида эса ammo боғловчиси от вазифасида қўлланган.

Феълларнинг ҳаракати оти, сифатдош ва равишдон вазифаси шаклини олиб келиши ҳам уларнинг бошқа туркумга кўчиши имкониятини юзага келтиради. Аввало феълнинг бу вазифалар шаклига киришининг ўзи "улар от, сифат, равиш вазифаларини бажарадиган бўлди", дейилганидир. Бундан ташқари яна улар от, сифат, равишлар каби бошқа туркумлар вазифасини ҳам бажара олиш имкониятини орттиради. Масалан, *Қўрққанга қўша кўринар (мақол)* — гапидаги қўрққанга сўзи сифатдош бўлиб, от вазифасига кўчган. Яна — *чекш — соғлиқнинг эгови (шиордан)* — гапидаги чекш ҳаракат номи ҳам от вазифасида қўлланган. Кўриниб турибдики, феълларнинг кўп вазифалилиги кенг ва бу соҳада унинг имконияти катта.

Хуллас, ўзбек тилидаги сўзлар маъно нуқтаи назаридан маълум бир туркумга оид бўлса ҳам, улар бундан ташқари бир ва ундан ортиқ туркум вазифасини деярли бажара олади. Бунинг учун сўзлар кейинги туркум шаклини олмайдилар, чунки ўзбек тилида туркумларнинг ўзига хос шакли йўқ. Ҳинд-Европа оиласига мансуб тилларда эса ҳар бир сўз туркуми ўзига хос шаклда келади ва гап учун шундай танланади, лугатларга ҳам шу шакли билан киритилади. Бу эса маълум маънодаги сўзнинг турли туркум вазифасидаги шакли билан сўзликда бирдан ортиқ марта қайд этилишига сабаб бўлади. Вақоланки, улар туркий тил, шу жумладан ўзбек тилидаги лугатларда бир марта сўзликда ўз ўрнини ола олади. Мана шу хусусият ўзбек тилидаги лугатларнинг деярли икки баробар ихчамлашиши ва лугат сўзликларининг калталашиши имкониятини туғдирган. Ўзбек тилидаги мана шу унумли хусусиятнинг фаҳмига бора билмаган айрим "билимдонлар" эса уни камбағалликка йўйиб қўйдилар. Гап тил бойлигининг миқдорий улканлигида эмас, балки мавжуд миқдорнинг сифатида. Росмана бой тилда сўзловчи киши шу тилдан фойдаланувчи аллақанча сўзларни қоридек

ёдлаб, кейин эҳтиёжи учун қўлламайди, аксинча, икки-уч баробар сўзларни ўзлаштириб, ўзлаштирганини билими билан бойитган ҳолда ўз фикрини у воситасида баён қилаверади. Наҳотки, ана шундай хусусият тил учун ёмон бўлса ва тилнинг камбағаллигини кўрсатса?! Аксинча, у шу тилда сўзлашувчи халқнинг заковатини акс эттирувчи восита эмасми?

Биз ўзбек тилининг луғатлари сўзлигида акс этган ва акс этмаган бойлиги ҳақида тўхталиб, уни бошқа тиллар луғати сўзлигидаги бойликка қиёслаб кўрдик. Бу қиёс фақат тушунча ифодаловчи сўзлар доирасида, уларнинг туркумга хос вазифаси доирасида борди. Ўзбек тили сўз бойлигида яна шундай томонлар борки, уларни туркий бўлмаган тилларда кузатиш имконияти бўлмайди. Улар маълум сўз билан ифодалаш мумкин бўлган тушунчани ифода қилиш ранг-баранглигини оширади; ёзувчи, шоир, журналистларнинг нозик ҳисларини етказиш имкониятини беради. Бу эса айни бир от ўзақдан феъл яшаш ва таркибли феъл ҳосил қилиш ёнма-ён мавжудлигида кўринади.

Маълум отлардан ҳам қўшимча воситасида, ҳам ёрдамчи феъл воситасида феъл ясалади. Бу икки восита билан ясалган феъл маъноси деярли бир хил бўлади, бироқ қўшимча воситасида ясалган феъл луғат сўзлигида ўз ўрнини топса ҳам, ёрдамчи феъл воситасида ясалган феъл бундан маҳрум. Тил фалсафасига кўра айни бир маънони ифода этувчи икки сўздан бири тил учун ортиқча юк деб қаралади. Шундай экан, ёрдамчи феъл воситасида ясалган феъл луғат сўзлигида ўз ўрнини топмаса, тил бойлиги ортиқча юкни ўз устига олмаган бўлади. Ваҳоланки, шундай эмас. Аввало у ёрдамчи феъл мақоласи ичида ўз ўрнини топади, бунинг устига унинг маъносида қўшимча билан ясалган феълга нисбатан нозик фарқ бор. Уни ўзаро қиёслаб кўриб билиш мумкин. Масалан, *мавж*, *тўлқин*, *туғён* отларидан ҳам—*лан* қўшимчаси, ҳам *ур*—ёрдამчи феъли воситасида феъл ясалади. Яъни *дарё каби мавж уриб тошдим* (Ҳ. Олимжон)—гапдаги *мавж урмоқ* феъли *мавж* отидан англашилган ҳаракат бир йўла бирдан ва кучли кечганлигини англатади. Унинг кетидан берилган *тошмоқ* феъли ҳам шуни тасдиқлайди. *Мавж* бирдан ва кучли бўлгани учун ҳам *тошмоқ* феълидан англашилган ҳолат юзага келган. Ҳ. Олимжондан келтирилган бу гапдаги *мавж уриб* феъли ўрнида *мавжланиб* феълини қўллаб бўлмайди. Ваҳоланки, ҳар икки сўз ҳам вазн жиҳатидан тарозу палласини тенг босади, аммо маъно нозиклиги жиҳатидан бир хил эмас. *Мавжланиб* феъли *мавж* ўзагидан англашилган ҳаракат секин-аста давом этаётганлигини англатади. Унинг кетидан

тошмоқ феълидан англашилган ҳолат содир бўлиши мумкин эмас. *Мавжланмоқ* феъли қўлланган қуйидаги гапга эътибор берайлик. *Ҳовуз сув билан эмас, нур билан тўлган каби... мавжланади.* (Ойбек). Бу гапда ёзувчи ҳовуздаги киши кўз ўнгидан содир бўлиб турган ҳаракатни тасвирлаган. Шу ҳаракат эса мавжланмоқ феъли орқали ифода этилган.

Мавж сўзидан ташқари *тўлқин*, *туғён*, *шабада* каби отлардан ҳам ур — ёрдамчи феъли, ҳам — *лан* қўшимчаси воситасида феъл ясалар экан, улар ҳам юқоридаги каби нозик фарқли маъно ифода этадиган бўлади.

Қаҳ-қаҳ, *оҳ* каби тақлидий ва ундов сўзларидан ҳам ур ёрдамчи феъли воситасида феъл ясалади. Шунингдек, *ундан* — *лан* қўшимчаси эмас, балки — *ла* қўшимчаси феъл ясай олади. Чунки — *ла* қўшимчаси воситасида ясалган феъл ўзакдан англашилган ҳодисани киши юзага келтирганликни билдирса — *лан* қўшимчаси воситасида ясалган феъл уни нимадир ўзида пайдо қилганлигини ёки кечираётганлигини билдиради. Аммо ур — ёрдамчи феъли билан ясалган феъл учун бундай фарқ йўқ. Масалан, *Оҳ урарман, оҳ урарман, оҳларим тутсин сени* (қўшиқдан) — гапидаги *оҳ урарман* таркибли феъли ўзакдан англашилган кечинма ҳолати юзага келганлиги, фақат у бир марта эканлигини билдирган. Шунинг учун ҳам уни қўпликка айлантириб ифодалаш мақсадида такроран берилган. Агар бу сўз ўрнида *оҳлади* феъли келтирилса, ўзакдан англашилган кечинма ҳолати такрорий эканлики билдирган бўларди.

Умуман олганда — *ла* ёки — *лан* қўшимчаси воситасида ясалган феълларда деярли ҳаракат ёки ҳолатнинг давомийлиги ёки такрорийлиги англашилиб, ур — ёрдамчи феъли билан ясалган феъллардан эса ҳаракат ёки ҳолатнинг бир йўла ёки бир марта ва қисқа содир бўлганлиги англашилади. Буни бошқа ёрдамчи феъллар воситасида ясалган феълларда ҳам кузатилади. Аммо улардаги маъно эса ўзига хос нозиклик томони билан фарқланади. Буни қуйидаги мисол орқали яна ҳам аққолроқ кўришимиз мумкин.

Торт — ёрдамчи феъли воситасида отлардан феъл ясалар экан, у асосан ўзакдан англашган ҳолат юзага келганлигини билдиради. Бу юзага келган ҳолат сўзловчи диққати қаратилган дақиқанигина эътиборда тутаяди, аммо ҳолат давомли ёки лаҳзалик бўлиши ҳам мумкин. Масалан, *Комилов саф тортган* *извод олди*га келди (М. Раҳим). *Бир кечаси бемор жуда азоб тортди* (А. Қаҳҳор). Биринчи гапдаги *саф тортмоқ* феълидан англашилган ҳолатнинг ўзи лаҳзалик натижани билдиради,

иккинчи гапдаги *азоб тортмоқ* феъли эса давомий ҳолатни билдирса ҳам, уни кузатилаётган лаҳза эътиборда тутилган. Агар шу феъллар ўрнида — *лан* қўшимчаси билан ясалган *сафланмоқ*, *азобланмоқ* феъллари қўлланганда эди, ҳолат давомли бўлиб ифодаланарди.

Шу *торт* — ёрдамчи феъли воситасида сифатлардан ҳам феъллар ясалади. Бунда ўзакдан англашилган ҳолат белгисининг юзага келганлиги бирдан кўзга ташланганлиги ифода топади. Масалан, *Мажиднинг чеҳраси шу зумдаёқ куйган лампочкадай хунук тортди* (Ю. Шомансур). *Мен кўчиб, сергак тортдим* (С. Юнусов). Гап мазмунидан ҳам англашилиб турибдики, *хунук тортмоқ* ва *сERGак тортмоқ* феълларининг ҳар иккиси ҳам ўзакдан англашилган ҳолат белгисини лаҳзада юзага келганлигини билдиради. Агар улар ўзатиладан — *лан* ёки — *лаш* қўшимчаси воситасида феъл ясалганда эди, бу феъллар ундан англашилган ҳолат белгиси секин-аста шаклланганлигини билдирган бўларди. Бу секинлик эса айниқса — *лаш* қўшимчаси билан ясалган феълда кучли эканлиги кузатилади. Масалан: *У касалликдан кейин анча хунуклашиб қолди*. (М. Осим). *Меҳмонларнинг мастликлари, кайфлари тарқалиб сергакланган эдилар*. (Ойбек).

Торт — ёрдамчи феъли ур — ёрдамчи феъли воситасида ясалган феъл ўзақларидан феъл ясай олади, бироқ ур — ёрдамчи феъли воситасида ясалган феълларда кечинма ҳолати кескин ва кучли бўлгани ҳолда, *торт* — ёрдамчи феъли воситасида ясалган феъллар кескин ва кучлиликдан ҳоли бўлиб, бир лаҳзалиги билан характерланади. Бунинг учун ур — ёрдамчи феъли билан ясалган феълга юқорида келтирган мисолни эслаш — кифоя: *Оҳ урарман, оҳ урарман, оҳларим тутсин сени*. Бу гапдаги *оҳ урарман* феъли ўрнида *оҳ тортарман* феълнинг бериб бўлмайди. Чунки мисрадан талаб қилинган кескин ва кучли ифодалаш, ҳис-ҳаяжон юзага чиқмай қолади.

Шуни ҳам айтиб қўйиш керакки, *торт* — ёрдамчи феъли ҳамма ҳолларда ҳам ур — ёрдамчи феъли феъл ясаши учун ўзак бўлган сўзлардан феъл ясайвермайди ва аксинча ур — ёрдамчи феъли — *торт* — ёрдамчи феълнинг ўрнини ҳам босавермайди. "Ўзак бўлувчи сўз маъноси характери билан боғли ҳолда ё у, ё бу ёрдамчи феъл ясовчи сифатида восита бўлади. Лекин мазкур ёрдамчи феълларнинг ҳар иккиси ўрнида ҳам — *ла*, — *лан* ёки — *лаш* қўшимчаларидан бири келиб, феъл ясаши ва у ўз маъносининг нозиклиги билан акс этиши мумкин.

Яна қўй — ёрдамчи феъли ҳам отлардан феъл ясайди. Улар

ҳам — *ла* қўшимчаси воситасида айни отдан ясалган феъл билан ёнма-ён яшайди. Қўй — ёрдамчи феъли воситасида феъл ясалар экан, у отдан англашилган тушунча юзга келишини ифода этади. Масалан: *Аъло ўқисам ҳам, ўқитувчимиз яхши баҳо қўйди* (А. Қаҳҳор). Бу гапдаги *баҳо қўйди* феъли баҳо юзга келтирилганлигини билдирган. Қўй — ёрдамчи феъли яна ҳаракат ифодаловчи отлардан феъл ясаши ва шу ҳаракатни юзга келтирганлик маъносини билдириши ҳам мумкин. Масалан: *У ҳезланиб йўл четидаги болага бир-икки мушт қўйди* ("Муштум"). Бу гапдаги *мушт қўймоқ* феъли зарб ифодаловчи *мушт* отидан ясалгани учун, шу зарбни амалга оширмақ маъносини берган. Агар *баҳо қўймоқ* ва *мушт қўймоқ* феълларидаги ёрдамчи — *ла* қўшимчаси билан алмаштирсак, унда ясама феъллар *баҳоламоқ, муштлишмоқ*лардан иборат бўлиб, биринчиси умуман баҳони қайд этиш, иккинчиси мушт ҳаракатини қайта-қайта қўллаш ифодасини берган ва гаплар айни юқоридаги каби эмас, балки шу феъллар маъносига мослаб тузилган бўларди. Яна *мушт қўймоқ* феълидаги *қўй* — ёрдамчи феълни ур — ёрдамчи феъли билан алмаштириш мумкин. Бунда *мушт* отидан англашилган зарб кескин ва кучли бажарилганликни билдиради. Бироқ ур — ёрдамчи феъли ҳамма вақт ҳам *қўй* — ёрдамчи феъли қўшилган отдан феъл ясайвермайди. Бунда феъл ясалиши керак бўлган от маъноси ҳал қилувчи роль ўйнайди. Лекин ҳар икки ёрдамчи феъл ўрнини — *ла* қўшимчаси босиши мумкин. У, юқорида айтганимиздай, услубий ўзига хослик касб этади.

Биз — *ла* асосли феъл ясовчи қўшимча маъноси билан бир хил маъно касб этувчи — *ур*, — *торт* ва — *қўй* ёрдамчи феъллари ҳақида тўхтаб ўтдик. Бундай ёрдамчи феълларга ўзбек тилида яна — *тур*, — *сол*, — *кўр*, — *бўл*, — *қил*, — *эт*, — *айла* кабиларни кўрсатишимиз мумкин. Уларнинг ҳар бири ҳар бир от ёки ҳар бир туркумдаги ҳар бир сўздан таркибли феъл ясайвермайди. Улар маълум туркумдаги маълум тип маъноли сўзларга қўшилиб, таркибли феълларни ясай олади. Биринчи маълум типли маънога эга сўзлардан феъл ясай олса, иккинчиси ундан феъл ясаши мумкин эмас. Масалан, *жабр* отидан *жабр кўрмоқ, жабр бўлмоқ, жабр қилмоқ, жабр этмоқ, жабр айламоқ* деб таркибли феъллар ясама бўлади, бироқ шу *жабр* отидан — *ур*, — *тур*, — *сол* ёрдамчи феъллари орқали феъл яшаш имкони йўқ. Бу таркибли феъллар турган гапки, маъно ва грамматик ифодаларига кўра ўзаро фарқ қилади. Яъни *жабр кўрмоқ* феъли жабр олиши маълум шахсга қаратилганлигини, *жабр бўлмоқ* феъли жабр олиши ниманидир натижаси эканлигини, *жабр*

қилмоқ, жабр этмоқ, жабр айламоқ феъллари бировни жабр остида қолдирмоқликни билдиради. Кейинги уч таркибли феъл гарчи маъно жиҳатидан бир хил бўлса ҳам, қайси нутқ услубига хослигига кўра ўзаро фарқланади. Бироқ бу ранг-баранг маъноли таркибли феъллардан бирортаси ҳам луғат сўзлигидан ўрин олмайди. Гарчи кейинги уч таркибли феъл билан синоним бўла олувчи жабрланмоқ феъли луғат сўзлигига кирса ҳам, ундаги ижро давомий ва такрорий эканлигига кўра фарқланади. Юқоридаги таркибли феълларни ё жабр оти мақоласидан топиш мумкин, ё ёрдамчи феъллар мақоласига эътибор қилинса, уларнинг қандай сўзлардан феъл ясагини аниқлаб, ақлан англаб олиш мумкин. Бу эса луғат ҳажмини ихчам ва сифатли қилади, бироқ тилдаги сўз бойлиги миқдорига эътибор берувчилар учун нақдгина фактни ушлатиб қўймайди.

Ёзувчи, шоир, журналистлар тилнинг, гарчи дафъатан англаб олинishi қийин бўлса ҳам, бадийят учун хизмат қилувчи юқоридаги бойлигини зийраклик билан ҳисобга олиши ва уларни ўз ўрнида қўллай билиши зарур. Бу ўзбек тилининг ўзига хос бойлиги, фикрларни камалак рангидек товлантириб ифода этиш воситаси, тушунчалар ва дидларнинг нозик томонларини ўқувчига етказувчи қуролдир. Тилимиз бойлигидаги бундай жиҳатларни қадрлаш, ундан ўринли фойдалана билиш ва тилда шундай имконият борлигидан фахрланиш керак.

1980 йил "Ўзбек тилининг изоҳли луғати" нашрдан чиқиши олдидан унинг бош муҳаррири марҳум З. Маъруфов телекўрсатувда чиқиб, унда 82 минг лексик бирлик борлигини айтганда тилдаги шу бойликни ҳам эътиборда тутган эди. Ваҳоланки, мазкур луғатда фақат 60 минг сўз сўзликда қайд этилган бўлиб, унда берилган фразеологизмлар ҳам унча кўп эмас. Сўзларнинг кўп вазифалилиги эса луғатчиликда чўтга ташланмайди. Ўрни келганда яна шуни ҳам айтиш керакки, мазкур изоҳли луғат ўзбек тили бойлигининг жуда кўп қисмини безътибор ташлаб кетган. Булар ичида юқорида қайд этилган етакчи қисми от бўлган таркибли феълларнинг жуда кўпи бор.

Энди феълларнинг кўмакчи феъл билан қўлланиши ҳақида тўхтаб ўтамыз. Бунда маълум бир феъл кўмакчи феъл билан қўлланиб, шу феъл ўз маъносини беради ва кўмакчи феъл қўшимча маъно илова қилиш билан унинг маъносига янги бир қирра қўшади. Масалан, *ишлаб чиқди* таркибли феълени олсак, унинг *ишламоқ* қисми ўз маъноси билан қатнашган ва *чиқмоқ* кўмакчи феъли ундан англашилган ишнинг охирига етказилган-

лигини билдиради. Кўмакчи феъллар ўз етакчи феълга шу каби фақат қўшимча маъно илова қилади. Ўзбек тилида бундай кўмакчи феъллар 28 та деб саналади. Улар илова қиладиган қўшимча маънолар эса ҳар бирида алоҳида, ўзига хосдир. Агар ўзбек тилида бор феълнинг ҳар бирига шу кўмакчи феъллардан нечтаси қўшилиб, таркибли феъл ясай олса, шу феъл шунча миқдордаги маънога асос солади ва шунча феъл ясалган бўлади. Шуниси қизиқки, тилдаги мавжуд феъллар шу 28 кўмакчи феълнинг кўпроқ қисми билан бирикиб, таркибли феъл ясай олади. Бу эса гапнинг маъини ташкил қилган феъллар бойлигини жуда орттириб юборади. Яхшиси, қуйида биз кўмакчи феълларни илова қиладиган қўшимча маъно хусусиятига қараб, группалаб, таҳлил этиб чиқишга ҳаракат қиламиз.

Бир қисм кўмакчи феъллар етакчи феълдан англашилган ҳаракат ва ҳолатга давомийлик илова қилади. Бу кўмакчи феъллар асосан *тур* — *ўтир*, —*юр*, —*ёт*, —*бор*, —*кел*, —*бер* (*вер*) — лардан иборат. Уларнинг етакчи феълдан англашилган ҳаракат ва ҳолат давомийлигини кўрсатиши турличадир. Маълумлари давомийликнинг ҳажмига кўра ўзаро фарқ қилса, айримлари нутқ онгига нисбатан қайси замонда давом этганлиги, давомийлик кўриниши билан фарқланади. Масалан, *тур* — кўмакчи феъли давомийлик қисқа муддатли, вақтинчалик эканликини билдиради. Яъни: *Алибобо автобус кўздан йўқолгунча қараб турди-да... кейин ҳовлига кириб кетди* (А. Қаҳҳор). Бу гапда Алибобонинг қараб кузатиши фақат автобус кўздан ғойиб бўлгунча давом этган. У гапнинг умумий мазмунидан англашиларилидир. Ёзувчи шунга биноан қарамоқ етакчи феълни *тур* — кўмакчи феъли билан қўллаган. Агар етакчи феълдан англашилган ҳолат унга кўра кўпроқ давом этадиган бўлса, унинг кетидан *ўтир* — кўмакчи феъли келтирилган бўларди. Бунинг учун ҳам А. Қаҳҳорнинг "Синчалак" қиссасидан бир гап келтирамыз: *Холаси уни кузатиб ўтириб, сўрида ёнбошлаганча пинакка кетибди*. Турган гапки, кутиш лаҳзалик кузатишга нисбатан кўп вақтни талаб қилади. Ёзувчи бу ўринда ҳам кўмакчи феъл танлашда сўз устаси эканлигини кўрсатган. Шунини ҳам айтишга тўғри келадики, кузатиш ва кутиш — бу ҳолат, аммо унинг давомийлиги вақт билан ўлчанади. Бу ўриндаги *тур* ва *ўтир* — кўмакчи феълларининг етакчи феъл маъносига илова қиладиган давомийлик маъноси ҳам вақт нуқтаи назаридандир.

— *Юр* — кўмакчи феъли етакчи феълдан англашилган ҳаракат ёки ҳолат давомийлигини *тур* ва *ўтир* — кўмакчи

фёслига нисбатан анча ортиқ ҳолда ифода этади. У ҳатто бошланишига қараганда тугаши, тугашига қараганда бошланиши мавҳумроқ бўлиб туюлади. Бунини ҳам А. Қаҳҳорнинг юқорида тилга олинган асаридан мисол келтириш билан таҳлил этайлик: *Тоҳир Носиров... ҳозир район билан танишиб юрган эди*. Бу гапдаги Носировнинг район билан танишиш жараёни қачон бошлангани гапдан англашилган хабар вақтига нисбатан номаълум ва қачон тугашини ҳам айтиб бўлмайди, у давом этапти. Бу давомийлик *юр* — кўмакчи фёсли билан қўлланган *танишиб юрмоқ* таркибли фёслида ифода этилган.

Агар таркибли фёсл *ёт* — кўмакчи фёсли воситасида тузилган бўлса, бу давомийлик доимий ҳолатда акс этади. Яъни: *Унинг дарҳақиқат, иши ҳаминча бошидан ошиб этади* (А. Қаҳҳор). Бу гапдаги *бошидан ошмоқ* фразеологик фёслдан англашилган эплаб бўлмас даражада кўп эканлик эса кўмакчи фёсл *ёт* — воситасида доимий қилиб ифодаланган.

Тур, — *ўтир* —, *юр* —, *ёт* — кўмакчи фёсллари етакчи фёсл маъносига илова қиладиган вақт давомийлиги асосан бир характерда, умуман, давомийликдир. Аммо давомийлик ҳажмига кўра фарқланиб, *тур* — кўмакчи фёслида нутқ атрофида; *ўтир* — кўмакчи фёслида анча илгарироқдан бошланиб, нутқ они атрофига; *юр* — кўмакчи фёслида эса нутқ онидан олди ҳам, кети ҳам анча узоқликда; *ёт* — кўмакчи фёслида доимий ҳолатда давом этганлиги англашилади. Шунини ҳам айтиш керакки, вақт давомийлиги илова этиш билан бирга, мустақилликка хос ҳолат ифодаларинини ҳам маълум даража билдириб туради. Яъни *қараб турмоқ* таркибли фёслида тик ҳолат, *кутиб ўтирмоқ* таркибли фёслида ўтириш ҳолати, *танишиб юрмоқ* таркибли фёслида ҳаракат, *ошиб кетмоқ* таркибли фёслида маълум ҳолатда ўрнашмоқ ҳам йўлдош бўлиб яшайди. Бироқ бу ҳамма вақт ҳам қатъий эмас. Масалан, *ўтириб турди* таркибли фёслида тик ҳолат мутлақо англашилмайди. Бу эса — *тур*, — *ўтир*, — *юр*, — *ёт* фёслларининг кўмакчилик вазифаси деярли мустақил шаклланганлигини кўрсатади, бироқ улар қўлланган гап мазмунини билан боғли ҳолда ҳолат ифодали мустақил маънолари билан юзага чиқиб қолади. Шу кўмакчи фёслларнинг кўмакчилик маъноси таркибли фёслларда ўз ифодасини гап мазмунидан ташқарида ҳам беравсради. Шунга қарамай, юқоридаги гапларда унинг маъносини очувчи сўзлар қатнашишини ҳам эътиборда тутилди. Бу тушунтириш қулайлигини кўзлаш мақсади билан қилинди. Агар биринчи гапдан *автobyc* кўздан йўқолгунча, учинчи гапдан *ҳозир*, охириги гапдан

ҳамиша бўлақларини олиб ташласа ҳам, таркибли феъллар ўз ифода қимматини йўқотмайди.

Келтирилган мисолларни фақат А. Қаҳҳорнинг "Синчалак" қиссасидан берилди, чунки уларнинг фарқланиши турли ёзувчиларнинг услубига хос эмас, балки бир ёзувчининг ўзи ҳам фарқлаб қўллашнинг кўрсатиш мақсад қилиб олинди. Менинг қўлимда А. Қодирийнинг "Меҳробдан чаён", Ойбекнинг "Қутлут қон", С. Аҳмадининг "Ҳукм" номли асарларидан олинган фактлар ҳам шуни кўрсатди. Бироқ улардан мисол келтириб ўтиришни ортиқча деб ҳисобладим.

Давомийлик илова қилувчи кўмакчи феълларнинг яна —*бор*, —*кел*, —*бер* (*вер*)— кабилари ҳам борки, уларнинг нутқ вақтига нисбат ё илгарини, ё кейинни, ё аввал тугаши кераклиги ҳолда такрорланаётганлигини билдиради. Масалан, —*бор*, кўмакчи феъли етакчи феълдан англашилган ҳаракат нутқ қаратилган иш битгандан сўнг бошланиб давом этадигани ўз аксини топган. Бунинг учун эса —*бор* кўмакчи феълнинг юрмоқ етакчи феъли маъносига илова қилган маъноси сабаб бўлади.

Кел кўмакчи феъли эса етакчи феъл маъносига *бор* — кўмакчи феъли илова қиладиган маънонинг аксича, яъни етакчи феълдан англашилган ҳаракат ёки ҳолат нутқ қаратилган вақтга томон давом этаётганлигини билдиради. Масалан: *Шунинг учун ҳам маҳсум бу кунгача масалага ишончсиз қараб келар эди (А. Қодирий)*. Бу гапда нутқ қаратилган вақт гапнинг шу кунгача бўлагиди, ифода топган. Гапдаги *ишончсиз қарамоқ* феълидан англашилган ҳолат *кел* — кўмакчи феъли воситасида гапда диққат қаратилган ўша вақтгача давом этаётганлиги билдирилган.

бер — кўмакчи феълнинг етакчи феъл маъносига қиладиган илова маъноси маълум даражада *ёт* — кўмакчи феъли илова қиладиган маънога ўхшаш доимийликни билдиради. Бироқ *ёт* — кўмакчи феълидаги давомийлик бир текис, асосан вақт эътибори биринчи планга қўйилган ҳолатда бўлади, *бер* — кўмакчи феълида эса маълум иш ҳаракатнинг узлуксиз такрорланиб туриши ўз ифодасини топади ва эътиборда асосан мазкур иш ҳаракатининг ўзи туради. Масалан: *ва лекин табиат хасис эмас: тикандан гул, аридан бол ярата беради (А. Қодирий)*. Бу гапдаги *яратмоқ* феълидан англашилган иш, у *бер* — кўмакчи феъли билан қўлланиши учун, олдин ҳам қанчалаб бажарилганлиги, ҳозир ҳам бажарилаётганлиги ва бундан кейин ҳам бажарилишининг, унинг қайта-қайта амалга оширилишини кўрсатган. Айрим ҳолларда *бер* — кўмакчи феъли *вер* — нусхасида ҳам қўлланади, бироқ улар вазифаси ўзаро

фарқ қилмайди: *Йўлчи томоша қилиб, хекса тоғанинг орқасидан юраверди (Ойбек)*. Бу гапта *вер* — кўмакчи феъли юрмоқ етакчи феълига қўшилиб ёзилган бўлса ҳам, уни қўшимча деб ҳисобламаслик керак. Унда б товуши а га ўтгани учун имло қоидасига кўра шу йўл тутилган.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, —*бор*, —*кел* кўмакчи феъллари ифодасида ҳаракат ва ҳолатнинг бошланиш ёки тугалиш нуқтасига алоқадорлик борлигига кўра —*тур*, —*ўтир*, —*юр*, —*ёт* — кўмакчи феълларидан фарқ қилади. —*бер* кўмакчи феъли эса юқоридагиларга ўхшаш —(и) б қўшимчали эмас, —*а*, —*й* қўшимчали равишдошларга қўшилиши ва такрорий ҳаракатни билдириши билан ўзига хосдир.

Ўзбек тилида яна —*бошла*, —*кет* каби кўмакчи феъллар ҳам бўлиб, улар етакчи феълдан англашилган ҳаракат ёки ҳолатнинг бошланиш даврини кўрсатади. Масалан: *Эшон ая... қоронғида шитирлаётган баргларга қулоқ сола бошлади (С. Аҳмад)*. Бу гапта *қулоқ солишнинг* боши эканлиги қайд этилгани ҳолда, унинг давом этилиши ҳам кўрсатилган *кет* — кўмакчи феълида етакчи феълдан англашилган ҳаракат ёки ҳолатнинг боши қайд этилади, лекин давоми эътибор қаратилмаган ҳолатда қолади. Масалан, *Назирқул орқаси билан юриб чиқиб кетди (С. Аҳмад)*.

Бу кўмакчи феълларда ҳам мустақил маъно ифодаси маълум даража сақланган бўлади. Уни юқоридаги мисоллардан сезиш мумкин. Биринчи мисолда у яққол кўринади, бироқ иккинчи мисолда у гарчи чиқиш учун бош нуқтани кўрсатган бўлса ҳам, сўзловчи эътиборда тутган ўринда йироқлашиши ҳам, иккинчи планда бўлишига қарамай сезилиб туради.

Яна иккита — *қол* ва *ёз* — кўмакчи феъли етакчи феълдан англашилган ҳаракат ёки ҳолатнинг якунига озгина қолганликни билдиради. Бундай кўмакчи феъллар шу маъносини бериши учун, турган гапки, етакчи феъл у якуни билдирувчи маънога эга бўлиши керак. Масалан: *Саида ўн йилликни битириб, комсомол ишида кўзга кўриниб қолди (А. Қаҳҳор)*. Бу гаптаги *кўзга кўринмоқ* фразеологик феъли *қол* — кўмакчи феъли билан қўлланган. Шунинг учун у тўғридан-тўғри танилганлик ҳақида маълумот бермаган, балки деярли танилиши, яъни танилганлик ёқасига келганликни билдирган. Унда яқин бўлишига диққат қаратилгани, яъни танилишга диққат қаратилгани ҳолда яқин қолганлик қайд этилган. *Ёз* — кўмакчи феъли қўлланганда эса якунга оз қолганлик асосий эътиборни тортади: *Раъно боғчанинг супасига ета ёзган эди (А. Қодирий)*. Бу гаптаги диққат етмоқ ҳаракати якуни оз қолганлигига тортилган.

қол — кўмакчи феъли етакчи феълдан англашилган ҳаракатнинг яна давом этишини ҳам билдиради: *Ҳар замон бир томоқ қоқиб, кўкда арғимчоқ солиб ўтаётган турналарни кузатиб қолади* (С. Аҳмад). Бу гапдаги қол — кўмакчи феъл шу маъносига кўра бор — кўмакчи феълига ўхшаб кетади. Бироқ бор — кўмакчи феълида ҳаракат бажарувчининг фаоллиги акс этгани ҳолда, қол — кўмакчи феълида у бефарқ ҳолда кузатилади.

Кўмакчи феълларнинг яна бир туркуми борки, улар етакчи феълдан англашилган ҳаракат ёки ҳолат тугалланишини турли нуқтаи назардан билдириб келади. Бу кўмакчи феъллар — бўл, — чиқ, — ўт, — ол, — қўй, — юбор, — ташла, — сол, — бит, — битир, — ет, — туш, — урлардан иборат. Бу кўмакчи феъллар воситасида ясалган таркибли феъллардан етакчи феълда ҳаракат ёки ҳолат тўла ўтганлиги, яъни якунига етганлиги ифодаланади. Кўмакчи феъл эса шу якун қандай бўлганлиги маъносини илова қилади. Шу қандай бўлганлик юқорида кўрсатилган ҳар бир кўмакчи феъл орқали ўзига хос, турлича кўрсатилади. Улардан энг кўп қўлланиладигани бўл — кўмакчи феъли бўлиб, етакчи феълдан англашилган ҳаракат ёки ҳолатнинг тўла тугалланганлигини билдиради. Масалан: *Кўса эгитларга чиғитни қадаб бўлдик* (С. Аҳмад). Бу гапдаги қадаб бўлдик таркибли феъли иш тўла бажарилганлигини билдирган ва у бўл — кўмакчи феъл қўлланганлиги билан боғлиқдир. Унда қадамоқ феълнинг ўзи қўлланганда ҳам, ўша иш бажарилганлиги англашиллар эди, бироқ иш яна давом этадими ёки тугалми эканлиги ноаниқ қоларди. Бироқ бўл — кўмакчи феъл билан тузилган таркибли феълда ҳам англашилмайдиган бир томон қолади. Иш жонга тегиб, уни чала ташлаб чиқиб келаётган одам ҳам шу гапни пичинг билан айтиши мумкин. Агар бўл — кўмакчи феъли ўрнида *чиқ* — кўмакчи феъли берилса, унга ҳам ўрин қолмайди, ишнинг бир чеккасидан тушилиб, охиригача бажарилганлиги ўз ифодасини топади. — *чиқ* — кўмакчи феъли таркибли феъл қўлланган қуйидаги гапга эътибор берайлик: *Бундан олдин "Сўна" деган китобни ўқиб чиққанмиз* (С. Аҳмад). Бу гапдаги ўқимок — етакчи феълдан англашилган ишнинг бошидан тушиб охиригача бажариб тугатилганлигини *чиқ* — кўмакчи феъли ифода этган, *чиқ* — феълнинг бу — кўмакчилик маъноси унинг мустақил маъноси асосида, яралган. Чунки *чиқ* — феълнинг юзага келиши мантиқан *туш* — феълига қарама-қарши қўйишдан иборатдир. Бу кўмакчи феъл ўрнида юқорида бўл — кўмакчи феъли алмаштирилса қайд этилган гап кесимидаги ўқимок

фёлидан англашилган иш чала бажарилган, бажарувчи бажарилган воз кечган бўлиши ҳам мумкин.

чиқ — кўмакчи фёли гапнинг боғламали от кесимига қўшилиб ўз кўмакчилик маъносини илова қилиши ҳам кузатилади. Масалан: *Дастлабки сотиш бу хилда бўлиб чиқди* (Ойбек). Бу гапдаги кесим *бу хилда* оти бўлиб, унда эгадан англашилган сотув жараёни назарда тутилган. Гапдаги бўлиб боғламаси унинг амалга ошганини кўрсатса, *чиқ* — кўмакчи фёли ўша жараён натижаланганлигини билдиради.

қўй — кўмакчи фёли етакчи фёлдан англашилган ҳаракат ёки ҳолатнинг, шунчаки, зарур бўлмаган ҳолда бажарилганлигини билдиради. Масалан: у: *"Гугурт ўйнаманглар, ҳой!"* — деб қичқириб ҳам қўйди (Ойбек). Бу гапдаги қўй — кўмакчи фёли қичқирмоқ етакчи фёлидан англашилган нутқ кўринишини қай тарзда бажарилиши билан боғли қўшимча маънони билдирмаган. Қичқирмоқ фёли нимани англатса, у шундайлигича амалга оширган. Фақат уни бажарувчининг асосий мақсади шуни адо этмоқчи эмас, бошқа мақсадлари ичида бирор имкониятга кўра, мазкур нутқ кўринишини амалга ошириб юборди. Бу эса қичқирмоқ етакчи фёли маъносига қўй — кўмакчи фёлининг илова қилган маъносида акс этди.

— *ол* — кўмакчи фёли етакчи фёлдан англашилган ҳаракат ёки ҳолатнинг ўз манфаати нуқтаи назаридан бажарилганлигини билдиради. Масалан: *колхози ... райондаги энг илғор колхозлар қаторига кириб олди* (А. Қаҳҳор). Бу гапдаги кирмоқ фёлидан англашилган ҳаракатнинг бажарилиши манфаат мақсадига қаратилган. У эса шу фёл билан бир таркиб ҳосил қилган *ол* — кўмакчи фёлининг кўмакчилик маъноси орқали англашилади.

бит — кўмакчи фёлининг етакчи фёли маъносига илова қиладиган маъноси бўл — кўмакчи фёлининг маъносига жуда яқин туради. У ҳам етакчи фёл маъносида англашилган ҳаракат ёки ҳолатнинг тўла бажарилганлигини билдиради. Масалан: *То ариза ёзилиб битгунча чол гандан тўхтамади* (С.Аҳмад). Бу гапдаги бит — кўмакчи фёлини бўл — кўмакчи фёли билан алмаштирилса, гап мазмунига мутлоқо путур етмагандай, яъни у мутлақо ўзгармагандай туюлади. Бироқ бундай эмас. Ёзилиб бўлгунча таркибли фёлда ёзилиш жараёни тўла тугалланганлиги англашилади. Ёзилиб битгунча таркибли фёлида ҳам худди шундай ёзилиш жараёни тўла тугалланганлиги англашилади, бироқ унинг қолган-қутган ишлари, яъни имзо чекиш, муҳр босиш тасмонлари ҳам амалга ошириб тамомланганлиги ҳам ўз ифодасини топади.

— *ёт* — кўмакчи феълининг етакчи феъл маъносига илова қиладиган маъноси *ол* — кўмакчи феълининг маъносига жуда яқин туради. У ҳам етакчи феъл маъносидан англашилган ҳаракат ёки ҳолатга эришиш манфаати маъносини илова қилади. Масалан: ... *дўстликнинг ҳатто сарполар кийишгача бориб етиши маҳдумнинг назарида яна айни фазилат эди (А. Қодирий)*. Бу гапдаги *ёт* — кўмакчи феълини *ол* — кўмакчи феъли билан алмаштирилса ҳам, гап мазмуни ҳеч қандай ўзгаришга учрамагандай туюлади. Аммо *ол* кўмакчи феълида эришиш мақсади ифода топса, *ёт* — кўмакчи феълида фақат эришишнинг ўзи ифода топади.

ўт — кўмакчи феълида мустақил маъно деярли сақланган бўлса ҳам, у гап ичида етакчи феъли билан келиб, унинг маъносига ўз кўмакчилик маъносини илова қилади, унинг маъносини ўз маъноси билан кенгайтиради. Шу кўмакчилик маъноси *қўй* — кўмакчи феъли маъноси каби етакчи феъл маъносидан англашилган ҳаракатни имконияти бўлган ўринда адо этишдан иборатдир. Масалан: *Бу ўринда Анварнинг бир хусусиятини атайноқ ёзиб ўтишга бурчлимиз (А. Қодирий)*. Бироқ *қўй* ва *ўт* кўмакчи феъллари маъноси ўртасида фарқ бўлиб, бу *қўй* — кўмакчи феъли маъноси асосида тугалланиш ётса, *ўт* — кўмакчи феъли маъноси асосида фақат тақилишгина акс этиб, етакчи феълдан англашилган ҳаракат давом этаётганлиги ҳам ўз ифодасини топади.

Қолган — *юбор*, — *ташла*, — *сол*, — *туш*, — *ур* каби кўмакчи феъллар маъноси асосан етакчи феълдан англашилган жараён тугаши лаҳзаси билан боғли ҳолатларни билдиради. Мисоллар: *У бир нарсадан хурсанд ё рози бўлганида аксар "ҳабба" деб юборади (А. Қодирий)*. *У бир пасда талайгина гапириб ташлади (А. Қаҳҳор)...* *подшоҳ ҳужуматининг аҳволи анча танг эканини тўкиб солди (Ойбек)*. *Саида чўчиб тушди (А. Қаҳҳор)*. *Чойнак-пиёлаларни деразадан ташқарига улоқтириб урди (Р. Раҳмонов)*. Юқоридаги гапларнинг биринчисида *юбор* — кўмакчи феъли қўлланган бўлиб, унда етакчи феъл маъносидан англашилган жараён беихтиёр бажарилганлиги илова қилинган. Иккинчи мисолда эса *ташла* — кўмакчи феъли қўлланган. У етакчи феъл маъносидан англашилган жараёнинг шартта-шартта, андишасига бормай, бажарилганлик маъносини билдирган. Учинчи гап таркибидаги *тўкиб солди* феъли таркибида келган *сол* — кўмакчи феъли етакчи феъл маъносига борица, тўғридан тўғри деган маъно илова қилган. Тўртинчи гапдаги феъл кесим *туш* — кўмакчи феълини орттириб келган. У етакчи феълдан

англашилган жараён бирдан, кутилмаганда содир бўлганлигини ифодалаган. Охирги гапдаги ур — кўмакчи феъли етакчи феълдан англашилган жараён жаҳл билан зарбли, кескин адо этилганлик маъносини беради.

Таҳлил этилган юқоридаги кўмакчи феълларга ўз хусусияти билан яқин турадиган яна ул — кўмакчи феъли бор. У етакчи феълдан англашилган жараён керагидан ортиқ, кучли содир бўлганлиги маъносини илова қилади. Масалан: ... *кирмаганингиз учун қайин оналарингиз севинишиб ўлаётибдилар* (А. Қодирий). Бу гапда етакчи феълдан англашилган севиниш керакдан ортиқ, кучли эканлигини ўл — кўмакчи феъли орқали ифода этилган.

Кўринадики, —*юбор*, —*ташла*, —*сол*, —*туш*, —*ур*, —*ўл* кўмакчи феъллари қўшилиб келган етакчи феъллар фақат жараён ифода этади. Юқорида берилган гаплардаги улар қўшилган етакчи феъллар ичида гарчи *демоқ*, *гапирмоқ*, *тўкмоқ* каби нутқ феъллари бўлса ҳам, улар моҳияти асосида бари бир жараён этади. Бунинг устига улар учун яна умумий томон шундаки, илова қилган маънолари етакчи феъл англатган ё жараён белгисидан иборатдир. Одатда, жараён белгисини равишлар ифодалайди. Бироқ фарқ шундаки, равишлар феъл англатган жараён белгисини билдиргани ҳолда ўзи диққат марказида бўлади, уларда эса шу жараённинг ўзи диққат марказига тушади. Шунинг учун ҳам ўзбек тилида кўмакчи феълларнинг қўлланиши равишларга нисбатан беқиёс даражада кенг.

Битир — кўмакчи феъли ҳақида тўхталмадик. Чунки у *бит* — кўмакчи феълнинг ортгирма нисбати шакли бўлиб, маъно жиҳатдан фарқланмайди.

Яна *бил* — кўмакчи феъли ҳам бўлиб, у етакчи феъл маъносига илова қиладиган маъноси жиҳатидан ол — кўмакчи феълнинг навбатдаги маъносига кўра ўхшаш. Улар етакчи феъл маъносига эплаш маъносини илова қилади. Мисоллар: *Қани иложи бўлса, битта одам тутмасдан бутун ишни ўзинг элай билсанг* (Ойбек). *Ёрмат Йўлчининг ишида ҳеч қандай камчилик кўра алмади* (Ойбек). Бу гаплардан *бил* — ва *ол* — кўмакчи феъллари, гарчи етакчи феъл маъносига эплаш маъносини илова қилишига кўра бир хил бўлсалар ҳам, биринчи ақлга асосланганлиги, иккинчиси умуман уйдага асосланганлиги билан фарқ қилади.

Ўзбек тилида —*кўр*, —*қара*, —*доқ* кўмакчи феъллари ҳам борки, улар етакчи феълдан англашилган жараён билиш, синаш учун бажарилганлигини кўрсатади. Мисоллар: *Ўғриликдан бойқа ишни — жамийки ҳунарни қилиб кўрдим* (Ойбек). Энди *ўйлаб*

қарасам, у бахтини эмас, бахтсизлигини йўқотган экан (С. Аҳмад). Нури бундай гапларни бепарволик билан эшитишга уриниб боқарди (Ойбек). Бу гапларнинг биринчисидagi қилмоқ иккинчисидagi уйламоқ, учинчисидagi уринмоқ етакчи феълларидан англашилган жараён — кўр, —қара, —боқ кўмакчи феъллари воситасида билиш, синаш учун бажарилганлиги англашилади. Бу жиҳатдан улар фарқ қилмайди, бироқ етакчи феълдан англашилган жараёни бажаришдаги режага кўра маълум тафовутларга эга. Кўр — кўмакчи феъли қўлланганда етакчи феълдан англашилган жараён бажарилиб, уни тўла билинган ёки синаб олинганлиги ифода этилса, қара — кўмакчи феъли қўлланганда етакчи феълдан англашилган жараён бажарилиб, у орқали нимадир синалаётган ва билинаётганлиги ифода этилади ва ниҳоят боқ — кўмакчи феъли қўлланганда эса етакчи феълдан англашилган жараён бажарилар экан, натижасига қараб навбатда нимадир режалаштирилганлиги ифода топади.

Юқорида 28 кўмакчи феълни асосий, кўп қўлланиладиган маънолари бўйича изоҳлаб чиқдик. Улар яна бошқа маъноларига ҳам эга, лекин ортиқча таҳлил қилиб ўтириш учун имконият йўқ.

Улар қандай вазифадаги феълга ва унинг қандай шаклдагисига қўшилганига қараб ҳам маъно нозиклиги билан фарқланадилар. Масалан, тақиллатиб қолди, тақиллата қолди, тақиллатди қолди таркибли феълларга эътибор берайлик. Уларнинг етакчи феъллари ҳам, кўмакчи феъллари ҳам айнан бир хил, лекин етакчи феъл қўшимчасигина фарқ қилади. Шу фарқ ҳисобига улар ифодасида ҳам фарқ юзага келган. Уларнинг биринчисида етакчи феълдан англашилган ҳодиса кутилмаганда содир бўлганлиги ифода этилган бўлса, иккинчисида бировнинг қистовига тез кўна қолган ҳолда амалга оширилганлиги ифода этилган ва ниҳоят учинчисида кутилмаганда бажарилганлиги ифодаданган. Кўмакчи феълларнинг деярли ҳаммаси равишдошнинг шу уч шаклига қўшилиши ва шундай уч маъно нозиклигида ифода бериши мумкин.

Ўзбек тилида кўмакчи феълларнинг тил бойлигини ниҳоятда орттириб юбориш имконияти жуда катта. Бу имкониятларнинг ҳаммасини шу мақоланинг ўзида ҳар томонлама ёритиш мумкин эмас. У аллақачон — 1962 йилда А. Ҳожиев томонидан илмий нуқтаи назардан тўла-тўқис ўрганиб чиқилган, лекин афсуски, у ҳануз қўлёзма ҳолида ётибди. Қани энди у ўз ўқувчисига етиб борса. Ҳозирча унинг эълон қилинган "Ўзбек тилида кўмакчи феъллар" номли монографияси топиб фойдаланилса ҳам,

ўзбек тили бойлигига хос катта бир сирдан воқиф бўлинарди. Биз унинг ер юзини картада акс эттиргандай қилиб, қисқартмасини мазкур мақоланинг бир қисмида ҳоли ҳудрат акс эттирдик. У ўзбек тили бойлигининг шундай бир сирики агар биз ҳисоб фанига мурожаат этадиган бўлсак, шу 28 кўмакчи феълнинг 20 таси ҳам фақат бир маъноси билан ўзбек тилидаги, ўртача ҳисоблаганда, 17 минг феълнинг 10 мингига қўшила олганида, тилимиз бойлигида 200 минг феъл бор, деб ҳисобланади. Эътибор бергандирсиз, мен ҳамма томондан ташлаб, ҳисоб юритдим. Ахир биз ўзбек тили бойлигини камайтириб кўрсатиб ўрганиб қолганмиз-ку?! Ушбу дард менга ҳам суяк сурди. Лекин бари тилдаги феъллар миқдори учун 200 минг рақами ҳазил эмас! Европадаги қайси тилни айтиш мумкинки, унда лоақал 40 минг феъл бўлсин. Феъллар ахир тил бойлигининг маъзини ташкил қилади. Нутқда улардан кўра фаолроқ сўз бўлмайди. Зеро, феъллар галнинг қурилишини белгилайди.

Ўзбек халқининг хизмат кўрсатган лугатчиларидан Н. Маматов шу бойликни эътиборда тутиб, ҳар бир анжуманда жон куйдиради: "Ўртоқлар, таркибли феълларни қўшиб ёзишни қонунлаштириш керак. Уларни лугат сўзлигига тўла киритайлик. Биласизми, у қанча бойлик?" Жон куйдирганича бор. У ўзбек тилидаги лугатларнинг рус тилидаги лугатлардан ҳам кўпроқ жилд-жилд бўлишини ва у билан ўзбек халқи номидан фахрланиб юришни хоҳлайди. Рус тилидаги —в, —вы, —во, —дез, —до, —за, —на, —не, —об, —о, —от, —пере, —по, —под, —пре, —при, —про, —пры, —раз, —рас, —ре, —с, —со, —у олд қўшимчалар воситасида кўпайтириб юборилган феъллар лугатлар сўзлигига тўла киритилган ва улар билан лугатларни шиширишганда, нега энди ўзбек тилидаги таркибли феъллар лугат сўзлигига киритилмасин! Лекин биз кўмакчи феъллар воситасида ясалган таркибли феълларни лугат сўзлигига киритмоқчи ҳам эмасмиз. Лугатлар қанча шишса, улардан фойдаланиш шунчалик оғир бўлади. 28 та кўмакчи феълнинг етакчи феъл маъносига илова қиладиган маънолари билан лугатнинг 28 жойида қайд этиш старлидир. Таркибли феъллар маъносини ақл билан чиқариб олинади. Бинобарин, лугатлар ҳашами билан айримларнинг оғзини очиб қўйиш учун эмас, осон фойдаланиш учун тузилади. Рус тили лугатларида бундай қилиб бўлмайди. Чунки ундаги олд қўшимчаларнинг феъл ясаши маъно беришига кўра унча изчил эмас. Ясама феълларнинг ҳаммаси сўзликдан ўрин олиши табиатан мажбурийдир.

Шуни ҳам эслатиб ўтиш керакки, кўмакчи феъллар билан таркибли феъл яшаш асосан туркий тилларга хос. Айниқса, у ўзбек тилида тараққий қилган. У орқали юзага келган таркибли феълларнинг нозиклигини бошқа оиладаги тилларга деярли таржима қилиб бериб бўлмайди, шунчалик миллий характердадир.

Ўзбек тили нозик ва бой ифодаларга эга. Унга тилни маҳорат билан эгаллаган таржимон ҳар қандай тушунчани ағдара олади. Аммо унда ифодаланган маъноларни ҳамма вақт ҳам тўғри келган тилга олиб ўтиб бўлавермайди. Бу, айниқса, бадиий адабиётда кўпроқ сезилади. Бир-иккита мисоллардан келтирайлик. "Ўтган кунлар" романи рус тилида "Минувшие дни" деб берилган. Бизга маълумки, *минувшие* сўзи *ўтган* сўзи маъносига тенг эмас. Минувшие сўзи ифодаланган вақтнинг бир этаги ҳозирги замонда ётади. Уни немис тилига умуман олиб бўлмаган ва "*Ein liebe in Taschkent*" (Тошкентдаги бир севги) деб қўя қолинган. "Синчалак" повести номи рус тилига "Птичка-невеличка" деб олинган. Унда "кичкина-ю, уdda бурро" деган маъно қирраси қолиб кетган. Немис тили эса *Sekretar Saida* дейиш билан чегараланган. "Сариқ девни миниб" асари эса немис тилида *Der Rid auf den gellen Teufel* деб олинган. Бу эса "Сариқ иблис узра кезмоқ" дегани. Бу ўринда девни иблисга, минибни узрага айлантирилган ва кезмоқ сўзи маъноси қўшилган. Ўзбекчада асарнинг номи шундай тузилганки, ўз ифодасидан кейин яна нимадир бўлиши кутилади. Немис тилида буни бериш имконияти бўлмаган.

Бу билан рус ва немис тилларини ерга урмоқчи эмасмиз. Сўзсиз, улар жуда катта илм-техника ва маданий бойликни ўзида тўплай олган тиллардир. Лекин ўз тилимизни улар олдида камситиш ва уларга "Господи, помилуй!" деб туришимиз ҳам бениҳоя кулгилidir.

Ўзбек тилининг бойлигини қаппайган луғати эмас, лексик бойлиги ва унинг сифати белгилайди. Бу бойликни нозик дид билан эгаллаш ва унга ёндошиш керак. Шунда унинг хазина эшиги кенг очиқ бўлади. Унинг бойлиги сирларини билмаган ва унда фикрни бера олмаган киши ойнадан ўпкаламасин.

АТАМАЛАРНИ СОФ ЎЗБЕКЧА ҚИЛИШ ЙЎЛИДА

Ҳозирги ўзбек тилидаги атамаларнинг ярмидан кўпи асосан рус тилидан ёки рус тили орқали Европа халқлари тилидан қабул қилинган, ўзлашган. Бу ҳолни биз шу вақтгача илғор

ҳодиса сифатида таърифлаб, тилимизни бойитгани учун рус тилига тасаннолар айтиб келдик. Унга яна шунинг учун ҳам меҳр кўзи билан қарадикки, гўё уни бутун дунё учун ягона, коммунизм даврида одамлар тил ювсиз ўзаро фикр алмаш-веришига имкон берадиган тилга элтувчи восита деб билдик. Шундай қилиб рус тилида янги атамага дуч келсак, ҳеч иккиланмай, ўзбек тилига шундайлигича кўчиравердик, кўчиравердик ва, ҳатто, ўзимизда бор атамаларни ҳам сиқиб қўйиб, ўрнига русча нусхасини олиб қўллардик. Мана энди кўрдикки, дунё учун ягона тилнинг яралиши ҳақидаги назария фирт бекорчи гап экан. Унга интилиш эса миллий тиллардаги имкониятлардан юз ўгириш, унинг бадий адабиёти дунёсини супуриб юбориш, шу тилда яратилган фан ва маданиятни қудуққа ташлаб, кўмиш билан баробар бўлиб чиқди. Эс-хуши-мизни йиғиб қараганимизда, ўзбек тилида фойдаланувчилар учун ўзбек тилини дўзахга айлантирувчи аллақанча атамалар пайдо бўлиб қолибди. Фараз қилинг: маълум бир фаннинг бир соҳасида юзга яқин ўзлаштирилган атама бор. Уларни талабаларга ёдлатиш керак. Бунинг учун камидан 20 кун сарфланади. Бу атамаларни ёдлай олганларга шу атама моҳиятини тушунтириш томони ҳам турибди. Яъни уч-тўрт ойнинг бошига сув қуйилади. Шуларнинг ўрнига атамалар тилнинг ўз имкониятидан келиб чиқиб ясалганда, улардан фойдаланувчи атамаларнинг ўзига-ю қўшимчасига қараб, ўзи англаб кетаверарди. Ахир алоқа қуроли бўлган тил фойдаланувчилар учун шундай қулайликка эга бўлиши керак эмасми?! Ўз тилингдан таржимон орқали фойдалакиш дўзахга тушгандан бадтардир.

Ўзбек тили, атамалари ҳар қанча мушкул аҳволга келиб қолган бўлмасин, ўзининг беҳад бойлиги, гўзаллиги, сайқалланганлиги-ю туганмас имкониятини йўқотмади. Шу имкониятга қараб тилдаги атамаларни бемалол изга солса бўлади. Чунки атамалар субъектив бўлиб, уларни исталган мақсадга буриш мумкин. У ҳамма вақт олимлар томонидан бошқарилиб, сайқал топтириб борилади. Ундаги эскирган ва ортиқчалари чиқариб ташланади ва янгилари яратиб турилади. Бу барча кўзга кўринган тилшунослар томонидан аллақачон тан олинган фикрдир. Агар маълум бир соҳада фалон-фалон атамалар, масалан, кимё фанида *оччил*, *сувчил* каби атамалар қўлланмай кетган бўлса, буларнинг ясалиши ва танланиши ўзини оқламаганлигидан эмас. Ўзбек тилида атамалар ё ўзи ифодалаган тушунча йўқолганлиги, ё уни рус — интернационал атама билан мажбуран алмаштирилганлиги учун истемолдан чиқарилган.

30-йиллардан кейин кейингиси жуда авж олиб кетган эди. Ҷша йиллардан бошлаб яқингача рус-интернационал деб аталган чет атамаларга сизгинувчилар кўп бўлди. Уларнинг оқовалари Ҷша атамалар ўрнига ўз атамаларимизни тиклаш ёки янгисини яшаш учун ҳозиргача оёқ тирашдан нари ўтолганларича йўқ. Биз иложи борича ўзбекча атамаларнинг софлиги учун кураш олиб боришимиз зарур. Бу тадбир, албатта, ур-тўполон билан эмас, илмий асосда, ақл ишлатган ҳолда, шоммасдан ўтказилсагина, фойда келтиради.

Тадбирларнинг асосийси барча фан ва соҳалар бўйича русча-ўзбекча атамалар луғатини иложи борича тезроқ яратиш ва нашр эттиришдир. Унинг сўзлиги русча бўлгач, русчадаги мавжуд атамаларнинг ўзбек тилидаги нусхасини топиш қулай бўлади. Чунки ҳозирги даврда деярли одамлар ўз билимини рус тилидаги китобларни ўқиб орттирган ёки русча билим даргоҳларида ўқиган. Уларнинг иккиси ҳам бўлмаган тақдирда, ўзбек тилидаги жуда кўп атамалар рус тилидан кўчирилган. Шунга кўра луғат сўзлигидан излайди. Луғатда ундан кейин ҳозирги ўзбек тилида Ҷша атама қандай қўлланаётган бўлса, шу нусхаси берилади. Ниҳоят, луғатчи томонидан тавсия қилинган соф ўзбекча нусхаси луғатчиликка хос махсус белги билан келтирилади. Луғатчи соф ўзбекча нусхасини битта эмас, бир неча шаклда тавсия этиши ҳам мумкин. Луғат нашридан кейин бўлган муҳокамалар натижасида улардан энг маъқули танлаб олинади.

Атамалар луғатнинг русча-ўзбекча типда яратилишининг яна бир аҳамиятли томони бўлиб, бу русчадан навбатдаги таржима қилувчилар учун соф ўзбекча атамаларни тавсия этишдан иборат. Луғат янги илмий иш, дарслик, ўқув қўлланмалари, оммабоп ишлар ёзаётганларга ҳам фойда келтиради.

Русча-ўзбекча атамалар луғатлари тузилар экан, тузувчилар асосан сўзликда бериладиган атамалар оид соҳанинг мутахассисидан иборат бўлиб, улар яна бир луғатчи тилшунос билан ҳамкорлик қилиши фойдали бўлур эди. Чунки атамалар ўзбекчалаштирилишида ўзбек тили имкониятларини яхши биладиган ва қайси тушунчалар қайси сўз уйлари доирасида берилишини тасаввур эта оладиган билим эгасисиз мақсадга эришиш қийин.

Ўзбек тили материалидан фойдаланиб атамалар тузишда ёки яшаш чоғида, тил ўзига хос тартибли тармоққа эга эканлигини ҳисобга олиш керак. Аммо, афсуски шу кунда шу нарсга эътибордан четда қолмоқда. Масалан, *республика* сўзи ўрнида

жумҳурият сўзи қатъийлик билан қўлланиб бошланди. Худди шу сўз воситасида *Ўзбекистон Совет Социалистик республикаси* турғун бирикмаси тузилган ва ундан олинган *ЎзССР* қисқартма оти ҳам бор. Энди қандай бўлади, *Ўзбекистон Совет Социалистик жумҳурияти* деб олинадими? Ундай бўлса, қисқартма от нега *ЎзССЖ* деб ўзгартирилмайди? Бунинг устига яна нега фақат *республика* сўзи таржима қилиниб, қолганлари эътибордан четда қолган? Бир йўла *Ўзбекистон Кенгашли Ижтимоий жумҳурияти* деб шу турғун бирикма тузилса-ю, қисқартма от *ЎзКИЖ* деб олиб қўя қолинса, бўлмайдими? Шу одамларга маъқул ҳам бўлсин, лекин давлат асосий қонунда *ЎзССР* деб қайд этилгани ҳолда, уни турли-туман ўзгаришлар билан аташ учун бизда қандай ҳуқуқ бор? Бу масалада адлия катта маслаҳатчиси Ф. Қиличев "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасининг 1990 йил 29 февраль сониди чоп этилган "Қонун қоғозда қолмасин" мақоласида мулоҳазалари билан ҳақдир. Бундай ўзгариш аввал конституцияга киритилиши ва кейин уни оммалаштириш зарур! Хатолик фақат шундангина иборат эмас. Биз рус-интернационал *республика* сўзини *жумҳурият* сўзига алмаштиряпмиз. *Республика* сўзининг қурилиши — ўзбек сўзлари қурилишларидан нари. У ўзбек тили сўзлари қурилиши системасини бузади. Шунинг учун ҳам у таржима қилиниши керак. Аммо арабчадан қарзга олинган *жумҳурият* сўзи ҳам ундан бир қалам бери эмас. Лотин тилидан чиқиб келган *республика* (res-bublica) сўзи маъноси биздаги *умумлашма* сўзи маъносига тўғри келади. Мен бу ўринда *республика* сўзи ўрнига *умумлашма* сўзини тавсия қилмоқчи эмасман, балки шу маънони бера оладиган соф ўзбекча сўз танлаш кераклигини таъкидламоқчиман. Ахир биз қачонгача бошқа тиллардан сўз садақасини олиб тирикчилик қиламиз? Шунингдек *социалистик* сўзи ўрнида арабча *ижтимоий* сўзини бериш ҳам тўғри эмас.

Минг афсуслар билан тилга олиш зарурки, ўзбек тилидаги атамалар софлиги учун оқ байроқ кўтарилгандан бери атамашунослигимизда арабпарастлик ниҳоятда авж олиб кетди. *Республика, область, район, программа, министр, самолёт, запас* сўзлари ўрнида *жумҳурият, вилоят, ноҳия, дастур, нозир, тайёра, заҳира* сўзларини қўллашга киришилди. Булардан фақат *дастур* сўзи форсий бўлиб, қолганлари арабчадир. Бу, атамаларимизнинг софлиги учун кураш эмас-ку! "Тошкент оқшоми" газетасининг 1989 йил 20 ноябрь сониди Тўлқин Эшбек деган бир журналист, С. Қораев *жумҳурият, вилоят, ноҳия*

сўзларининг кириб келишига қарши фикр билдиргани учун, унга ғазаб билан муносабат билдириб, ҳатто, ҳақоратомуз гаплар айтишга бир баҳя қолди. Иккинчи бир журналист эса рус — интернационал сўзларни таржима қилишга жон куйдириб чақиради. Бунинг учун миннатдормиз. У кўпчиликнинг мақсади. Бироқ нусха танлаш масаласида ўзбек тилини, унинг шеваларини, тарихини қидиришга даъват эта туриб, у ҳам, қардош тиллар, форс-тожик тиллари, араб тиллари, қолаверса, япон тилига мурожаат қилишга ундайди. Чунки япон тили ғарбга нисбатан яқинроқ, шарқнинг тили эмиш. Во ажабо, ўзбек тилига қоришмаган фақат япон сўзлари қолган эди. Энди уни ҳам ташиб келиш керак эмиш. Кекирдак чўзувчи бундай тилларварлар ўзбек тили қандай тил эканлиги, ундаги сўзларнинг қурилиш изчиллиги, ўзбек тилига қайси тиллар қардошлиги-ю, қайсилари ноқардошлиги ҳақида, тасаввурга эгами?! Четдан атамалар қабул қилинишининг ҳар қандай кўриниши тилдаги мавжуд изчил қонуниятларнинг бузилишига, фойдаланиш имкониятларининг қийинлашувига олиб келади. Рус-интернационал атамалардан тортиб араб, форс-тожик атамалари ҳам ўзбек тилига кириб келиб, шу вазифани адо этмоқда. Ҳозирги ўзбекча атамалар софлиги учун кураш тилдаги мавжуд изчил қонуниятларни бузувчи ва фойдаланиш имкониятларини қийинлаштирувчи воситалардан қутилишдир. Буни дастлаб тилимиздаги рус-интернационал атамаларни ўзбекчаси билан алмаштиришдан бошлаяпмиз. Кейинроқ арабча форс-тожикчаларига ҳам ғал келади. Атамалар соф ўзбекчага ағдарилар ёки янгилари ясалар экан, уларнинг ўзак ва қўшимчаларини ҳозирги соф ўзбек адабий тилидан олинишига эришиш яхшироқ бўлади.

Жуда бўлмаса, унга шевалардан, эски ўзбек тилидан, энг иложсиз ҳолда, бошқа туркий тиллардан нусха излаш керак. Ишонаманки, улардан бирида нусха топилади. Ўзбек тили — бой ва имкониятлари кенг тил.

Ўрни келганда аунин ҳам айтиб ўтиш керакки, мен яқинда "Ўзбекча идоравий иш юритиш" номи қўлланмани тайёрлаётганлар билан суҳбатлашиб қолдим. Улар ҳам расмий ҳужжат номларини кўпроқ араб-форс сўзлари билан алмаштирганлар. Масалан, *справка* атамаси ўрнида *маълумотнома*, *рапорт* атамаси ўрнида *хабарнома*, *заявка* атамаси ўрнида *буюртманома*, *акт* атамаси ўрнида *далолат* атамасини қўллаганлар. Кўриниб турибдики, улар деярли *ар+ф* қурилишига эга. Улардан фақат *буюртманома* атамаси ўзбекча ўзакдан ясалган. Унинг ҳам нома қисмини олиб ташланса, ҳам маъносини йўқотмаган,

ҳам соф ўзбекча атама бўлиб қоларди. Қолганларини ҳам ўйлаб кўриш керак — соф ўзбекча нусхасини бемалол топса бўлади. Масалан, *справка* атамаси ўрнида *англатма* атамаси берилса, қандай чиқаркин? Ҳар ҳолда ТошДУ доценти М. Абдусаматовнинг: "Ҳозирги тилимизда кенг истеъмолдаги халқ оммасига тушунарли бўлган сўзларни муомаладан чиқариб, улар ўрнига кўпчиликка на лугавий маъноси ва на ясалиши жиҳатидан таниш бўлган эски арабча ва форсча сўзларни киритиш ҳамиша ҳам мақсадга мувофиқ бўлармикан?" деб "Ўзбекистон адабиёти ва санъати (1990. 09. 02)" газетасида билдирган мулоҳазаси албатта, бежиз эмас. Ўзбекчада нусхаси топа олинмаган рус-интернационал атамалар, ҳозирча, то нусхаси топилгунча; ўрнида тура тургани маъқул. Токи яна бир жумбоқ юзага чиқиб қолмасин. Бу борада ўйлаб ва яна ўйлаб, шошмасдан иш юритайлик.

Атамалар ўзбекчалаштирилганда аввал ҳам русча, ҳам ўзбекча ёнма-ён қўлланиб келаётган атамаларга эътибор берайлик. Масалан, *агрессия* /*босқинчи*, *актив* / *илғор*, *альтернатив* / *сайланма*, *ассимиляция* / *ўзлаштириш*, *баланс* / *теңглик*, *вегетация* / *ўсув*, *вентиляция* / *шамоллатиш*, *вибрация* / *силкиниш*, *импульс* / *туртки*, *гумус* / *чиринди*, *дотация* / *қўмақ*, *ердам*, *идентификация* / *теңглаштириш* ва бошқалар. Мен "Ўзбекистон" нашриётида чоп этилган 2—5 авт. л. лн 14 китобдан 8 юзга яқин шундай ёндош қўллаанувчи атамаларни териб олдим. Демак, бундай ёндош қўлланувчи атамалар тилимизда жуда кўп. Улар арабча — ўзбекча (*мутаносиб*) теке, *меъёр* (*ўлчам*, *ислоҳот*) *ўзгартиш*, *шакл*, *қолип*, *таъжид* / *ўқтириш*, *қуллийет* / *тўла*, *йирик* каби *форсча-ўзбекча даста* / *тутқич*, *фойда* / *унум*, *нуқтаи назар* / *қараш* каби кўринишда ҳам учрайди. Бундай ҳолда, ўзлашма атамаларни тилдан чиқариб ташлашгина қолади. Шунда, атамалар синоними тилда ертқичга юкдир, деган фикрга мос йўл тўтилган бўлади.

Атамаларни ўзбекчалаштиришда, айниқса, шеваларга мурожаат қилиш яқини натижалар беради. Ўзбек тили эса ихёоятда кўп шевалардан таркиб топган. Ўзбекистоннинг Фарғона воҳасидаги тоқчилик, боғдорчилик, полизчилик, ҳунармандчилик, Самарқанд-Бухоро областларида ҳунармандчилик, тоқчилик, қорақўлчилик, Хоразм областида балиқчилик, полизчилик, шиликорлик, Қашқадарё-Сурхондарё областларида чорвачилик, ғаллакорлик тараққий этган бўлиб, ўша ердаги шеваларда улар билан боғли атамалар ҳам шу тараққиётни ўзида акс эттирган. Шу атамалар, гарчи рўйхатга олинмаган бўлса ҳам, ўзбек

адабий тилининг бойлиги ҳисобланади. Шевачилар уларни ўрганишлари ва улар билан лугатлар сўзлигидаги бўш ўринларни тўлдиришлари керак. Улар бир томондан атама бойлигига ҳисса бўлиб қўшилса, бир томондан атамалар софлигини таъминлашда аҳамият касб этади. Масалан, *икра* атамаси Хоразм шевасида *увилдириқ*, *компания* по *скоту овец* атамаси Қашқадарё шевасида *тул*, *переход* атамаси Манкент шевасида *ўтқал*, *отдох* атамаси Фарғона воҳаси шеваларида *ҳордиқ*, *аванс* атамаси Андижон шевасида *бўнак* атамаси билан берилади. Буларни бемалол адабий тилга ўтказиш мумкин.

Чет атамаларни ўзбекчалаштиришнинг ўзига хос машаққатлари ҳам бор. Агар атама янги олинаётган ва уяси бўлмаган ҳолатда келса, унинг чораси осон. Масалан, *доза* — *ўлчам*, *лимит* — *чекланма*, *реваниш* — *ўн*, *силос* — *қўқ ашитма*, *функция* — *иш*, *юмуш* деб ўзбекча мос нусха тавлаб кетаверилади. Аммо шундай атамалар ҳам борки, улар атамалар учун ё ўзақ вазифасини ўташи, ё бирикма атама таркибига кириши мумкин. Бунда иш атамалар уясини тўла ҳисобда тутиб, ўзбекча атама танлаш ёки ясашга тўғри келади. Ўзбек тилида *мороженое* атамаси ўрнига *музқаймоқ* атамаси олинган. Тан бериб айтиш керакки, жуда чиройли сўз ясай олинган. Бироқ ундан ясалиши мумкин бўлган бирикмаларни ҳисобга ола билинмаган. Ахир *сутли музқаймоқ* (?), *қаймоқли музқаймоқ* (?), *шоколадли музқаймоқ* (?), *пломбирлик музқаймоқ* (?), *шарбатли музқаймоқ* (?) каби унинг турини билдирувчи бирикмаларни тузиб бўлмайди-ку. Асли атама танлаган одам *мороженое* сўзидаги музлатилганлик маъносини эътиборда тутиши керак эди. Шунинг учун ҳам немис ва инглизлар уни *айс* (*муз*) деб қўя қолишган. Биз ҳам шулардан келиб чиқиб, *яхак*, *музак*, *яхлама*, *музлама* сўзларидан бирини атама сифатида танласак ҳам бўлаверармиди?

Ўзбек тилида яна *моделизм*, *модель* ясамоқ, *модель* ясаш, *модель*, *моделли*, *моделчи* деган бир уяга кирувчи атамалар бор. Улар учун соф ўзбекча атама танланар экан, албатта, шу уя учун ўзақ бўлган *модель* атамасини эътиборда тутиш ва у уядаги бошқа атамаларга асос бўлишини ҳисобга олиш керак. Унинг учун *бичим* сўзи мувофиқдир. Шунда ундан *бичимли*, *бичимлик* атамаларини ясаш мумкин. Фёъл туркумидаги *модель* ясамоқ, *модель* ясаш атамалари эса *бичимлиламоқ*, *бичимлилаш* деб олинади. *Моделист* атамаси ўрнида эса *бичувчи* атамаси берилади. Худди шу масала М. Абдусаматовнинг юқоридаги мақоласида алоҳида эътибор билан қаралган бўлиб, унда форслар *донестан* (*билмоқ*) фёъл ўзагидан етти атама ясаганлиги ва

шу усулдан фойдаланиш зарурлигини маслаҳат беради, бунга қўшилиш фақат фойда келтиради.

— Агар атамалар *импорт* ва *экспорт* каби қарама-қарши маъноли жуфтликка эга бўлса, нусха танлашда, албатта, шу хусусият эътиборда тутилади. Яъни, улар *киритув* ва *чиқарув* деб ўзбекчага ағдарилади.

Айрим атамалар соф ўзбекча нусхаси билан алмаштирилар экан, уларда ҳамма вақт бошма-бош сўз келиши шарт эмас. Масалан, *подставка* атамаси гарчи айрим адабиётларда шундайлигича берилган бўлса ҳам, кўпгина адабиётларда соф ўзбекча нусхалари билан берилади. Унинг ўрнида *тирак*, *тиргак*, *айри поя* каби атамалар қўлланган. Бу атамаларнинг ҳар бири ҳам ўз қўлланган ўрнида *подставка* атамаси маъносини тўла қоплай олади. Бироқ шу русчадан олинган атама дераза остидаги тахтачани, тувак ёки идишлар остига қўйиладиган нарсани ҳам билдиради. Бу тушунчани юқоридаги тўрт атама ифода этолмайди. Бу ўринда *подставка* атамаси ўрнида *тағлик* сўзини қўллаш мумкин. Руслар *ключ* атамаси остида лингвистик лугатлар кетида сўзларнинг бошқа алфавитда ёзилишини кўрсатувчи рўyxатини ҳам тушунадилар. Уни ўзбек лугатчилари *калит* сўзи билан эмас, *очқич* ясамаси билан бериб жуда тўғри қилишган.

Справка атамаси ўрнига *маълумотнома* атамаси берилишининг яна бир ноқулай томони бор. У ҳужжат сифатидаги *справка* атамасининг ўрнини босади. Аммо бирор кенгашда нотик нотўғри, асоссиз фикр айтаётган бўлса, унга бошқа нотик ўша фикрнинг нотўғрилигини кўрсатувчи асос келтириш керак бўлса-чи? Шу асосни ҳам *маълумотнома* деб айтадими? Ахир нутқ нома эмас-ку? Келинг шу қисмини олиб ташлайлик, *маълумот* ўзаги ҳам айни мақсадга бориб тегмайди. Агар унинг ўрнида *англатма* берилса, кейинги мақсад ҳам эътиборга олинган бўлади. Ёки "Қутадғу билик"да қўлланган *билдирги* атамасини тиклаш мумкин. Буида *справочник* атамасининг ўзбекчалаштиришга ҳам эришилади. Яъни: *англатмалик* ёки *билдиргич* деб берилади. Қўрдикки, атамани ўзбекчалаштиришда уни барча нутқ турлари нуқтан назаридан ҳам, ундан ясалиши керак атама нуқтан назаридан ҳам эътиборга олиш зарур.

Бир атама соф ўзбекчага ранг-баранг қилиб олиниб, тилда бир неча нусхада бўлиб қолмаслиги керак. Тилда айни бир тушунчани билдирувчи бирдан ортиқ атама бўлиши салбий ҳодиса. Масалан, медицинадаги илмий асарларда қўлланиладиган *тиф* атамасини ўзбек тилида *терлама* деб, *сипной тиф* атамаси

тепкили терлама, брюшной тиф атамаси ич терлама деб аталади. Ҳозирги кунда *брюшной тиф атамаси* ичак тифи, қорин тифи, ичак терламаси нусхалари билан атала бошлади. Бу, албатта, медикларни русчада ўқитилаётганлиги, улар ўртасидаги мулоқат, касаллик тарихини қайд этиш фақат рус тилида бўлаётганининг натижасидир. Қизиги шундаки, шифокор касал билан ўзбекча гаплашса ҳам ўз ҳамкасби ёки юқори мартабадагилари келса, турган гапки, улар билан русча мулоқот қилишади. Билмадим, бу шифокорликни намоиш қилувчи баландпарвоз муомалами? Ундай бўлса, камтар бўлиш айниқса шифокорга фазилятгина эмас, зарурият-ку?! Мана шу қусур шифокорларни ўз тилидаги атамалардан йироқлаштириб юборган. Бу шифокорлар ўртасидаги гапга сир бағишламайди, балки русчани чала биладиган бемор ўз касаллигидан ваҳима қилишига сабаб бўлади.

Атамалар ҳамма вақт тушунчага тенг келади. У субъектив ифода бермайди. Шунинг учун айрим сўзлардан ўхшатишга асосланиб, атама сифатида қўллаш яхши натижа бермайди. Масалан, рус тилидаги *компост* атамаси ўзбек тилига вақтли матбуот, телекўрсатув ва радиода *гўнг шарбати* деб берилади. Бу ўринда *шарбат* сўзи ноўрин қўлланган. Унда ижобий муносабат бор. Унинг ўрнида бирор ясама сўз ёки бирикмадан фойдаланиш мумкин эди. Айтайлик, *гўнг оқизмаси* бўлса, бемалол кўзланган ифода ўз аксини топаверарди, бунинг устига у соф ўзбекчадир. Бу билан мен, сўз кўчма маъноси воситасида атама бўла олмайди, демоқчи эмасман. Масалан, *қулоқ* сўзи ариқнинг сув очиладиган боши, қозон ва бошқаларнинг тутқичи кабиларни билдириши билан ҳам деҳқончилик, ҳам уй буюмлари соҳасида атамандир. Чунки улар ўзи атаган нарсaga нисбатан субъектив муносабат англатмайди. Аксинча, бундай атамалар ўзлаштириш учун қулайдир.

Рус-интернационал атамаларни соф ўзбекчаси билан алмаштириш мўлжалланар экан, унинг қўлланаётганига нисбатан тушуварли, чиройли, исми-жисмига монанд ва ихчам бўлишини таъминлаш зарур. Акс ҳолда, атамалар қар қанча субъектив бўлмасин, ўз ўрнини топмайди. Масалан, ТошДУ доценти К. Маҳмудов *торт* атамаси ўрнига *қандолат қатлама* бирикмасини тавсия қилган. У аслига нисбатан олти ҳисса катта, исми жисмига номосдир. Чунки у *қандолат* эмас, шунингдек қатлама ёғлиқ ва қаттиқ бўлиб, торт юмшоқ ва шириндир. Бизнингча, *болишма* деб олсак, ҳам ихчамроқ, ҳам бол сўзидан олинган *болиш* сўзи унинг негизи бўлади. Бу атама унинг хусусиятларини тўла ифодалай олади.

Атамаларни соф ўзбекча танланганда, унинг ўзаги номлана-

диган нарсанинг муҳим белгисини ифода этиши керак. Унинг қўшимчаси номланадиган нарса моҳиятини билдирсин. Ясама шундай табиий бўлиши керакки, уни биринчи эшитган одам ҳам худди эскидан билгандай қабул қилиб, қийинчиликсиз англай олсин. Масалан, ҳаракат ёки ҳолат билдирадиган атамалар ўзаги ўз-ўзидан феъл ясовчи ҳаракат номи қўшимчаси бўлади: *туташув* (контакт атамасининг электр ўтказгичларга нисбатан қўлланиши назарда тутилади), *киритув* (импорт), *чиқарув* (экспорт), *тезлатув* (интенсификация), *текширув* (контроль), *ёюв* (эскпансия) каби. Восита бўлувчи нарсаларни билдирувчи атамалар ўзаги ҳам ҳаракат ёки ҳолат ифода этиб, улар қўшимчаси белги характерли — *ма* от ясовчи бўлади: *қадама* (кнопка), *қистирма* (скрепка), *чеклама* (лимит), *кўрсатма* (инструктаж), *кўк ачитма* (силос), *болишма* (торт) каби. Иш бажарадиган буюмни билдирувчи атамалар ўзаги ҳам ҳаракат ифода этиб, улар қўшимчаси ижро ифодали — *гич* от ясовчи бўлади: *қисқич* (прищепка), *тўғнатқич* (скобовитикатель), *тешикчи* (диракол), *қиймалагич* (мясорубка), *шарбатлагич* (соковижималка), *туташтиргич* (включатель), *чакичлагич* (компостер), *текиширгич* (контролёр) каби. Худди шу характерли ясамалар яна ўшандай маъноли ўзақли феълларга — *ки* қўшимчасини қўшиш орқали ҳам ясалади: *кертки* (окучник), *туртки* (импульс), *тепки* (педал) каби.

Атамалар яшаш масаласи фақат юқорида кўрсатилганларнинг ўзидан иборат эмас. Унинг материали ҳам, усуллари ҳам кўп. У алоҳида илмий таҳлилли қўлланишни талаб қилади. Шуни ҳам айтиш керакки, 20-йилларда ҳам соф ўзбекча атамалар яшаш учун ўзига хос уринишлар бўлган. 1924 йил Элбекнинг "Янги беш юз сўз" номли луғати ҳам чоп этилган. Шу луғатдаги 2тама сўзларнинг ярми, яъни 250 талар атрофидагиси ҳозир актив қўлланади. Қолган ярмининг 150 лар атрофидагиси атамалар ичидан мажбуран чиқариб юборилган, улар ўрнига рус-интернационал сўзлар алмаштирилган. Кейинчалик Элбекни миллатчига чиқаришда унинг шу луғати ҳам сабаб бўлган эди. Аммо луғатдаги атамаларнинг ўзбек атамалари хусусиятига мос, ихчам, изчил эканлиги ўша даврда бу соҳада анча ытуқларга эришилганликдан дарак беради. Луғат ҳақида алоҳида таҳлил беришни мақсад қилганим учун, бу ўринда ортиқча тўхташни лозим кўрмадим.

Ўзбек тили бойлигининг катта қисмини ташкил қилган атамалар киши мулоқотида ўзига хос аҳамиятлидир, чунки уларни четлаб ўтиш мумкин эмас. Атамаларнинг асосан ўзлашма сўзлардан иборатлиги муомалада қийинчилик туғдиради. Атамалар субъектив бўлиб, уларни яшаш учун ўзбек тили имкониятлари

ниҳоятда кенг. Шунинг учун уларни соф ўзбекчага иложи борица ўтказиш керак. Бу Ўзбекистон фуқароси бўлган ҳар бир зиёлининг виждоний бурчидир.

ТОШКЕНТ НОМЛАРИ, НОЛАЛАРИ...

Жой номлари муайян бир территориянинг ўтмиш тарихи, маданияти, ҳунармандчилиги, ер ҳурилиши, тузилиши, юзаси ҳақида маълумот берувчи ҳужжатдир. Икки минг йиллик тарихга эга бўлган Тошкентдаги жой номлари ҳам мана шундай қимматга эга. Аммо бу номлар яқин 40 йиллар ичида маҳаллий аҳоли хотирасидан бутунлай ўчириб ташлана бошлади. Бунинг учун турли сабаблар роль ўйнайди: булар 50-йиллардан Тошкентнинг, айниқса, Ғарбий, жанубий ғарбий, шарқи жануб ва шарқ қисмлари, улар атрофидаги қишлоқлар қайта қурилиши билан шаҳарнинг кенгайиши, тарихий номлар атоқли кишилар номлари билан алмаштирилиши ва кўплари ўрнини рамз номлар ола бориши ҳисобланади. Бунинг орасида Юнусобод ва унинг атрофидаги, Чилонзор, Акмал Икромов, Куйбишев районларидаги тарихий жой номлари бутунлай унутилди. Айниқса, Чилонзор районидаги жой номлари деярли эслаб бўлмас даражага келди. Биз қадимий қўлёзмаларимизнинг ўғирлаб кетилганлиги, таланганлиги, турғунлик йилларидаги жоқиллик натижасида ёқиб юборилганлиги ҳақида куйиб-ёниб, ўртаниб гапирамиз. Ахир улар маданий меросимизни ардоқлаб келаётган воситалар эди. Бироқ айни пайтда қадимий жой номлари ҳам мана шу қўлёзмаларга тенг қиммати бўлган, тарихий тадқиқотлар учун материал берувчи мерос эканлигини унутмаслик керак. Улар ҳозирги жой номларига ўхшаш маълум шахсни абадийлаштириш учун маъмурият томонидан қўйилган, бирор съезд ёки кенгашни нишонлаш мақсадида белгиланган, олди-қонди сиёсатни пеш қилиш мақсадида танғаланган, номланиши учунгина атаб ташланаверган ғайри тил, маъноси-ю тутуриги йўқ субъектив номлар эмас. Тарихий номларни белгилашда маъмуриятчилик роль ўйнамаган. Улар ўша ернинг ижтимоий ҳаёти билан боғли ҳолда, муҳим белгисига қараб, тарихий ҳодисаларидан келиб чиқиб ёки нимасинидир эслаб кишилар томонидан номланиб кетишар эди. Тарихда ҳам шахс билдирувчи жой номлари бўлган, яъни *Юнусобод, Назарбек, Шайхон Тоҳир, Ниёзбек, Миробод* каби. Бироқ булар маъмурият буйруғи билан белгиланмаган. Шу номли кишилар ўз даврида ўша ерга асос солган ёки ободончилиги учун маблағ сарфлаган, бошчилик қилган шахслардир. Шунинг учун фуқаро ўша жойни эгаси номи билан атаган. Жой номлари асосан шундай туғилиши керак. Шундай яралган жой номларини

йўқотиш яратилган шоҳ асар қўлёзмасини ўтга ташлаш демакдир. Жойлар қайта қурилганда ҳам, таниб бўлмас даражада ўзгартириб юборилганда ҳам улар номини ардоқлаб қолиш жоиз. Уларга бўлган эҳтиётсизлик гумроҳлик ҳисобланади.

Юқорида биз айтган фикрларни такрорлаб истаганча сўзамоллик қилиш мумкин. Аммо кейинги шаҳар қиёфасидаги бекиёс ўзгаришларни ҳам эътиборда тутиш зарур. Бугунги кунда Тошкент оралаб кезган киши аввалги шаҳар қиёфаларини деярли кўра олмайди. Ҳозир аввалгидаги каби кичик маҳаллалар, беш олти киши ёйма савдо қиладиган гузарлар, тор ва қингир-қийшиқ кўчалар деярли йўқолиб кетган. Улар ўрнида чақиримлаб чўзилувчи кенг кўчалар, муҳташам бинолар, кўп қаватли уйлардан таркиб топган ўрамлар, чорраҳалар, майдонлар, хиёбонлар, автостанциялар пайдо бўлган. Аввалги жой номини шундайлигича ўша ерда сақлаб қолиш маълум даражада жумбоқларни келтириб чиқаради.

Тошкентнинг янги қиёфаси шаҳарга Европача қурилишларнинг кириб келиши орқали шаклланди. Шунга яраша унда йўл ва шаҳар бўлаклари типлари таснифи, шу таснифга асосан номланишлар ҳам юзага келди. Масалан, йўллар магистрал, кўча, проезд, тупик каби босқичли типларга бўлинди. Магистрал-шаҳарни кесиб ўтган кенг ва тўғри йўл, кўча эса шаҳарнинг асосий қатнов йўли, проезд кўчаларни туташтирувчи оралиқ йўл, тупик-боши берк кичик кўча ҳисобланади. Бу деган сўз йўлнинг бу типларини атовчи ўзбекча номлар йўқ эди дейилгани эмас. Улар бор эди, яъни: магистрал сўзи ўқкўча, тупик сўзи жинкўча деб аталган. Жинкўча атамаси яқиндан бери яна газеталарда қўллана бошлади. Менимча, бутунлай шу атамага кўчиш пайти келди. Жинкўча атамасини афсонавий махлуқ маъноси жин сўзидан деб ўйламаслик керак. Жинкўча атамасининг жин қисми кичик деган маънони беради. У тилимиз тарихида қўлланган жигин сўзининг ихчамланмасидир. Бу сўз ҳозир ҳам болалар тилида жигина шаклида қўлланади. Кўча сўзи эса ўзи ўзбекчадир. Проезд сўзи русча бўлиб, ҳақиқатда ўзбекча варианты йўқ. Лекин унинг ўрнида ўтма, ўтув, белкўча каби сўзлардан бирини қўллаш мумкин. Шаҳар районларга бўлинган, районларда эса бир ва ундан ортиқ массивлар мавжуд. Улар таркибида бир қанчадан кварталлар бўлади. Ҳозир район сўзи ўрнида ноҳия сўзи қўлланяпти. Бироқ ноҳия сўзи тарихда биз қўллаган тушунчада қўлланган эмас ва у арабча сўз. Тарихда "район" тушунчасида туман сўзи қўлланган. Бу сўз ўн мингги билдирувчи сондан олинган. Ўша вақтда ҳам ҳар туманда ўн минг киши яшаган эмас. Унинг ҳар биридан ўн минг жангчи олинган. Албатта, бу маъно ҳозир сақланмаган,

лекин анъанага кўра *туман* сўзини тирилтириш ва қўллаш яхшироқ бўлади. Бунинг устига у соф ўзбекча. *Массив* сўзи ўрнида эса 30-йиллар *шаҳарча* сўзи қўлланадиган эди ва ҳозир ҳам уни қўллаш тушунарли ва айни муддаодир. *Квартал* сўзи ҳам ўрам сўзи билан алмаштирилса, у ўз сўз эканлиги билан тўла тушунарли. Район сўзи ўрнида матбуот ноҳия сўзини оммалаштиряпти ва мен *туман* сўзини тавсия этяпман; шу ўринда тарихан уни даҳа деб юритилгани, Тошкент эса Шайхан Тоҳир, Себзор, Бешоғоч, Кўкча даҳаларига бўлинганини ҳам ҳисобга олиш керак. Яъни *район* сўзи ўрнида асл туркийча *туман* сўзини ҳам, Тошкент тарихи ҳурмати учун даҳа сўзини ҳам қўллаш мумкин, арабчадан олинган ва маънан номос ноҳия сўзини қўллаш эса ноўрин деб ҳисоблайман.

Тошкентнинг ҳозирги маъмурий бўлиниши ҳақида сўз юритадиган бўлсак, унинг қадимги тўрт даҳасини эса тутиш ва номларини ҳам унутмаслик керак. Шу даҳалар ери ҳозирги Октябрь, С. Раҳимов, А. Икромов, Чилонзор район ерларига маълум даражада мос келади. Шунинг эътиборда тутиб Шайхан Тоҳир, Себзор, Кўкча, Бешоғоч номларини даҳа номи сифатида қайта тиклаш жуда яхши бўлар эди. Бунда кейинги пайдо бўлган районлар, яъни даҳалар номланиб, улар ёнига қўшилиши Тошкентнинг қандай ва қайсига томон кенгая борганини кўрсатиб турарди. Бунинг устига мазкур даҳа номлари Тошкентнинг ажойиб ўтмишини ҳикоя қилувчи ёдгорлик ҳамдир.

Мен даҳа номи сифатида амалдаги Фрунзе, Киров, Куйбишев, Ҳамза номлари бўлиши билан ҳеч келиша олмайман. Даҳаларни номлаш учун, менимча, ўша даҳаларда тарихан мавжуд *Миробод*, *Юнусобод*, *Қўйлиқ*, *Ракат*, *Мингўрик*, *Дархонариқ*, *Яланғоч* каби жой номларидан фойдаланиш мақсадлагидек бўлармиди? Яқингинада Тошкентга янги Назарбек даҳаси қўшилди. У Тошкент ёнгинасидаги Нариманов номли шаҳар типли жой ҳисобланарди. Уни Тошкентга қўшиб юборилар экан, эски Назарбек номини тиклаш маъқул кўрилди. Чунки у Назарбек номи билан асрлардан таниқли қишлоқ бўлган. Масалага шундай ёндошиш илмий нуқтаи назардан ниҳоятда тўғри ҳисобланади.

Даҳалардаги шаҳарчалар шу ернинг қадимий номини тиклаган ҳолда аталиши маъқул. Масалан, ҳозирги *Калинин массиви* деб аталган жой қадим *Хирмонтена* номи билан танилган. Аввало бу ерларга ҳам яратилган шаҳарчага ҳам М. И. Калининнинг ҳеч қандай алоқаси бўлмаган. У ер Тошкентни боқиб турган боғ-роғлардан бири ва хирмон қилинадиган жой эди. Шунинг учун у ер *Хирмонтена шаҳарчаси* деб аталса, Тошкентнинг янги шу қисми қадим қандай жой эканлигини эслатиб туради. *Шифокорлар шаҳарчаси* номини эса *Ибн Сино шаҳарчаси* деб

аташ чиройлироқ чиқади, чунки бу ҳам Ибн Синога бўлган ҳурмат; ҳам ундан "шифокорлар" маъноси англашилари бўлади. *Ибн Сино* номи *Калинин массиви* номи ўрнига яқинда алмаштирилди. Бироқ бу *Ибн Сино* деб аталиш учун мос эмас. Шулар қатори *Бешқайрағоч*, *Қурбақабот*, *Оқтепа*, *Ишчилар*, *Профессорлар*, *Студентлар*, *Қорақамиш* номи билан юритилувчи шаҳарча (массив)лар эса ўз номини топган. Шулар тизимида яна *Сарикўл*, *Нижёзбек*, *Қаймоқ бозор*, *Ертешган*, *Подахона*, *Жаркўча*, *Оқилон*, *Каттаҳовуз* каби бир қатор жой номлари ўша ерларда бунёд этилган шаҳарчалар номига кўчиши Тошкент жой номларининг ўзига хос шаклланишини кўрсатишда муҳим аҳамият касб этган бўларди.

Кейинги йилларда Тошкентда кўплаб квартал номи билан аталувчи турар жой бинолари гуруҳлари шакл топмоқда ва улар сони ҳам кўпайиб бормоқда. Бу бинолар гуруҳи бошқаларидан тўрт томонида катта кўчалар кесиб ўтганлиги орқали ажралиб туради, яъни катта кўчалар билан ўралган бўлади. Шунга кўра мен шаҳарнинг бу бўлакларини ўрам дейишни тавсия этдим. Қизиғи шуки, Тошкент шаҳаридаги бу ўрамлар номсиз бўлиб, рақамлар орқали белгиланади: Ц —1, Ц —17, Ц —24 каби. Аввало бу Ц ҳарфи ўзбек сўзидан қисқартиб олинган эмас ва ҳеч нарсани билдирмайди. Бунинг устига рақамлар ҳам маълум тартибда берилган эмас. Мусофирлар бу рақам бўйича истаган жойларини топиб олиши қийин ва улар Тошкент характери ҳақида ҳеч нарсани билдирмайди. Бунинг устига Чилонзор даҳасидаги ўрамлар бошқа, Юнусобод шаҳарчасидаги ўрамлар бошқа рақам тартибларига эга. Булар ундан бадтар чалкашликларни келтириб чиқаради. Унинг ўрнига бу ўрамлар шу ердаги қадимий жой номлари билан аталса, ҳам шаҳар жойлари номланиш характери учун, ҳам эса қолдириш учун, ҳам тарих учун аҳамияти бор эди. Масалан, Ц —13, Ц —14, Ц —15, Ц —16 ўрамларини қайта қурилишигача бўлган *Қошиқчилик*, *Дероз*, *Жаркўча*, *Қоратут* деган маҳалла номлари билан аташ керак. Шунда шу ерларнинг қадимий муҳим белги ёки шу ерда қандай қосиблик тарқалганлиги ўз дарагини бериб турарди. Шунга ўхшаш рақам билан белгиланган қатор ўрамлар борки, яқин ўтмишигача улар ўрнида *Шокингузар*, *Тахтамул*, *Лайлактепа*, *Каттабозор*, *Йўларик*, *Подахона*, *Қашқармаҳалла*, *Отчопар*, *Отбозор*, *Чархчилик*, *Пичоқчилик*, *Лайлакобод*, *Баландмачит*, *Ғишткўприк*, *Чигитбоши*, *Тегирмонбоши* номлари билан аталган гузарлар, майдонлар, бозорлар, маҳаллалар бўлган эди. Жой номига нисбатан шу жойлар моҳиятан ўзгариб кетган бўлса ҳам, улар шу ер тарихи даракчилари бўлиб қолади. Айниқса, маҳалла номлари ўша маҳаллада кенг тарқалган касб-ҳунар

номи билан боғли бўлиб, Тошкентнинг қадимий ижтимоий ҳаётини кўрсатиб туради. Бунга *Эгарчи, Уқчи, Милтиқчилик, Тақачилик, Чархчилик, Пичоқчилик, Дегрез* маҳалла номларини кўрсатиш мумкин. Маҳалла номлари ичида яна *тарнов боши, қайнама ариқ, жар, қулоқ, сув, ҳовуз, қудуқбоши* сўзлари қўшилишидан тузилган, Тошкентнинг сув таъминоти ишлари билан боғли номлар ҳам кўплаб учрайди. Шунингдек, *тут, ёнғоқ, чинор, оғоч* сўзлари қўшилишидан ясалган жой номлари ҳам анчагина бор. Бу Тошкентда шу дарахтлар муқаддас, белгили, эътиборли эканини кўрсатади. Яна Тошкентнинг ўтмишда боғ бўлган жойларини эслатувчи *олмазор, бодомзор, мингўрик, қатортерақ* каби жой номлари ҳам кузатилади. Бу жой ва маҳалла номларини излаб топиш, уларни ўша ер ўрамларига бериш, абадийлаштириш ҳозирги куннинг энг зарур вазифаларидан бири ҳисобланади. Чунки, Тошкентнинг бу қайта қурилиш тезлиги бўлса, шу ўн йиллик ичида унинг тарихий жой номлари мутлақо тиклаб бўлмас даражага келади. Чунки бузилиб кетган маҳалла номларини билувчи авлод ҳозирнинг ўзидаёқ ниҳоятда қариб қолган. Ўша маҳаллаларни кўрган ўрта ёш авлод улар номини унча яхши билмайди. Чунки 30-йилларданоқ маҳалла номлари янгича сиёсий шиор типигаги номлар билан алмашинган ва улар адрес қимматини кўча номларига бериб қўйган эди. Шундай қилиб яқин келажакда Тошкент ҳақидаги қўлёзмаларда берилган жой номларини аниқлаш жумбоғи пайдо бўлиш хавфи яралмоқда. Шунинг учун шу йиллардан кечикмай ўзбек тили ва адабиёти илмий текшириш институти диалектологларининг шу бир-икки йиллик иш режаларини; ТошДУ ўзбек филологияси факультетининг икки уч йиллик диалектологик экспедициясини шунга сафарбар этиш ниҳоятда зарур. Уларни ўша ерларда қайта тиклаш имкони бўлмаган тақдирда ҳам, рўйхатга олиб, аниқ ўринлари ва хусусиятларини изоҳлаб қўлинади. Уларни "Тошкент жой номлари" сифатида нашр этиш ҳам мумкин бўлади. Ишончим комилки, агар шундай қилинса, у ниҳоятда қимматли тарихий ҳужжат сифатида ўз қадрини топган бўлур эди.

Тошкентнинг бундай майда жой ном (микротопоним)ларини қайд этувчи ҳужжатлар инқилобгача ва инқилобдан кейин ҳам мавжуд бўлган. Илгарилари улар асосан солиқлар муносабати билан қилинган. Бироқ улар хонадон адресини белгилаш учунгина роль ўйнайдиган жой номлари рўйхатидан иборат эди холос. Бу рўйхатлардан майдонлар, гузарлар, от-улов бекатлари, йўловчи учун белгили жойлар номлари ўрин олмай қолган. Айтиш мумкинки, уларда жой номларининг бешдан бири ҳам қайд

этилмаган. Шуни назарда тутиб, тезроқ ҳаракат қилинмас экан, шу йиллар ичида кечикиб қолиш ҳеч гапмас.

Ўрганиб аниқланган маҳалла номлари билан ҳамма вақт ўрамларни номлаш имконияти бўлавермайди. Аввало ўрамлар икки-уч маҳалла ўрнида барпо этилади ёки уларни эски номлар билан аташ мумкин бўлмай қолади. Бундай ҳолларда ўша ердан ўтувчи транспорт бекатини номлашдан фойдаланиш мумкин. Биламизки, Тошкентда транспорт турлари ҳам, уларнинг қатнов йўллари ҳам сон-саноқсиз, бекатлари ҳам шунга яраша.

Тошкент эски шаҳарининг каттагина қисми (ярми десак хато бўлмас) ҳали эски қиёфасини ўзгартирган эмас. Бунинг устига оилаларга якка тартибда берилган ҳовлиларнинг янгича типда қурилганлари ҳам эски шаҳардаги каби маҳалла қиёфасида шакл топтирилган бўлиб, уларнинг умумий сатҳи эски шаҳарнинг сақланган қисмидан анча катта. Шу эски шаҳар ва янги барпо қилинган жойлардаги маҳаллаларнинг номланиши анчагина чигалликларга эга. Айниқса, эски шаҳар маҳаллаларининг аввалги номлари янги шўровий номлар билан алмаштириб юборилди. Бунда кўпроқ Марказий Комитет бюроси аъзолари, саркардалар номлари асосий эътиборда турди: баъзан бу номлар маҳаллаларни номлаш учун етмагач, *Фрунзе —1, Фрунзе —2, Фрунзе —3* каби номлар ҳам юзага келди. Яна *Зарбдор, Баҳодир, Қизил Қўшин, Қизил Партизан, Шарқ Юлдузи, Ленин йўли, Қизил Байроқ, Коммунизм, Шарқ Тонги* каби маҳалла номларини ҳам кўплаб кўриш мумкин. Турган гапки, шу вақтгача давом этиб келаётган мазкур номлар Тошкентнинг ўтмиши ва ҳозирги жамоли ҳақида ҳеч нарсани билдирмайди. Бунинг ўрнига тарихан аталиб келган *Кадобод, Ҳалимқўп, Ёв, Пуштиҳаммом, Ҳофизқўйи, Тегирмонбоши, Чигитбоши, Чувилдоқ, Охунгузар, Зарқайнар, Лайлақобод, Лайлакмаҳит, Шокингузар, Чақичмон, Қўштут, Қилбелбоқ, Гуручариқ, Каллахона, Парчабоб, Заргарлик, Лангар, Пахтани, Қорасарой* каби номлар Тошкент ҳақида жуда кўп нарсаларни сўзлаб турган бўлармиди?

Тошкентда кўчалар тарихи номланган эмас, чунки унинг зарурияти бўлмаган. Фақат руслар бостириб кирганларидан кейин шаҳарнинг янги қурилган қисмидаги ва бошқа шаҳарларга олиб чиқарувчи ўққўчалар номлана бошлади. Шунда ҳам эски шаҳар кўчаларида ном йўқ эди. У 30-йилларнинг ўрталаридан бошлаб шаҳардаги барча кўчаларга қўйилди. Уларнинг айримлари маҳалла номларидан олинган бўлса ҳам, кўпчилиги атоқли кишилар: олимлар, шоирлар, сиёсий арбоблар, саркардалар номи билан аталди. Шуни ҳам айтиш керакки, русларнинг Тошкентда ўз номидаги кўчага эга бўлмаган сал номи чиқиб қолган кишиси

қолмади. Масалан: *Немирович-Данченко, Базин, Золотарев, Морозов, Дубенко, Сломин, Бошманов, Корнилов, Карамзин, Лубенцов, Давидов, Саркисов* ва ҳоказо. Ҳаттоки Туркистоннинг босиб олинишида ўз жаллодлиги ва ўзбек халқини камситувчи расмлари билан танилган *Верешчагин* номи ҳам кўчалардан бирига берилди. Ваҳоланки, тошкентликлар учун тер тўккан *Манноб табиб* кўчаси ва травматолог *Калкомил* номидаги жойдан улар номи йўқотилди. *Нурилла табиб* ва *Пучук табиблар* номи ҳақида-ку ўйлаб ҳам кўрилган эмас, ҳозир уларни ҳеч ким танимаса керак. Ҳатто, айрим кўчалар рус сўзлари билан *Прядильный, Месткомский, Жалоб, Свежинский, Леночный, Подарочный, Кузнечная, Строительная, Керамзитная, Тракторная, Полевая, Питомная, Весна, Зеленая, Читинская, Дружба, Товарная, Путепровод* деб аталади. Қизиги шуки, бу номлар кўпроқ ўзбеклар яшайдиган кўчаларга берилган. Сийсий арбоблар номи билан аталган кўчалар тақдирига кулишингни ҳам куйишингни ҳам билмайсан. марказий кўчалардан бири *Сталин* номи билан аталган эди. Кейин у *Волгоградский* бўлди, энди эса *Х. Сулаймонова* деб аталмоқда. Кўринадики, кўча номларига бунчалик бефарқ қараб бўлмайди. Уни ҳар томонлама ўйлаб, ўзгармаслигини ҳисобга олиб, шу кўчанинг қайсидир қисмида қўлланган жой номига асосланиб, соф ўзбекча сўзга асосланган ҳолда белгилаш яхши натижа беради.

Жинкўчалар Тошкентнинг, айниқса, эски шаҳар қисмида кўп. Улар баъзан махсус ном билан, баъзан рақам билан белгиланади. Уни бир хил ҳолга келтириш зарур. Менимча, рақам билан белгиланиши манфаатлироқ бўлади. Чунки жинкўчалар маълум кўча бўйлаб бирин-кетин жойлашган бўлади. Уларнинг рақамига қараб осон топиш имконияти туғилади. Жинкўчалар номланганда эса уларни топиб олиш қийинлашади. Ҳар ҳолда ҳамма нарсанинсон манфаатига асосланиши шарт.

Ҳозирги даврда Тошкентдаги муҳим кўприкларни номлаш одати йўқ, аммо тарихда халқ уларни номлаган эди. Масалан: *Хотин кўприк, Алвастин кўприк, Урда кўприги, Бешоғоч кўприги* каби. Бунинг ҳам ўзига яраша аҳамияти бор. Чунки бир катта сувнинг ҳам бир кўчанинг ҳам бирдан ортиқ кўприги бўлиши мумкин. Айрим асар ёки расмий ҳужжатларда уларни аниқ ифодалаш учун бундай кўприкларни номлаш керак бўлади. Агар сувлар устидаги йирик кўприкларни эътиборда тутилса ҳам. Тошкентда 15 атрофида йирик кўприк бор. Бундан ташқари йўллар устидан ўтган темир йўл кўприклари ва темирйўл устида қурилган кўприклар ҳам бир неча. Уларнинг архитектураси, қурилиш усули ва вазифасига қараб аталса, келажак учун бирор эсдалик берган бўларди. Ахир ўйлаб кўриш керак: нима учун *Алвастин кўприк* ва *хотин кўприк*? Булар ўз ўтмиши ёки қурилиши ҳақидаги ниманидир хабар қилса, ажаб эмас.

Кўп йиллик кузатишлар шуни кўрсатдики, шаҳарнинг ҳамманинг онгига тамға каби ўрнашиб қолган майдонлари номини ўзгартиришга бўлган ҳаракат ҳамма вақт зое кетар экан. Масалан, *Бешоғоч майдони* номи *Комсомол майдони* деб, кейин эса *Беруний майдони* деб ўзгартириб кўрилди. Бир қанча вақтгача бу номлар трамвай, троллейбус, автобус пешонасига ҳам ёзиб қўйилди. Бироқ ҳеч ким бу номлар билан шу майдонни танимади. Таниганлар бўлса ҳам, уни янги номида атамади. Чунки *Бешоғоч майдони* шу номи билан кишиларнинг қон-қонига сингиб кетган эди. Ваҳоланки, ўша давр сиёсатига кўра *Комсомол* сўзи жуда катта ихлос қозонганлиги маълум. *Беруний* номи берилганда ўзбек халқи ўз табарруқ ва буюк олимини жуда яхши танирди. Лекин булар халқ онгига сингиган номни ўзгартириш учун роль ўйнамаслигини кўрдик. *Чорсу* майдони номини ҳам *Охунбобоев* номи билан алмаштирилмоқчи бўлди. У ерда Охунбобоевнинг улуғвор ҳайкали ҳам ўрнатилди. Бироқ у ерда ҳайкал савлат тўкиб тураверди-ку, майдоннинг номини кишилар аслича атайверди. Кейин ҳайкал олиниб, ўрнига муҳташам меҳмонхона тушди. Транспортлар пешонасига меҳмонхонанинг собиқ Москва номи ёзиб қўйилган бўлса ҳам, ҳамманинг тилида бу жой ўзгаришсиз ўз номи билан қолди. Ҳатто, *Хадра* номини *Комсомол* номи билан алмаштириб кўрилди. Лекин бари бир бир неча йилдан кейин бўлса ҳам яна ўз номига қайтилди. Ҳозир эса майдон *Комсомол* номида ҳам аталганлигини деярли тошкентликлар билмаса керак. *Эскижўва майдони* номи ҳам жуда кўп асрли, халқ онгига сингиб кетган ном. Уни халқ онги, дили, тилидан юлиб ташлаш мутлақо мумкин эмас. Шунга қарамай, бу майдон ярим асрдирки *Калинин майдони* деб расмийлаштирилган. Бу ерда Калининнинг ҳайкали ҳам бор. Бу номнинг қўйилишига асос ҳам бор, чунки шу ерда М. И. Калинин оташин нутқ сўзлаган. Шу ерда қатнайдиған барча транспорт пешонасида ҳам *Калинин майдони* деб қайд этилган. Лекин бари бир бу майдон *Эскижўва* номи билан таниқли. Бу *Бешоғоч*, *Хадра*, *Чорсу*, *Эскижўва* майдонлари Тошкент юзини кўрсатувчи, Тошкентни уларсиз тасаввур этиб бўлмайдиган майдонлардир. Шунга яна *Чигатой*, *Қорасарой*, *Хастимом*, *Шайхзайниддин бобо*, *Тахтаул* каби жойлар ҳам Тошкентнинг моҳиятини билдирувчи жойлардир. Одамлар шу ерларга қараб Тошкент жамолига баҳо берадилар. Чунки бу жойлар шаҳар қатновининг маркази, у ердан киши қадамини узиб бўлмайди, транспортга ноқулай қилиб қўйилса ҳам, савдо ўчоқларини бошқа ерларга кўчирилса ҳам, гавжумлиги йўқолмайди. Афсуски шаҳар бош лойиҳасини тузувчилар шу майдонларни туташтирувчи йўللарни ноқулай ҳолатга келтириб, улар ўртасидаги қатновни қийинлаш-

тирдилар. Бари бир шаҳар аҳолиси эътиборидан бу ерлар четда қолмади, фақат бундай ношуд лойиҳачилар (мен бир амаллаб ўз иборамни юмшатиб айтдим)дан ўқиндилар, холос. Айтмоқчимизки, шаҳарнинг бош лойиҳачилари ўзларининг бош лойиҳасини режалаштирар эканлар, аҳоли учун қимматли, гавжум жойларни доим диққат марказида тутишлари, шаҳар ободончилигини унга мослаштиришлари зарур. Акс ҳолда, улар ландовур мутахассис бўлиб қолаверадилар. Шу билан бундай жойлар номига ўзгартириш киритиш учун эмас, шу номга мос режалар тузиш учун ҳаракат қилиш шарт.

Тошкентда меҳмонхона қурилар экан, уни номлашда фақат Москвадаги одатдан нусха кўчирилади. Кўпчилик биладики, Москвадаги меҳмонхоналар номи "Москва", "Россия", "Украина", "Пекин", "Алтай", "Байкал", "Белград", "Берлин", "Варшава", "Киевская", "Минск", "Ярославская" каби шаҳар ёки ўлка номи билан аталади. Тошкентда ҳам, шунга қараб "Ўзбекистон", "Тошкент", "Россия", "Ленинград" "Москва" меҳмонхоналари пайдо бўлди. Ахир Тошкент Москванинг сояси эмас-ку?! Тошкентдаги меҳмонхоналар ўзига хос қилиб, иссиқ иқлимга мослаб қурилиши ва шу шаҳар жой номларига асосланган ҳолда номланиши шарт эди. Яратганга минг қатла шукурки, шунга яқинда бир марта амал қилинди. "Москва" меҳмонхонаси номи у қад ростлаган майдон номи билан аталадиган бўлди. Бу жуда яхши. Одатда меҳмонхоналар маълум майдонлар ёқасида қурилиб, шу ер номи билан аталса, айни муддао бўлади. Чунки майдонлар қатнов, иш битириш, атроф билан танишиш, адашмай топиб келиш учун жуда қулай бўлиб, бунинг устига номи ҳам майдон билан мос. Лекин "Москва" меҳмонхонаси майдон номи билан алмаштирилар экан, афсуски, унинг номи нотўғри англаниб, "Чор-Су" деб қайд этилган. Аввало уни ўзбекча имлода қайд этиш керак эди, бироқ русча имлода бузиб берилган. Кейин майдон номи Чорсув эмас. У ерда тўртта сув йўли йўқ, айримлар айтганидай тўртта булоқ ҳам бўлмаган. Майдон меҳмонхонадан 50 м. лар шарқрода бўлиб, шимолидан кичик сой ўтарди. Унинг ғарб томонидан анча наридаги жарда биргина булоқ бўлиб, у "Укковша" номи билан машҳур эди. Яъни майдон номи сув сўзи билан мутлақо алоқасиз. У тожикча чорси сўзидан олинган бўлиб, "тўрт бурчакли жой, майдон" маъносини билдиради. Худди шу маънодаги шу ном билан Қўқон, Самарқанд, Марғилон ва бошқа шаҳарларда ҳам майдонлар бор. Жой номларига бундай тахминий аниқлик киритмай, шу номдаги барча жойларни эътиборга олиб, аниқлик киритиш илмий нуқтаи назардан асосли бўлади.

Мен "Тошкент" меҳмонхонаси номи ҳақида ҳам ўйлаб

кўрилиши керак деб биламан. Уни ўзи ўрнашган майдон номи билан атаб бўлмайди. Чунки майдон Навоий номи театрининг номи билан аталади. Буларда тарихийлик йўқ. Бу ер аввал бозор бўлиб, у жуда ажойиб номга эга эди. Бозорни халқ "Пиёнбозори" дерди. Номи таҳлилидан билиниб турибдики, бу бозорга ерли халқ ўз тоганини келтирган ва шунинг учун ном таркибда ҳоким қисм *рынок* эмас, бозордир. Шунингдек бу бозорда пиён (пьяный)лар кўп бўлган. Бу бузиб берилган тобе қисм ҳам ном ўзбеклардан чиққанлигини кўрсатади. Жуда ақлли ўйлаб топилган жой номи — бунда халқ бу ерга кимларга нарса келтириб, кимларни боққанию, улар бу ерга қандай ахлоқни етаклаб келганлигини ифодалаган.

Тошкентдаги меҳмонхоналарни майдон ва жуда бўлмаганда ўрам, муҳим жой номи билан аташ шаҳардаги жой ва бошқалар аталишининг ўзига хослигини келтириб чиқарган бўлади. Менингча, шунга амал қилиш керак.

Тошкентнинг ўн икки дарбозаси бўлган. Турган гап, бу дарбозалар ўз номига ҳам эга эди. Лекин ҳозир улар йўқ. Шу дарбозалар ўрнида улар номи билан аталувчи жойларгина қолган. Тошкент ўтмиши ва ерлари чегарасини кўрсатиб туриши учун ўн икки дарбозасининг ўрнини аниқлаш, уни белгилловчи нимадир ўрнаштириб, пештоқига дарбоза номини, бузилган йилини, ҳамда ундан чиққан йўл қаерга олиб борганлигини қайд этиб қўйилса, сайёҳлар эътиборини тортувчи ўзига хос жой бўлиб қоларди. Яна шу маҳалла ёки ўрам ҳам, у орқали йўналган йўл ҳам унинг номи билан аталиши керак. Масалан, Сағбон ва Сағбон кўчаси, Қорасарой ва Қорасарой кўчаси, Тешикқопқоқ ва Тешикқопқоқ кўчаси каби. Тошкент дарбозаси ўрнида, имкони бўлса, майдон барпо этилиб, Самарқанд дарбозасидаги каби бирор қаҳвахона, чойхона, намуналироқ озиқ-овқат ёки кийим-кечак дўкони барпо қилиниши ҳам шу ер гавжумлигини тазминлайди. Уларнинг ҳаммаси ҳам бир хил собиқ дарбоза номи билан номланиши номлар уйғунлиги ва изчиллигини белгилайди.

Тошкентдаги фақат жой номлари эмас, юқорида кўприklar, йўллар дарбозалар, меҳмонхоналар номи ҳақида ҳам тўхтаб ўтилди. Яна бир томони борки, асосан бу номлар бир неча нусхада бўлса, иложи борица соф ўзбекчасига, лозал туркийчасига эътибор қаратилиши керак. Аммо жой номларининг ҳамма вақт ҳам соф бир тилда бўлиши изчиллигини сақлаш қийин: Лекин ҳамма ҳолатда ҳам унинг табиий келиб чиққан номларини сақлаш ва абадийлаштириш мақсадга мос тушади. У Тошкент тарихи ҳақида асрлар оша ҳикоялар, ривоятлар сўзлаб авлодлардан авлодларга етади.

СЎЗ ВА УНГА МУҲАББАТ

Қайта қуришдай устивор сиёсат шарофати билан жумҳуриятимиз маънавий ҳаётида яна бир тарихий воқеа содир бўлди. Ўтмишда йўл қўйилган хатоларни бартараф қилиш борасида яна бир одил ва дадил қадам қўйилди. Она тилимизнинг узоқ вақтлар мобайнида поймол этилган ҳақ-ҳуқуқларини тиклашга кафолат берувчи "қонун" номли муқаддас ҳужжат қабул қилинди, бу қонунга кўра дилимиз ойнаси бўлган тилимиз анча илгари маҳрум бўлган мартабаси — давлат тили мақомига эга бўлди. Бу, шубҳасиз, улкан ва қутлуг воқеа, у жумҳуриятимиз аҳолисини қушнуд этади.

Бугун очиқ ва бемалол айтиш мумкин, узоқ йиллар мобайнида Иттифоқимизда миллий тилларга амалда паст назар билан қараб келинди, фақат оғиздагина тилларнинг тенглиги ҳақида жар солинди. Миллий тилларнинг тараққиётидаги тенденцияларга субъектив нуқтаи назардан ёндошилди. Тилнинг мутлақо объектив ривожланиш қонуниятлари атайлаб бузиб талқин этилди, ҳатто шу даражага бориб етилдики, "миллий тиллар бора-бора бир-бири билан қўшилиб кетади" деган ўта бемаъни, ғайриилмий ақида зўр бериб тарғиб қилинди. Илмий асосга эга бўлмаган бундай назарияларнинг оқоваси "Турғунлик" номига олган даврларнинг охиригача етиб келди. Тилларнинг кўпчилиги умумий тараққиёт учун тўсиқ бўлиши "башорат" қилинди. Таниқли тилшунос Ю. Д. Дешериевнинг йирик бир китобидаги (Закономерности развития и взаимодействия языков в советском обществе. М.: Наука, 1966, 364-бет) мана бу гаплар кимни "ҳайратга солмайди": "Ҳозирги кунда дунёда жуда кўплаб тиллар бор. Бундай кўп тиллилиқ... халқларнинг ўзаро мулоқотларининг кучайиши йўлидаги энг катта тўсиқдир... Кўп тиллилиқ инсониятнинг умумий тараққиётига кучли даражада ғов солади... Айрим (алоҳида) тиллар... бу халқларнинг тараққиётини тўхтатиб қолувчи ўзига хос ғовга айланиб қолди". Профессор Қ. Х. Хоназаровнинг бир китобида (Решение национально-языковой проблемы в СССР, изд-е второе. М., Политическая литература, 1982) кичик халқларнинг катта халқлар тилларида гапиришга эркин равишда ўтишлари натижасида тилларнинг ва халқларнинг ассимиляцияси ва бир-бирига қўшилиб кетиши юз бериши, бу жараён, уларнинг ҳаётида тарихий прогрессив англаниши айтилади (42-47-бетлар). Бу китобда яна ўқиймиз: "1927 йилда нашр этилган биринчи ўзбекча-русча луғатда бор-йўғи 9 минг сўз бор эди. 1941 йилдаги шундай луғатда — 17 минг сўз, 1959 йилдаги луғатда 40 минг сўз бор. Ҳозирда тайёрланган ўзбек тилининг изоҳли луғатида эса энди 60 мингдан ортиқ сўз бор.

Бу рақамлар миллий тилларнинг актив лугат фондида юз бераётган бойишни объектив акс эттиради" (53-бст). Бу рақамлар айни жараёнини объектив акс эттира олмайди. 20-йилларда "Ўзбек тилида бор йўғи 9 минг сўз бор эли" деб айтиш мантиқдан ҳам, адолатдан ҳам ташқаридир. Мазкур рақамлар фақатгина айни лугатларни тузган кишиларнинг қаров даражасинигина акс эттира олади. Рус тилининг миллий тиллар тараққиётига таъсирини юқоридаги каби ўта жун тасаввур ва тақдим этиш илмий гап эмас. Миллий тилларнинг бошқа тилдан сўз ўзлаштириши масаласида ҳам ғайри илмий таъсиялар, қоидалар "аратилди", ҳатто "таянч тил" деган сунъий ибора ўйлаб топилди, бунда рус тили назарда тутилди (ўша китоб 78-бст), ҳатто "таянч тил"ни белгилашда тилларнинг яқинлиги, яъни лисоний омил эмас, балки "социалистик жамиятни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришнинг умумий манфаатлари" асос қилиб олиниши керак" қабилдаги бир ёклама фикрлар илгари сурилди. Муҳтарам профессоримиз "Келажакда сўз бойлиги тўлиғича ўзлашмалардан таркиб топган миллий тилларнинг пайдо бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас" деган антиқа тезисни ҳам илгари сурдилар. (78-бст). Бундай фикр мутлақо ижобий оҳангда, табиий ҳол сифатида баён қилинган. Бундай бўлиши даҳшат-ку! Тил тараққиётининг объектив тенденциялари бундай тилнинг пайдо бўлишини мутлақо инкор этади. Мазкур фикрни, гарчи у тил қонуниятларига эид бўлса ҳам, айтишдан мақсад миллий тилларнинг лугат таркибига русча-интернационал сўзларнинг керагидан ортиқ даражада кириб келаётганлигини бир қадар оқлашга уринишдир. Аммо бундай уриниш мутлақо кераксиздир, чунки муайян сўзнинг тилда абадий ўрнашиб қолишини айни тилнинг ўз тенденциялари ҳал қилади, ўринсиз кирган сўз бўлса, вақти келиб у барибир тилдан чиқариб юборилади.

Умуман, мазкур йўналишни, миллий тилларга камситиш назари билан қарашни келтириб чиқарган нарса нима? Аввало, айтиш лозимки, тил энг мураккаб, айни чоқда бениҳоя ўзига хос ижтимоий ҳодисадир. Шунинг учун ҳам бу нодир ҳодиса, инсониятнинг буюк белгиси фақат тилшуносликнинг эмас, балки фаннинг кўптаб соҳаларининг ҳам қадим замонлардан буён ўрганилиш объектидир. "Тилда халқ руҳи акс этади". (В. фон Гумбольдт), тилда халқнинг урф-одати, яшаш тарзи, иқтисодий аҳволи, қисқаси, халқнинг бор-буди, бўй-баста акс этади. Муайян халқнинг тилини билиш унинг бутун борлигини англаш демакдир. Муайян халқ тилининг мазмуну моҳиятини идрок этиш шу халқнинг тарихию келажagini идрок этиш демакдир. Тил халқнинг бебаҳо ва муқаддас бойлигидир, халқнинг ҳар бир асил фарзанди ўз тилида собит ва ўз тилига содиқ бўлмоғи

азал-абад ҳам қарз, ҳам фарз. Буюк немис тилшуноси Якоб Гримм айтганидек, "Халқ ҳақида сақланиб қоладиган энг жонли гувоҳ — бу унинг суяги, фойдаланган иш қуролилари ёки қабри эмас, балки унинг тилидир". Халқ ўз тили ҳақида унинг ибтидосидан бошлаб маълумотга эга бўлса, бу тилнинг турфа товланишларию, таранг ва лўнда мантиқини чуқур ҳис эта олса, ўзининг узок ва мураккаб тарихини ҳам чуқур ҳис эта олади, тарихидан фахрлана олади, ўзиникидан бошқа тилларнинг ҳам муқаддаслигига, ҳар жиҳатдан ҳурматга лойиқлигига имон келтира олади. Бу эса халқнинг ўзлигини англаши демакдир. Миллий тилларга менсимай қарашдан иборат тенденциянинг пайдо бўлишига олиб келган сабаб эса ана шу нарса олдидаги, яъни халқларнинг ўзликларини англаб қолишлари олдидаги сталинча қўрқув эди, менимча. Бу сталинча қўрқув шу қадар яшовчан чиқиб қолдики, у ҳатто 80-йилларнинг бошларига қадар бўй кўрсатиб келди. Чўлпону Фитрат, Усмон Носиру, Абдулла Қодирийлардай ёруғ юлдузларни ўчирган, маҳв этган куч ҳам қўрқувнинг мудҳиш шарпалари эди. Хайриятки, қайта қуриш — янгиланишнинг ўткир ва одил нурлари бу қўрқувнинг жоҳил башарасини очиб ташлади. Ўзбек тили иш кўриш доирасининг ўта чегараланиб қолганлиги, унинг уй-рўзгор тили даражасига тушиб қолганлиги афсус билан кўп таъкидланади. Ўзбекистон ССР Олий Советининг тарихий сессиясида бизда раҳбарлик лавозимларига кўтаришда кишиларнинг ўзбек тилини эмас, балки рус тилини мукаммал билишлари ҳисобга олиб келинганлиги очиқ айтилди. Ҳақиқатан ҳам шундай эди, бунинг натижасида ўз она тилида икки жумла нутқ айта олмайдиган раҳбарлар ва умуман зиёлилар армияси пайдо бўлди. Айрим калтабинлар назарида ўзбекчага русчани аралаштириб гапириш маданиятчилик белгисига айланди (XIX асрда Россияда француз тилини рус тилига аралаштириб гапириш киборлик белгиси деб қаралган). Бу на ўзбек тилига, на рус тилига наф келтиради. Аслида бу ҳол анча илгари 30-йиллардаёқ бошланган эди. Ҳабибулло Қодирий келтирган архив материалларида ("Ёшлик", 1989, № 6) Ҳ. Олимжон, Ойбек каби улкан сўз усталари нутқида русча иборалар ўринсиз аралашиб ётганлигини кўриш мумкин. Масалан, Ойбек: "Қодирийнинг критикасида нима деган, ҳар ҳолда уни установит қила олмадик", дейди. Бунинг учун бу сўз санъаткорларини айблаш адолатдан эмас. Бу ўша давр давлат машинасининг "меҳнати" самарасидир. Шу ўринда бир тарихий ҳужжатни эслаш ўринлидир. 1938 йилининг 13 мартида СССР Халқ Комиссарлари Совети ва ВКП (б) МКнинг "Миллий республикалар ва областлардаги мактабларда рус тилини мажбурий ўқитиш тўғрисида" деган қарори қабул қилинган. Бу

қарор ленинизмга зид эди, чунки улуг В. И. Ленин рус тилини бирон бир даражада бўлсин, мажбурият остида ўргатишга қарши эди, буни у жуда кўп такрорлаган. Мазкур масала бўйича унинг ВКП (б) МКдаги сафдоши Н. К. Крупская Сталинга хат билан мурожаат қилади. Хатда жумладан у шундай дейди: "Қадрли Иосиф Виссарионович, одатдагидай сизга мени изтиборга солган масала ҳақида ёзмоқдаман.

Биз бутун СССР бўйича рус тилини мажбурий ўқитишни жорий этмоқдамиз. Бу яхши. Бу — халқлар ўртасидаги дўстликни чуқурлаштиришга ёрдам беради.

Лекин бизнинг бундай ўқитишни қандай амалга оширишимиз мени жуда ташвишлантиради.

Менга баъзан улуг давлатчилик шовинизми бир оз бўй кўрсатаётгандай туюлади.

Масалан, мен таълимнинг биринчи йилида она тилидагина эмас, рус тилида ҳам ўқиш ва ёзишни ўргатишни зарарли деб ҳисоблайман, барча миллат ва элатлар учун рус тилидан таржима қилинган ягона алифбенинг ("Букварь") киритилишини зарарли деб ҳисоблайман..." (Известия ЦК КПСС. 1989, № 3, 179-бет).

Тил сиёсатидаги жуда кўплаб ўпирилишларнинг илдизлари ана шу қарорга ҳам бориб тақалса ажаб эмас.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бугунги кунда рус тилининг аҳамияти ва нуфузи мутлақо исбот талаб этмайдиган ҳақиқатдир. Рус тилининг маънавий ҳаётимиздаги ўрнини мантиқли фикрлай оладиган кишиларнинг бирортаси ҳам инкор этмаган ва инкор этмайди ҳам. Рус тили, бирон бир даражада бўлсин, ҳимояга муҳтож эмас. Уни ўрганишимиз зарурлиги кундай равшан ҳақиқат. Лекин ўзбек тили (бошқа миллий тиллар ҳам) айтиб ўтилган сталинча сиёсат оқибатида ҳимояга, парваришга муҳтож бўлиб қолди. Бу ҳам бугун чуқур ағлаб етилган, адолат посангиси билан идрок этилган ҳақиқатдир. Зеро, "она тили ҳар қандай тараққиётнинг, бутун билимларнинг асосидир" (К. Д. Ушинский). Филология ва психология фаилари доктори, профессор, атоқли олим А. А. Леонтьев айтади: "Бизнинг кўп миллатли Ватанимизнинг яхши граждани бўлмоқ учун ўз она тилини, ўз миллий маданиятини севиш ва билиш жуда муҳимдир. Киши ўз туғилган уйини қандай қилиб севмаслиги мумкин". Лекин ўз уйини севмоқ учун киши бировларнинг уйини ёмон демайди. Тилларни бир-бирига қарама-қарши қўйиш маънавий ва сиёсий калтабинлик, қашшоқликдан бошқа нарса эмас.

Жумҳуриятимизда давлат тили тўғрисида қабул қилинган қонун ишламоғи керак, бунинг учун эса тезлик билан ишга киришмоқ лозим. Ўзбек тилини, давлат тили тўғрисидаги қонунда

кўрсатилгандай, кенг ўрганилишини таъминлашга эришиш керак. Бунинг учун энг аввало дарсликлар, турли қўлланмалар ва бошқа ўқитиш воситаларини янгилаш, такомиллаштириш шарт, аҳоли учун ҳам ўзбек тилини ўрганиш учун бундай китоблар сув билан ҳаводай зарур.

Ўзбек тилининг ўзбек бўлмаган кишилар томонидан ўрганилиши инқилобдан илгари ҳам жуда рағбатлантирилган. Улкан туркийшунос академик А. Н. Кононовнинг "История изучения тюрских языков в России" (Л.: Наука, Ленинградское отделение, 1982) номли китобида шундай факт келтирилган. Туркистон ўлкасининг маъмурияти томонидан маҳаллий тилларни — ўзбек, қozoқ, тожик тилларини ўрганиш қўллаб-қувватланган. Туркистон генерал-губернаторининг 1905 йилнинг 25 декабрида ҳарбий министрға ёзган хатида қуйидаги тadbирларни амалга ошириш талаб қилинган: 1. Маъмуриятнинг барча амалдорларига, то уезд бошлиқларига қадар маҳаллий тилларни ўрганиш таклиф қилинсин. 2. Ўз районидаги маҳаллий тил билан танишиш — 1 йил. 3. Тилни билиш даражаси — таржимонни назорат қила олиш. (193-бет). У даврдаги бу талабларнинг мақсади тушунарли... Айтиш керакки, у даврларда ва инқилобдан кейин ҳам маълум вақтларгача хилма-хил тил ўргатувчи қўлланмалар нашр этилган. Бу ижобий анъанани тезлик билан тиклашни бугунги кун жиддий талаб қилмоқда. Бунинг учун албатта нашриётлар ҳам жонбозлик кўрсатиши керак.

Қонунга кўра, жумҳуриятимизда иш юритиш ўзбек тилига ўтказилади. Бу тadbир жуда катта тайёргарлик ишларини тақозо этади. Бу йўлдаги биз тилшуносларнинг энг долзарб вазифаларимиздан бири — жадал суръатда "ҳужжатшунослик тили" деган ҳам назарий, ҳам амалий йўналишни шакллантириш ва йўлга қўйишдан иборат. Ўзбек тилининг ўз қонуниятларига мос келувчи иш қоғозлари (ариза, қайднома (ведомость), маълумотнома — справка ва ҳоказолар) тилини ишлаб чиқиш лозим. Ҳозирча бирон бир идора ёки муассаса бундай қоғозларнинг соф ўзбек тилидаги матнига эга эмас. Рус тилида бундай йўналишдаги хилма-хил ишлар бор. Уларда иш қоғозлари ҳар тарафлама тавсиф этилган. Яқинда Т. Н. Бондирсванинг "Котиблик иши" (Секретарское дело. М.: Высшая школа, 1989. 21 б. л. га яқин) деган китоби босмадан чиқди.

Халқлар, миллатларнинг ўзаро яқинлашувида, улар ўртасидаги дўстликнинг мустаҳкамланишида тил билишнинг аҳамияти беқиёсдир. Бу азалий ва абадий ҳақиқат минг йиллардан буён халқлар қалбидан жой олган. Машҳур совет ёзувчиси Василь Биков шундай дейди: "Менимча бизнинг давримизда бошқа миллат маданиятига муносабат жамият маънавий стуклигининг

асосий кўрсаткичларидан биридир" ("Известия", 1988 й. 8 октябрь).

Бизда миллий рус икки тиллилиги анчайин ривожланган. Лекин рус-ўзбек иккитиллилиги мутлақо кўнгилдагидек эмас. СССР Фанлар академиясининг академиги Г. Л. Смирнов айтади: "Биз шундай мамлакатда яшаймизки, унда икки тиллилик ҳар бир граждaв учун эҳтиёжга айланмоғи лозим. Миллий республикада яшовчи рус кишиси шу республиканинг тилини рус бўлмаган киши рус тилини билганидай билиши керак" ("Правда", 1988 й. 30 декабрь). Академик Н. И. Бухарин совет ёзувчиларининг Бутуниттифоқ I съездида (1934 йил) қилган докладыда ўзбек ва тожик тилларини билмаслиги, шунинг учун Ўзбекистон ва Тожикистонда яратилган поэзия ҳақида фикр айта олмаслигини афсус билан айтиб, "уларни ўрганишга тўғри келади, бу ҳам шубҳасиз, жуда зўр иш бўлади" деган эди (Н. И. Бухарин. Избранные труды. Под ред. акад. Е. П. Велихова. — Л.: Наука, 1988, с. 255).

Ўзбек бўлмаган кишиларга ўзбек тилини ўрганиш иши қанчалик муҳим бўлишига қарамай, бу ишда камчиликлар жуда ҳам кўп. Бу соҳадаги мавжуд тadbирлар ҳар жиҳатдан такомиллаштиришга муҳтож.

Бизнинг жумҳуриятимизда тилларнинг тенглиги, тараққиёти таъминланади. Давлат тилини ва бошқа тилларни ўрганиш рағбатлантирилади. Қонунга кўра, раҳбар ходимлар ва хизмат тақозосига кўра аҳоли билан бевосита оғзаки муносабатда бўладиган кишилар давлат тилини — ўзбек тилини билишлари шарт. Халқнинг қалбини, дилини билмасдан туриб, унинг меҳрига сазовор бўлиш мумкин эмас. Ходимларининг меҳрини ишончини қозона олмаган раҳбар эса ишни юргиза олмаслиги тайин. Дўстликдай муқаддас тушунча ҳам қалб ҳатида бўлади. Тил эса ана шу қалбнинг ойнаси. Ҳар кун, ҳар соатда бу ойнага қараб туриш кишилар ўртасидаги дўстлик ришталарини мустаҳкамлайди. Бунинг устига киши қанча кўп тилни билса, у дунёни шунча турфа тарзда кўради. Зеро, номдор тилшунослар айтиб ўтганларидай, бир тилнинг бошқа тилдан фарқи турли товуш комплексларидагина эмас, балки ҳар бир тил дунёни ўзига хос тарзда кўриш ҳамдир. Шунинг учун ҳам "кўп тилни билган кўп билади" дейдилар.

СЎЗ ВА ҲИКОЯ

Том маънодаги сўз санъаткори, ўзбек ҳикоянависларининг сардори Абдулла Қаҳҳорнинг тилга муносабати барча ижодкорлар учун улкан ибрат мактаби эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Унинг

ўткир ҳикояларини, йирик насрий асарларини, маҳорат билан қилинган бадий таржималарини, бадият ва тил ҳақидаги катта-кичик мақола ва қайдларини ҳузур билан ўқир эканмиз, ана шу туганмас ибрат мактабининг ўктам ўқувчилари сифатида ихтиёрли — ихтиёрсиз ҳам фахр, ҳам масъулият ҳиссини туямиз. Абдулла Қаҳҳор қаламига мансуб ҳар қандай асарни ўқиб чиққач, китобхон — у хоҳ адабиётшунос, тилшунос бўлсин, хоҳ оддий ўқувчи бўлсин — сўзнинг поэтик ва лисоний имкониятларидан ҳайратга тушади, оддий, аввалдан таниш бўлган шунчаки сўзлар унинг назарида мозиклашгандай, маънан кенгайиб, катталашиб кетгандай туюлади. Сўзларни "жумла" деб аталадиган қаторга бу қадар мувофиқ ва мутлақ ўрнаштириб тизиш мумкин эканлигига қойил қолади. Таниқли ёзувчи Саид Аҳмад А. П. Чеховнинг тил маҳорати ҳақида гапирар экан, шундай деб ёзади: "Сўзни у худди миҳ қилиб қоқиб қўйгандек. Омбир билан ҳам суғуриб ололмаймиз. Қопқоғи билан қоқиб омбир тишламайдиган қилиб қўяди"¹. Буюк сўз устаси А. П. Чеховни ўзбек тилида "гапиртирган" А. Қаҳҳор ҳам сўзни ана шундай "миҳ қилиб қоқиб қўйган". Унинг ҳар бир асари бунга ҳолис гувоҳдир.

Айтиш лозимки, А. Қаҳҳор асарларининг лингвопоэтикаси ҳали ҳозиргача мукамал тадқиқ этилган эмас. Ҳолбуки, бу улкан сўз санъаткорининг асарларини лингвопоэтика жиҳатидан ўрганиш адабиётшунослик фани учун ҳам, тилшунослик фани учун ҳам бениҳоя катта фойда келтириши шубҳасиз, қолаверса, бундай ўрганиш ёш ижодкорлар учун ҳам жуда катта амалий аҳамиятга эга. Тўғри, бу йўналишда айрим ишлар қилинган², аммо улар А. Қаҳҳор асарларининг яхлит лингвопоэтикасини яратиш учун ҳали мутлақо етарли эмас.

А. Қаҳҳор сўзи — чинакамига халқ сўзи. У ўз ҳикояларида бадий мақсад учун сўзларни "қистамайди", "мажбур қилмайди", балки халқ тилин ян ўзидан ана шу мақсадга муносиб, лойиқ бўлган сўзларни битта-битта териб, топиб олади. Бадий тафаккурнинг бой ва мураккаб тарихидан маълумки, тилга "зўрлик" қилишнинг 2 хил, бир-бирига мутлақо қарама-қарши кўриниши мавжуд. Уларнинг бирини, таъбир жоиз бўлса, тилга "агрессив зўрлик қилиш" деб, иккинчисини эса тилга "прогрессив зўрлик қилиш" деб аташ мумкин. Бир пайтлар рус футурист шоирлари (В. Хлебников) тил қонуниятларига ситмайдиган сўзлар, сўз формалари, синтактик birlikлар тузиб (масалан,

¹ "Совет Ўзбекистони" газ., 1983 йил 29 январь.

² Масалан: Кучкартаев И. Фразеологическое новаторство А. Каххара. АКД, Ташкент, 1965; Кучкартаева Р. Работа А. Каххара над языком официальных произведений (на материале романов "Сароб" и "Қўшчинор чироқлари"). АКД, Ташк. 1980.

"Доброй утра", "Он хожу" каби), "Биз синтаксисни заифлаштирдик" деган даъво билан чиққан эдилар". Бу албатта, тилга "агрессив зўрликдир" ва бу ҳол бугун рад этилган, тилга бундай зўрлик асосли эмас. Тилининг умумий қонуниятлари доирасида муайян бадий-услубий мақсад билан янги сўз, сўз формалари ясап, сўзни янгича қўллаш кабиёларни эса тилга прогрессив ижобий "зўрлик" деб қараш мумкин, улар, яъни хусусий — услубий янги сўзлар, янгича қўллашлар, синестетик метафоралар, аксюморонлар ёзувчининг бадий тасвир мақсадига хизмат қилади. Бундай хусусий қўллашларни Ойбек, Ҳ. Олимжон, Ғ. Ғулом, А. Мухтор, Миртемир каби йирик сўз санъаткорлари асарларида ҳам, истеъдодли ёш ижодкорлар асарларида ҳам кўпилаб учратамиз. Мазкур ҳол, яъни тилга ижобий "зўрлик" қилиш барибир ҳали тил мезонларига кирмаган бўлади. Шунинг учун бўлса керак, А. Қаҳҳор ҳикояларида ана шундай неологизм, аксюморон каби воситалар йўқ ёки йўқ ҳисоби. Чинакамита халқ санъаткори бўлган А. Қаҳҳор халқ тилининг ўзида бўлмаган ҳар қандай воситадан, у бадий тилга қанчалик жило беришидан қатъи назар, воз кеча олган кўринади. Айни пайтда айтиш лозимки, бу ҳол А. Қаҳҳорнинг беназир, ўзига хос ҳикоя услуби билан ҳам боғлиқ.

А. Қаҳҳор сўзни шундай қўлайдики, бунда сўзнинг асосий маъносидан ташқари унинг барча маъно қирралари, нозикликлари аниқ ва тиниқ кўриниб туради, сўзнинг маъно қирралари умумий воқеа, ҳолат ёзувчи позицияси, ҳикоянинг яхлит интонациясига тўлиғича ёпишиб тушади. Масалан, "Анор" ҳикоясида ўқиймиз: — Ё қудратингдан, ишонмайди-я! — деди Туробжон келтирган матоини титкилаб, мана, чайнаб кўр! Кўргин, бўлмаса, иннайкейин дегин...

Айни ўринда нарса сўзи эмас, балки атайин мато сўзи қўлланган. Нарса сўзи услубий жиҳатдан холис, мато сўзи эса айни маъноси билан холис эмас, яъни унда камситиш билан боғлиқ маъно қирраси мавжуд, бу маъно қирраси титкилаб феъл шакли билан яна ҳам таъкидланган. Анорга бошқоронги бўлган ва эрининг анор олиб келишини интиқ кутиб ўтирган хотин назарида, бу-ку арининг уяси — мумли асал экан, тоза асалнинг ўзи ҳам нарса эмас, фақат мато. Ҳикоянинг умумий интонацияси, воқеа ривожини айни ўринда мато сўзини бошқа синоним сўз билан алмаштиришга имкон бермайди. Мато сўзи мазкур ўринда ёзувчининг тугал маҳорати билан ўзининг бутун лексик ва эстетик моҳиятини намоён қилган.

Моҳир сўз санъаткори ҳар бир сўзнинг халқ орасидаги, муайян ижтимоий табақа, катталар ва болалар ўртасидаги

қўлланишидаги маъно қирраларини ҳам мунтазам кўра ва кўрсата олади. Мана, "Майиз емаган хотин" ҳикоясидан парча: — Ҳў ўл, турқинг қурсин! Бошингга солайми шу билан! Маҳаллада сасиб, ўқувчи қизларга кун бермайсан-у, ўзинг нотўғри иш қиласан...

Парчадаги гаплар ўн икки ёшлардаги ўқувчи қизнинг гаплари, айниқса, охириги гапдаги нотўғри сўзининг ўқувчи тасаввурига хос бир маъно қирраси яққол сезилиб турибди. Айни ўринда нотўғри сўзининг маъно ҳажми анчайин катта. Ёш ўқувчи тасаввурига кўра жамики ёмон, номақбул ишлар нотўғри ишлардир, шунинг учун ҳам ўқувчи нутқидаги бу сўзда ҳам нафрат, ҳам кичик бир ўч мужассам. Катталар нутқида айни сўз мазмунан бундай ҳажмга эга эмас, ёзувчи бу каби нозик фарқларни зийраклик билан ҳис қилади.

А. Қаҳҳорнинг бир жумласидаги қўлланган сўз кейинги жумла мазмуни фонида яна ҳам тиниқлашади, нақадар ўз ўрнида эканлиги равшанлашади. "Бемор" ҳикоясининг биринчи жумласи шундай: Сотиболдиннинг хотини огриб қолди. Огриб қолмоқ феълининг анчагина синоними бор (бетоб бўлмоқ, касал бўлмоқ ва ҳ. к.) лекин ёзувчи айни шу феълни қўллайди. Ҳикоядаги иккинчи жумла: Сотиболди касални ўқитди — бўлмади, табибга кўрсатди. Бу жумла огриб қолмоқ феълининг маъносини янада таъкидлайди, огриқнинг — ҳам тан, ҳам қалб огриғининг чуқурлиги ва бу огриқ олдида Сотиболдиннинг чорасизлиги алоҳида урғу олади. Энди ёзувчининг "Томошабоғ" ҳикоясига эътибор қилайлик. Ҳикоя шундай бошланади: Қодоқчи Ҳамроқулнинг тоби қочди. Тоби қочмоқ ибораси огриб қолмоқ феъли мансуб бўлган синонимик қаторга киради, лекин ёзувчи бу ўринда айни иборани танлаган. Ҳикоянинг иккинчи жумласи бундай: Ким билади, кеча кечқурунги худойи ош ёқмадимми. Ё эрталаб чойнак қадоқлатиб кетган кишининг носидида бир гап бор эканми... Мана шу иккинчи жумланинг ўзиёқ мазкур ўринда тоби қочмоқ иборасининг жоиз эканлигини кўрсатиб турибди.

А. Қаҳҳор ҳикоя арида кескир киноянинг ўткир намуналари бениҳоя кўп, ҳар бир сўз худди муайян киноя ифодаси учун яратилгандай. Сўзлардаги полисемия, омонимия, антонимия, паронимия каби ҳодисалардан беқиёс усталик билан фойдаланади. Масалан, очмоқ феъли полисементик сўз, бу сўзнинг "фош қилмоқ" ва "кашф қилмоқ" маънолари ёзувчининг "Бек" номли ҳикоясида шундай усталик билан истифода қилинганки, натижада мана бундай бетакрор киноя юзага келган: Бек: — Хон-монимдан кечаман, дунёдан портфелсиз, пальтосиз ўтаман, аммо бу ишни очмасдан қўймайман!

Шеригим унга бир стакан суз берди, пальтосини кийгизиб қўйди, портфелини қўлига бериб, юнати:

— Қўйинг, Бегим, ўзингизни уринтирманг. Албатта очиб ташлайсиз. Колумб, хотин талоқ Американи тинч қўйганда, албатта ўзингиз очар эдингиз...

Бундай мисолларни А. Қаҳҳорнинг ҳар бир ҳикоясидан жуда кўплаб келтириш ва сўзнинг семантик ҳамда эстетик жиҳатдан бу қадар бойлигидан қайта-қайта ҳузувланиш мумкин.

Ёзувчи ҳикояларида сўзларнинг шаклий ва семантик яқинлигига асосланган сўз ўйинлари ҳам талайгина. Айтиш керакки, бундай сўз ўйинлари қуруқ ва шунчаки ўйин бўлиб қолган эмас, балки қаҳрамон ва воқеанинг конкрет тасвири учун ёпишиб тушган, шунга астойдил хизмат қилган. Мана бир-икки далил. "Қанотсиз читтак" ҳикоясида ўқиймиз: Лекин заводда уни Набигул эмас, "прогул" дейишади. Кўриниб турибдики, айна сўз ўйини Набининг характеристикасини ҳам очиб берапти. Яна шу ҳикоядан: — Бу нима денг, амаки,— деди Набигул токчадаги бир чирпит мусалласни кўрсатиб.

— Ақлнинг қайроғи!

— Йўқ, амаки, бу — қасам. Мен бугун қасам ичаман. Қодиржон акам цех бошлиғи бўлган кундан бошлаб ударник бўлишга қасам ичаман! Бу ўриндаги сўз ўйини ҳам мақсадли ва беҳад чиройли.

А. Қаҳҳорнинг халқ фразеологик ибораларидан фойдаланиш маҳорати ҳайратланарлидир. Халқнинг сўз донолигини мукаммал эгаллаган ёзувчи ўз ҳикояларида иборалардан мунтазам ва ифода мақсадига фавқулодда мувофиқ тарзда фойдаланади. Ўзи ҳам янги иборалар яратади, аммо бу янги иборалар халқнинг ўзида мавжуд бўлган ибораларнинг моделига асосланган бўлади. Шунинг учун ёзувчининг янги иборасини ўқиганда, халқнинг ўзидаги тегишли ибора ҳам эсга тушади. Айтиш мумкинки, ёзувчи битта иборани қўллайди, лекин ёзувчи мақсади учун бир пайтнинг ўзида иккита ибора "ишлайди". Мана бир далил: "Эшакни яширсангиз, ҳанграб шарманда қилади ("Икки ёрти бир бутун" ҳикояси). Айна ибора Қаҳҳорники, бу иборани ўқиш билан "Касални яширсанг, иситмаси ошкор қилади" деган халқ ибораси эсга тушади, яъни текстда имплицит равишда бу ибора ҳам иштирок этади, уни биринчи ибора овозсиз "чақиради". Бу — қаҳҳорона маҳорат.

Бу қаҳҳорона маҳорат ёзувчининг ўхшатишлар яратишида ҳам равшан кўринади. Унинг ҳикояларида халқ тилида бор ўхшатишлар билан бир қаторда, янги "оҳорли", ҳолат тасвирини фотографик картина тарзида кўрсатиб берувчи ўхшатишлар кўп.

Иккитагина мисол: Камолхонов, илтимосига "хўп" деган жавобни кутиб, савол аломатидай гажак бўлиб турганида, телефон жиринглаб қолди ("Икки ёрти бир бутун" ҳикояси шундай бошланади). Дераза ёнида эндигина сабз урган мўйлови тескари қўйилган қошга ўхшаш бир йигит... ("Олтин юлдуз").

Ҳар бир сўз, ибора, конструкцияда, образ ва деталда тасвир объектга ёзувчининг муносабати, миллий руҳ "мана мен" деб туради. Бу ҳақда узоқ ва ҳижжалаб гапириш мумкин. Лекин ҳажм тақозосига кўра ушбу парчани келтириш билан чекланамиз: Аҳмаджон немиснинг ўттиз икки отар тўппончасига "ўзбекнинг бир қоқар болгачаси" мушт билан жавоб қилди. Офицер йиқилди ва ётган ерида қўлини кўтарди ("Олтин юлдуз").

А. Қаҳҳор ҳикояларининг синтаксиси ҳам ўзига хос. Энг аввало айтиш лозимки, унинг ҳикояларида гап структураси кўп тармоқли, яъни халқнинг айни жонли сўзлашувига хос бўлган структура, том маънодаги тирик нутқ. Ана шу маънода ёзувчи тилининг ҳақиқий халқчиллиги унинг синтактик конструкцияларида ҳам яққол кўринади. Мана бу парчадаги синтактик структураларга эътибор қилинг: У аввал немисни қарғади, кейин йигитдан койиди:

— Ахир, сени бола-чақангдан айирган-ку шу қуриб кетгурлар эди, уни отаман деган кишининг нега қўлини тутасан! Хат ўқиётибди эмиш-а! Бола-чақаси билан қўшмозор бўлмайдими!... Ўзига ўзи қилибди-да ("Асрор бобо").

Бундай халқона жумлалар фақат персонажлар нутқидагина хос эмас, балки деярли барча ҳикояларидаги автор нутқида ҳам хосдир. Ёзувчининг ҳар бир жумласида жонли нутққа хос синтактик оҳанг баралла эшитилиб туради. "Қабрдан товуш" ҳикояси бундай бошланади: Уста Турдиали худо билан илгари дуруст эди, уч ярим яшар қизчаси ўлди-ю ораси бузилди. Оламда ҳар нарса эсдан чиқиши, ҳар қандай ранж-кулфат кўнгилдан кўтарилиши мумкин, лекин уч ярим яшар бўлиб ўлган фарзанд доғи... йўқ!! Бу ҳолатлар А. Қаҳҳор услубига хос энг муҳим штрихлардан биридир.

Мустақил жумлаларнинг ўзаро боғланиши, бу боғланишни таъминловчи лексик-семантик ва синтактик-функционал воситаларнинг мукамал ва мувофиқлиги ҳам А. Қаҳҳорнинг ўзига хосдир. Қўшма гапларнинг ҳам кўпроқ эргаш гапли типи нисбатан кўпроқ кузатилади, чунки бу тип қўшма гап компонентларининг ўзаро боғланиши боғланган қўшма гаплардагига қараганда анча зич ва мустаҳкам бўлади. Умуман, гапларнинг лингвистик ва логик боғланиши А. Қаҳҳор ҳикояларида бениҳоя расо, бир гап ўзидан кейинги гапни албатта

семантик ва логик жиҳатдан қатъий тақозо этиб туради. Бу қатъий боғланиш эса ҳикоядаги воқеа ва айтилмоқчи бўлган гоёга мутлақо уйғун бўлиб тушади, ҳикоядаги умумий интонациянинг бирор даражада бўлсин сусайишига йўл қўймайди. Ана шулар учун бўлса керак, А. Қаҳҳор ҳикояларини худди шеърӣ асар каби тўлиғича ёд олиш мумкин.

СЎЗ ВА КУЗАТУВЧАНЛИК

Ҳаётни, ҳаёт ҳақиқатини бутун мураккаблиги билан диалектик тарзда тасвирлаш адабиётнинг асосий ²моя (принцип)ларидан биридир. Ҳаёт ҳақиқатининг ҳаққоний тасвирини (умуман, ҳар қандай тасвири) шакл, яъни тилдан ажратган ҳолда тасаввур қилиш, сўзсизки, мумкин эмас. Зеро, адабиётшунос Е. Сидоров таъкидлаганидай, "ёзувчининг сўзга муносабати унинг ҳаётга бўлган муносабатининг ўзидир". Мукаммал ҳаққоний тасвирламоқ учун энг аввало реалист кўзи билан мукаммал кўра олмақ лозим, ёзувчи тасвир объектини бутун майда-чуйдаларигача кўра олсагина, айти объект ифодаси учун фавқулодда мувофиқ ва мақсадли сўзни топа олади. Улкан сўз санъаткори К. Фединнинг "Агар сен шаклда хатолик кўрсанг, мазмундаги хатоликни изла" деган сўзлари афоризмга айланиб кетган. Албатта, ёзувчи фаолиятида ҳал қилувчи ижодий жараён — кўриш ва кўрсатиш — бениҳоя мураккаб, сўз ва кўз диалектикасидан иборат бу муҳим жараён атрофлича ўрганилмоғи лозим.

Ёрқин ва комил бадий истисъоднинг асосида ҳамиша теран ва мунтазам кузатувчанлик, турфа оламнинг камалак рангларини закийлик билан кўра олиш ва уларнинг "тирик"лигига, табиийлигига путур етказмаган ҳолда кўрсата олиш ётади. Зеро, кузатувчанлик ва мукаммал ҳис қилиш, аслида, беҳад нозик ва нодир бир санъат бўлиб, у ҳар қандай бадий истисъод такомилнинг ибтидосидир. Бу санъат бадий тилдай мураккаб ҳодисада хилма-хил кўринишларда намоён бўлиши табиий. Айниқса, бадий асар тилидаги ўхшатишлар ёзувчининг тийрак нигоҳи ва тиниқ сўз сайлаш санъати учун бениҳоя ёрқин гувоҳдир. Бу ўринда илгаридан тилда мавжуд бўлган анъанавий ўхшатишлар ("айиқдай қўпол" "қўйдай ювош", "мусичадай беозор", "тоғдай катта" каби)ни эмас, балки хусусий-муаллиф ўхшатишлари назарда тутилмоқда. Санъаткорнинг бевосита ўзи яратган, унинг ўткир кўзи, зийрак кузатишлари маҳсули сифатида юзага келган ва ўрнига тушган, нишонга теккан ўхшатишлар бетакрор образларнинг гўзал ифодачиларига айланади. Ҳаққоний тасвир учун астойдил хизмат қилади, яхлит

эстетик бутунлик бўлган асарнинг узвий қисми сифатида кучли поэтик мазмун касб этади.

Забардаст сўз санъаткорлари Ойбек, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, А. Қаҳҳор, А. Қодирий, Миртемир, М. Шайхзода, А.Мухтор, О. Ёқубов, А. Орипов, Э. Воҳидовларнинг асарларида образли тасвир воситалари, ўхшатишларнинг оригиналликдан, теранлигидан, образ тасвири учун бениҳоя мувофиқлигидан ҳайратга тушиш, тақрор ва тақрор завқланиш мумкин.

Ана шу маънода Ойбек шеърияти жуда ҳам ибратли бўлиб, унинг ҳар бир шеъри нафис ва расо кузагишлар, мукаммал мушоҳадалар натижаси эканлиги равшан кўриниб туради. Мана, унинг "Олтин сепкилли..." шеърдан олинган бир парча:

Олтин сепкилли қоп-қора кеча...
Қора илиқлик, хушбўй бир нафас —
Секин эсади. Ухлар қир, тепа:
Ариқда оқар нотинч, қора сас.

Ойбекнинг ўткир ва ўйчан нигоҳи призмасидан ўтиб, оддий ammo шоир нафаси билан йириклашган сўзлар воситасида бизнинг нигоҳимизга муҳрланаётган сокин манзара...

Ойбек шеъриятида ранг-баранг ўхшатишлар алоҳида ўрин тутати. Таъкидлаш лозимки, бу ўхшатишларнинг ҳар бири ҳаётсевар, табиат ошиғи бўлган (шоир "Яйраган онларим" шеърда ёзди: "Мен кезаман шу чоқлар, Борлиқ жонондек ётар. Шу онларда улфатим: Кўк, ой, юлдуз, япроқлар...") Ойбекнинг кузатувчанлигига, табиат ва инсоннинг мураккаб ҳаётини ипидан игнасигача, бутун икир-чикирларигача кўра ва кўрсата олишига, борлиқни ўзига хос йўсинда, "ойбекона" идрок қилишига ҳолис ва характерли далилдир. Чунки ўхшатишлар шеъриятда, умуман, бадий нутқда хилма-хил мақсадлар билан қўлланса-да, уларнинг сифати аини мақсадларга қай даражада бўйсундирилиши, ҳисқаси, уларнинг поэтик мазмун даражаси шоирнинг кузатувчанлигига, поэтик идрокига боғлиқ.

Шуни ҳам айтиш лозимки, ҳар қандай ўхшатиш муносабати тилда акс этар экан, у, албатта тўрт унсурни назарда тутати, яъни: 1) ўхшатиш субъекти, 2) ўхшатиш эталони, 3) ўхшатиш асоси ва 4) ўхшатишнинг шаклий кўрсаткичи. Соф лисоний нуқтаи назардан бу тўрт унсур бир содда гап доирасида ифодаланар экан, гапнинг мазмун сифими ортади, тил тараққиёти-нинг умумий тенденциясига мутлақо мувофиқ равишда асимметрик тизимли гап шаклланади, яъни кичик шакл катта мазмун ифодаси учун хизмат қилади. Бу эса шеър, умуман, бадий асар поэтикаси учун ҳам алоҳида аҳамиятлидир, чунки аини ҳолат ижодкорга турли нарсалар ҳодиса, мураккаб ҳолат ва шу

кабиларнинг беҳад ихчам тасвирларини, ёрқин образларини яратиш имконини беради.

Ҳар қандай ўхшатишнинг лингвопоэтик асосини ўхшатиш эталони ташкил қилади. Ўхшатишнинг поэтик қимматини ҳам ана шу ўхшатиш эталони белгилайди. Ойбекнинг шеърларини ўқиганда, шу нарсага тўлиқ ишонч ҳосил қилиш мумкинки, Ойбек бу ҳолатни тўлиқ ва аниқ тасаввур қилган, шунинг учун ҳам у ўхшатишга мурожаат қилар экан, зукко кузатувчи сифатида беҳад мувофиқ ва янги ўхшатиш эталонларини қўллайди.

Ойбек ўзининг "Ҳамза" номли достонида Шоҳимардон қишлоғининг ўтмишдаги манзарасини тасвирлар экан, шундай ёрқин мисралар тузади:

Пастда қишлоқ, тошларга қапишибди зич —
Фақир уйлар қалдирғоч инлари каби.

Кузатувчан шоир фақир уйларни қалдирғоч инларига ўхшатади. Бу ўхшатишда қалдирғоч инларининг ўхшатиш эталони сифатида қўлланиши Ойбекнинг теран ва фавқулодда нигоҳи маҳсулидир. Агар фақир уйлар тўлиғича тавсифланадиган бўлса, ҳатто бир-икки саҳифа ҳам камлик қиларди ва шунда ҳам бу ердагидай, яъни бир-икки сўз билан ифодаланганидагидай ёрқин ва таъсирли "сурат" юзага келмаган бўларди. Маълумки, қалдирғочнинг инини ҳаммамиз кўрганмиз, у лойдан қилинган бўлади ва худди майда гувала кесак билан урилган (қурилган) деворга ўхшайди. Аини пайтда беҳад кичик ва кўримсиз бўлади. Ана шунга кўра уйлар қалдирғоч инларига ўхшатиш; бунда мазкур нарсалар муайян бир белги асосида эмас, балки бир неча белги асосида бир-бирига ўхшатиш, ўхшатиш асосидаги белги яхлит. Ана шунинг учун ҳам фақир уйларнинг беназир мукамал ва "нофақир" картинаси яратилган. Бу картина ойбекона поэтик жарангга ҳам, қуюқ бўёққа ҳам эга. Нозик кузатишлар асосида яратилган бундай ўхшатишлар Ойбек шеъриятида жуда кўп, мана улардан яна айримлари:

Дўконлар қалашган ари инидай,
Қай томон қарасанг — зийнат буюмлар...

("Байрут")

Мана сувга тушар полвон қиз,
Тўлқинларни ҳеч писанд қилмай...
Сочлар суяда қора илондай.

("Қизлар")

Олтин гўза пўчоқлар
Сингари очилганди
Кўлда гуж-гуж юлдузлар.

("Янги ой чиққанда")

Устоз сўз санъаткори Ойбек ўхшатишлари мураккаб ҳиссий ҳолат картинасини яратишда, даҳшат расмини чизишда ҳам иштирак этади. Мана шоирнинг тўрт қатордангина иборат "Қорахат" номли шеъри:

Бехосдан узилган шода дур каби
Тўкилди умиднинг рангли барглари.
Осилди бир онда қўллар мадорсиз,
Ер қочди, қорайди қуёш зарлари...

"Бехосдан узилган шода дур каби" ўхшатиши аини ҳолат ифодаси учун беҳиёс даражада мувофиқ, қорахат хабарининг даҳшати, бу даҳшатнинг ток ургандек таъсири, ана шу таъсир остидаги инсоннинг етим умидлари, кўзлари, бармоқларининг учигача кўз олдимизда намсён бўлади...

Ойбек, кўпинча, шундай ўхшатиш эталонларини қўллайдики, биз уларнинг фавқулоддалигидан, кутилмаганлигидан, фақат Ойбекка хослигидан завқланамиз, ҳайратга тушамиз. Унинг "Шоир билан суҳбат" шеъридан олинган мана бу парчадан лаззатланайлик:

Мен ипак қурти каби
Хаёлимга ўралдим.
Туйғуларим гирдоби
Орасида йўқолдим.

Парчада мураккаб ҳиссий ҳолатнинг гўзал ва реал тасвири берилган бўлиб, бу ҳиссий ҳолатнинг асосий ва ажойиб мазмуни биринчи икки мисрада ўзининг жуда ҳам нозик ифодасини топган, кейинги икки мисра эса ана шу ифодани яна ҳам аниқлаштирган. "Ипак қурти каби" тарзидаги ўхшатиш эталони аини ўринда ниҳоятда оригинал ва аини ҳолат ифодаси учун жуда ҳам мос. Маълумки, ипак қурти ипак чиқариб ўзини ўзи ўрайди ва пилла ҳосил бўлади, ўзи эса унинг ичида қолиб кетади, пилла — оппоқ, у ана шу оқлик ичра пинҳон бўлади. Шоир эса ўз хаёлига ўралади, уни оқ, пилладай оппоқ хаёллар, оловли туйғулар гирдоби ўзининг бесарҳад бағрига олади, шу оппоқ бағрида шоир пинҳон бўлади. Теран ва таранг мутаносиблик, ўхшаши йўқ, ҳақиқий ойбексона ўхшатиш. Бу ўхшатишнинг поэтик салоҳияти шундаки, шоир у орқали фақатгина у ёки бу даражада тасаввур қилиш мумкин бўлган

ҳиссий ҳолатни қўл билан ушлаб кўриш мумкин бўлган даражада "моддийлаштириб" ёрқин сурат даражасида лўндалаштириб кўрсатган.

Мана бу парчалардаги ўхшатишларда ҳам Ойбекнинг ўткир нигоҳини аниқ сезиш мумкин:

Муҳтожлиkning изгиринида
Куз баргидек тушади ўйин

("Дехқон. Қора кечалар")

Сўнгсиз уфқларда қишнинг хаёли,
Абадий сукутдек узалмиш жим-жит.

("Қорининг заҳар тили...")

Қуёш кирди ҳаёт ичига,
Бахт гуллари баҳор сингари...

("Дехқон")

Ойбек ўз шеърларида "қуёш", "офтоб", "қиз", "чечак", "гул" "баҳор", "қуш", "денгиз", "дарё", "шафақ" каби сўзларни ўхшатиш эталони сифатида фаол равишда қўллайди. Бу шоирнинг инсон ва табиатга бўлган адоқсиз муҳаббатини, бу муҳаббатни юксак оҳангларда куйлаганлигини, инсон ва табиат тасвири учун табиатнинг ўзидан бетиним ранг ва оҳанг изланганлигини кўрсатади.

Ойбек улуғ Ленинга бағишланган шеърларининг деярли барчасида доҳийни қуёшга ўхшатади, ўхшатиш эталони сифатида "қуёш", "офтоб" сўзларини қўллайди. Аммо бу ўхшатиш эталонлари ҳамиша бир маънода, такрор ҳолда қўлланмайди. Шоир ҳар бир ҳолатда қуёшнинг муайян бир белгиси асосида ўхшатиш яратади. Қуйидаги парчаларда буни яққол кўриш мумкин:

Сиз офтобдек халқларга дилбанд,
Офтоб каби юрт билан пайванд.

("Улуғ доҳийга")

Ленин ётар, кўзлари юмуқ,
Тун билмаган қуёш сингари

("Ленин мавзолейида")

"Ленин шаҳрига" номли шеърдан олинган қуйидагича парчада шоир ўзбек саломига ўхшатиш эталони сифатида "ўзбекча"

қуёшни тавлайди, натижада қизгин ўзбекча саломнинг қизгин образи юзага келган:

Ўзбек қуёшидек қизгин ва сернур
Салом юборамиз сенга, баҳодир.

Ойбек баъзан шундай ўхшатиш эталонларини топадики, улар тасвир аниқлиги ва образлилигини таъминлаш билан бир пайтда енгил юмористик оҳангнинг чиройли ифодаси учун ҳам хизмат қилади. Мана бир мисол:

Файласуфдек салмоқлашиб бир қатор тева
Хайқиришиб, кўпик сочиб шунда саф тортар.
Эгалари: "Бу неси?— деб ҳайронлик билан
Полиздаги қўриқчидек қотиниб қолар.

("Радио тинглайди...")

Бу парчада иккита ўхшатиш эталони—"файласуфдек" ва "полиздаги қўриқчидек" қўлланган бўлиб, улардан, айниқса, биринчиси диққатга сазовор, чунки у тева (туя)га нисбатан берилган. Файласуфнинг вазмин ва салмоқли олимлаши билан туянинг битта-битта, салмоқ билан юриши ўхшатишган. Табиийки, бу кутилмаган ташқи ўхшашлик (иккинчи мисрада сохта файласуфнинг яна айрим "хислатлари"га ҳам ишора бор) кишида енгил кулги қўзғайди. Бу чиройли ва оқорли ўхшатиш фақат тасвир аниқлиги учунгина эмас, балки юмористик фон ифодаси учун ҳам ҳолис хизмат қилган. Айни ўхшатишнинг лингвопоэтик асоси ва шаклий ҳажми бошқа ўхшатишлардан мутлақо фарқ қилмаса-да, шоирнинг маҳорати билан у сервазифа (полуфункционал) воситага айланган, айтиш мумкинки, айни ўхшатиш яна ҳам "ишчанлашган".

Ойбек ёмон, нафратга лойиқ кишилар, нарсаларни тасвирлар экан, уларга нисбатан беҳад салбий бўёққа эга бўлган ўхшатиш эталонларини қўллайди. Масалан, "Зафар бизники" шеърида фашист галаларига ўтли нафратини ифодалар экан, "Чўқалардек янчиб киради Тинч ўлкалар чаманзорига" деб ёзади. Ёки бою-боёнлар ҳақида ғазаб билан гапирар экан, "Октябрь... Инқилоб... Қалқди офтоб, Боёнлар мушукдек қочди тумтароқ" деб ёзади. "Деҳқон" шеърида айрим нопок шайх-эшонларга бўлган ўткир нафратини мана бундай ифодалайди;

Шайху эшон — жаҳл хайкали,
Эшитилса оқча жаранги.
Бир-биридан олғир ва ютоқ,
Дум ўйнатар оч ит сингари.

Ўхшатишларнинг ҳаққонийлиги ва ўткирлиги аниқ кўриниб турибди.

Ойбек шеърларидаги ўхшатишлар лингвопоэтикасидаги яна бир муҳим ва мақбул ҳолат шундан иборатки, шоир ўхшатиш яратар экан, кўп ҳолларда ўхшатиш субъектига шундай ўхшатиш эталони танлайдики, улар ўртасида кучли тазод юзага келади. Бу зидлик ўхшатишнинг эстетик қиммати, унинг тасвирийлигини, образлилигини янада оширади. "Янги йил" шеърдан олинган мана бу парчага эътибор қилайлик:

Кампир тарих яна ёш бир қиз каби
Гулдор каштасини тикишга ёйди.

Шоир "кампир тарих" учун "ёш бир қиз" тарзидаги ўхшатиш эталонини муносиб кўрган, кампир ва қиз тушунчалари ўртасидаги ўткир ва абадий зидлик ўхшатишнинг поэтик мазмунини яна ҳам бўрттирган. Янги йил образи жуда чиройли ва бетакрор равишда таъкидланган ва тасвирланган. "Кампир тарих"га яна бир ёш қўшилди, яна ҳам қариди, аммо у яна ҳам кексайган бу ёшида ҳам яна "гулдор кашталар тикишга" шай, яна яратишлар, яна қурилишлар, яна гўзалликлар... Ойбек шеърларида бундай зидликка асосланган ёрқин ўхшатишлар бениҳоя кўп. Мана уларнинг айримлари:

Зарбдор бўлган чол отанг
Қирчиллама йигитдек.
Филдир теримда онанг,
Ўзи кичик чигитдек.

("Қишлоқ қизи — студент")

Мана, йигитдай ишлар Умрзоқ ота,
Кетмоннинг зарбидан ерлар ларзада

("Шодиёна")

Ойбек шеъриятидаги ўхшатишлар лисоний жиҳатидан бирон-бир алоҳида, жуда фарқли хусусиятига эга бўлмаса-да, поэтик жиҳатдан беҳад ўзига хос ва бетакрордир. Ойбек шеъриятидаги ҳар бир ўхшатиш кузатувчан шоирнинг ўткир нигоҳи, нафис ва вазмин мушоҳадасининг маҳсулидир. Бу гапларни Ойбекнинг улкан ва салмоқли прозасига нисбатан ҳам бемалол айтиш мумкин. Бу улкан сўз санъаткорининг биргина ўхшатишлар яратиш санъатининг ўзи ҳам туганмас маҳорат сабоғи, битмас ибрат мактабидир. Ҳар бир санъаткордан "Тошга ҳам, рангга ҳам, сўзга ҳам ҳаёт нури билан бер жило" деб талаб этган шоир сўзнинг жилосини ҳаминша табиатдан, ҳаётнинг ўзидан тинмай излади ва уни бутун мукамаллигича топиш бахтига муяссар бўлди.

Бундай бахтга мушарраф бўлган сўз санъаткорлари адабиётимизнинг катта майдонида оз эмас, албатта. А. Қодирий, У. Носир, Ғ. Ғулом, А. Қаҳҳор, Ҳ. Олимжон, А. Мухтор, О. Ёқубов, Э. Воҳидов, А. Ориповларнинг ижоди ҳам бу жиҳатдан, шубҳасиз, ибрат мактаби, тиниқ бир чашмаки, ёш ижодкорларимиз улардан тинимсиз ўрганмоқлари лозим.

Аmmo катта ёзувчиларимизнинг ҳам кўпгина асарларида кўриш ва кўрсатиш санъатининг мукаммал эмаслиги, ҳатто ночорлиги, таассуфки, кишини ўйлантиради. Ана шу кўпгина асарлардан мисол тариқасида фақат биттасига — Ф. Мусажоновнинг "Душанба, нонуштадан сўнг" (аввалги номи "Сунбула") қиссасига тўхталиб ўтиш мумкин. Маълумки, Ф. Мусажонов — катта тажрибали ёзувчи, унинг қаламига жуда кўп катта-кичик асарлар мансуб. Бироқ мазкур қиссада ёзувчининг тасвирлаш тили, кўрганини кўрсата олишини қониқарли деб бўлмайди. Бу ҳол, айниқса, ёзувчи яратган ўхшатишларда жуда-жуда кўзга ташланади.

"Душанба, нонуштадан сўнг" қиссасида (Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1976) ўқиймиз: "...бу кўзойнак таққан, паканагина, қўлида ўртача сандиқдек келадиған улкан папка кўтариб олған бир шахс эди" (67-бет). Аввало, папка сандиққа ўхшайдими ёки портфель дейилмоқчими? Шубҳа туғилиши табиий: ёзувчи сандиқни кўрганмикан? ..."Ўртача сандиқдек" келадиған папка (портфель) бўлиши тасаввурга сиғадиган гап эмас. "Ўртача сандиқдек келадиған улкан папка" бирикмасида кучли мантиқий номутаносиблик борлиги ҳам сезилиб турибди: "ўртача" ва "улкан" тушунчалари мутлақо сиғишмайдиган, бир-бирига зид тушунчалардир. "Улкан" сўзининг маъноси кўполроқ қилиб айтганда, "бениҳоя катта" дегани. У ҳолда китобхон "улкан папка" деганда нимани тушуниши керак?... Айни объектни ёзувчи тийрак кўз билан кузата олмаган. Натижада ана шундай "антиқа" ўхшатиш пайдо бўлган. Ўхшатишдан мақсад эса тасвирланаётган объектни яна ҳам реалроқ, образлироқ, ифодалироқ, таъсирлироқ қилиб кўрсатишдир. Мазкур ўхшатиш эса "бетаъсир" бўлиб қолган.

Тасвир объекти билан ўхшатиш эталонининг номувофиқлиги мазкур асарда жуда кўплаб учрайди: "Энг аввал (ошни) отнинг калласидек қилиб ўзи олди" (82-бет). "Қизнинг шарбат сизиб тургандек қип-қизил лаби одамни маст ва жинни қилиб юборадиган даражада тотли эди" (129-бет).

Ҳолат тасвири учун ёзувчи қўллаган ўхшатишларнинг кўпчилиги муаллақ. Мана айрим мисоллар: "Бу орада беш-олти марта тубсиз жарга қулаб тушгандек ширин уйқуга гарқ бўлди"

(71-бет). Бу ўхшатишни қандай тушуноқ мумкин? Ахир, одам ширин уйкуга гарқ бўлганда, у ўзини тубсиз жарга қулаб тушгандек сезмайдику. Бу икки ҳолат бир-бирига мутлақо тескари-ку... Ёки маана бу ўхшатишга диққат қилайлик: "Эрки ва майли таҳқирланган, иззат-нафси оёқ ости қилинган, виждони лат еган, асирликка кетаётган сотқиндек ҳис этарли ўзини" (160-бет). Асирликка кетаётган сотқинда виждон нима қилсин?... Шундай ўхшатиш шартми?...

Қуйидаги гапдаги ўхшатиш ҳам жуда жўн ва чучмал, қаҳрамон ҳолати билан ҳиссий боғланган эмас: "Мирзамухаммад Расулевич нигоҳи остида унинг дадиллиги ва журъати қиздирилган қозонга ташланган қўй ёғидек эриб кета бошлади" (90-бет). Дадиллик ва журъат қўй ёғининг ёнида беҳад ғариб бўлиб қолган...

Бундай мисолларни яна давом эттиравериш мумкин. Қўринадики, ёзувчи кўриш ва кўрсатишдай адабиётнинг бош масаласига старли эътибор бермайди.

Энди ёш ижодкорларнинг бу масалага қай даражада эътибор бераётганликлари қақдида сўз юритайлик.

Ҳозирги ёшлар ижодида, хусусан, ёшлар шеърлятида ҳам ўхшатишларнинг гўзал намуналарини кўплаб учратамиз, шоирларимиз табиат ва инсоннинг мураккаб ҳаётини бутун нозикликлари билан кўришга ва кўрсатишга астойдил ҳаракат қиломқдалар, бадий тил имкониятларидан беҳал даражада фойдаланишга интиломқдалар. Айниқса, Хуршид Даврон, Азим Суюн, Усмон Азимова, Муҳаммад Солиҳ, Шавкат Раҳмон, Усмон Қўчқоров каби шоирларнинг номларини бу ўринда алоҳида таъкидлаш мумкин.

Хуршид Даврон сўзга чин масъулият билан муносабатда бўлади, бадий сўзнинг алоқсиз имкониятларини тинимсиз излайди. "Мен истайман шеъримда Сўз куйин, сўз рақсини ..." "Менинг шеъримдан узиб қилласин "Гул" сўзин" деб ёзади у. У ана шундай мақсад, ана шундай талаб билан шеър ёзади. Хуршиднинг шеърлярида ўрнига тушган, нозик кузатишлар асосида келган ўхшатишлар кўп. Масалан, "Ҳовузда..." шеъри шундай бошланади:

Ҳовузда чайганча кумуш сочларин,
Қуш иници эримаёй ётган қордек,
Оқариб порлайди дарахт узра ой.

"Қуш иници эримаёй ётган қордек" ўхшатишни аввало тасвир аниқлиги учун кизмат қилган, аммо шугина эмас, у айни пайтда конкрет деталь ҳамдир, яъни қишнинг охири, баҳор эшик қоқиб

турганлигига ишора (шеър давомида яна конкретлашиб боради, шеър "Баҳор олиб чиқар кенг далаларга..." мисраси билан тугайди). Кўринадики, айни ўхшатиш ҳам экспрессивлик жиҳатидан, ҳам конкрет мазмун жиҳатидан беҳад тўқ. Хуршид "Доҳий сурати қаршисида" шеърда:

Ҳар сўзимни қўнғироқнинг тиллари каби
Юрагимга уриб-уриб жаранглатаман...

деб ёзади. Жуда чиройли ва оригинал ўхшатиш, кучли эмоционалликка эга. Бу ўхшатиш йўқ гоёт нозик ва қуюқ образлики юзага келтирган, шеърхон "сўзларнинг бундай рақсидан" қузур қилади. Лекин ...

Улуғ Амир Навоий ўзининг "Мажolisун-нафoис" асарида шундай воқеа ҳикоя қилади: "Баҳорнинг ёмғирли кунларидан бирида у Лутфий билан учрашиб қолади. Мавлоно Лутфий Амир Хисрав Деҳлавийнинг бир шеърдаги гўзал маъно ва ўхшатишни жуда ҳам мақтаб айтиб беради, яъни: "Маҳбуба ёмғирли кунда йўлда кетаётиб, тийганиб йиқилиб кетай дейди. У шу қадар гўзал ва нозикки, ёғётган ёмғир торини ушлаб, унинг мадади билан ўзини ўнглаб олади". Бу ўхшатиш Навоийга жуда маъқул тушади. Олий мажлисларнинг бирида Навоий бу ўхшатишни Ҳусайн Бойқарога айтиб, унинг ҳам ҳайратланишини кутади. Аммо Бойқаро "Юқоридан настга тушаётган ёғин риштаси йиқилаётган киши учун мадад бўла олмайди" деб, зътироз билдиради. Навоий Бойқаронинг ўткир мантиқи ва шеър-фаҳмликдаги заковатига қойил қолади...

Хуршиднинг юқоридаги ўхшатиши ҳам беҳад гўзал бўлса-да мантиқ бир қадар бузилган, яъни қўнғироқнинг тиллари жарангламайди, балки қўнғироқнинг ўзи жаранглайди; мантиққа кўра агар "сўзни қўнғироқнинг тиллари каби юракка урилса", сўз эмас, юрак жаранглаши керак...

Усмон Азимовнинг шеърларида ҳам чиройли, тиниқ ўхшатишлар кўп: "Ёмғирдай бир соғинч кўксимга тўлди..." ("Абдулла Қодирий" шеъри). "Ғилдирақлар изи йўлда Тўзғиётган калава", ("Эски қўшиқ" шеъри) ва ҳоказо. Лекин "Командир — Бўридек ташлар нигоҳ, Укаси ерга боқар..." ("Йигирманчи йиллар балладаси") каби унчалик ҳам маъқул бўлмаган ўхшатишлар ҳам кўзга ташланади. "Бўридек ташлар нигоҳ" деганда, салбий бўёқ ифода қилинади, айни ўхшатиш эса қизил командирга, укаси хоин чиқиб қолганда, уни отиб ташлашни буюрган ҳақиқий инсонга нисбатан берилган. Тўғри, асардаги ўхшатишлар, умуман, тасвир воситалари алоҳида олиниб эмас, балки яхлит асар билан

боғлиқ қолда баҳоланмоғи лозим. Ана шундай қилинганда, аини ўхшатишнинг ўрнига тушмаганлиги яна ҳам аниқ билинади.

Афсус билан айтиш лозимки, кўпгина шоирларнинг шеърларида бирон-бир поэтик мақсадга хизмат қилмайдиган, бевосита кузатиш эмас, балки ком тасаввур маҳсули бўлган палағда ўхшатишлар кўзга ташланади. Албатта, бундай ўхшатишлар шеърнинг бадиий қимматини йўққа чиқаради. Шеърдаги ҳар бир ўхшатиш муайян мақсадни кўзламоғи, бу мақсад учун тўлиғича бўйсундирилмоғи лозим. Ҳатто ташқи шаклий ўхшашликларга асосланган ўхшатишлар ҳам қаҳрамоннинг муайян ҳиссий ҳолатлари, ассоциациялар билан боғланмоғи керак. М. Ю. Лермонтов "Замонамиз қаҳрамони" романининг дастлабки вариантида ошиқ офицер Грушницкийнинг мундиридаги эполетларни иккита котлетга ўхшатади. Романнинг кейинги таҳририда эса аини ўхшатишдан воз кечади ва ошиқ Грушницкийнинг эполетларини Амурнинг қанотчаларига ўхшатади. Биринчи ўхшатиш жуда аниқ ва конкрет, аммо ошиқ қаҳрамоннинг ҳолати билан мутлақо боғланмайди; иккинчи ўхшатиш эса ошиқ ҳолати билан ассоциатив боғлиқликка эга. Амур-юнон афсоналаридаги севги худоси (Шу ўринда Ф. Мусажоновнинг "қўй ёғидек" ўхшатишнинг қанчалик муваффақиятсиз эканлигини яна бир бор эслаш мумкин). Ана шундай конкрет эстетик мақсадга бўйсундирилгандагина ўхшатишлар поэтик қиммат касб эта олади.

Якшигина шеърлар муаллифи Икром Отамуродов мана бундай ўхшатиш қўллайди: "...Ял-ял ёнган лолақизғалдоқлар сингари хушбўй бир қўшиқ, бир қўшиқ..." ("Шитир-шитири бошланар..." шеъри). Лолақизғалдоқни ранг жиҳатидан бошқа нарсага ўхшатишга жониз бўлар, лекин хушбўйлик жиҳатидан... Ахир, қизғалдоқ хушбўйга мутлақо эга эмас-ку. "Қулочларим керилган..." номли шеърида "...замияни, қуёшни, гулларни қучаман —...— авайлайман уларни ва кўтариб юраман чақалоқлар сингари" деб ёзади. Бу ерда ҳам мантиқдан маҳрум ўхшатишга дуч келамиз: чақалоқлар доимий кўтариб юриладиган ("кўтариб юрмоқ" феълнинг иккинчи қисми ҳаракатнинг доимий, давомли бажарилишини таъкидлайди) "нарсалар" эмас-ку. Ёки: "Гўрўғлининг ғироти шамол бўлиб бамисли, етиб келсада кишнаб..." ("Улугбекнинг ўлими"). Ғиротнинг ўзини асли шамолдан тез дейилади-ку.

Бадиий восита сифатидаги ўхшатишда нимани нимага ўхшатиш ва нима мақсадда ўхшатиш муҳим. Мащхур адабиётшунос Виктор Шкловский ёзади: "Образлиликнинг мақсади образни бизнинг тушунишимизга яқинлаштиришдир, образ орқали

кўрсатилаётган нарсга қараганда образнинг ўзи бизга кўпроқ таниш бўлмоғи лозим, чунки бусиз образлилик мазмундан маҳрумдир". Мана бу икки мисра Сафо Очилнинг "Бўйтерак" номли шеъридан олинган: "Ўй сураб мусаффо ҳаво қўйнида, гўдакдай бошини қилиб у сарак". Аввало "сарак" сўзи нотўғри қўлланган, унинг маъноси "сараланган, энг яхши" демакдир. Шоир уни "сарак-сарак" сўзи ўрнида нотўғри ишлатган. Чунки бундай сўз фақат жуфт ҳолда қўлланади. Ўхшатиш эса жуда ҳам муаллақ. Гўдак бошини сарак-сарак қилиб турардими ва унинг бу ҳаракати доимийми? Бундай зўрма-зўраки ўхшатишдан мақсад нима? Мазкур шеърни охиригача ўқисангиз ҳам аини саволга жавоб тополмайсиз.

Шоир Исмоил Тўлакнинг шеърларида чиройли ўхшатишлар талайгина, у "Пахтазорни соғинганда" номли шеърда мана бундай лисоний ва поэтик моҳияти тўқ ўхшатишлар яратили: "... Майдалаб ўрилган сочлардек эгатларга таралган сувлар — най кўксидан оқаётган оҳанглар каби сирли-сирли жилдирайди-лар". Парчадаги ўхшатишлар лирик қаҳрамоннинг ҳиссий ҳолати билан ҳам уйғун. Аиниқса, биринчи ўхшатиш шоирнинг ўзига ҳам жуда маъқул тушган бўлса керак, аини шу ўхшатишни "Ғани бобо" шеърда ҳам такрорлайди: "Қирққокил қизларнинг тақимиға урган Сочларидек бир саф эгатларга сув тарамоқда..." Албатта, энди бу "оҳори тўкилган" ўхшатиш. Айрим шоирлар баъзан билибми, билмайми, бирон-бир шеърдаги чиройли ўхшатишни ўзиники қилиб ҳам қўллаб-юборадилар. Масалан, таниқли шоира Ҳалима Худойбердиеванинг "Ҳаёлларим..." шеърда "Бошим узра савол бўлиб эгилади ой" тарзидаги дилбар бир ўхшатиш бор. Яхшигина шеърлар ёзиб турган иқтидорли ёш шоира Севара Тўлаганова "Сўроқдай эгилган хира ой мангу — Сени ёдга солар ." ("Қувноқ гурунларда..." шеъри) тарзида ўхшатиш қўллайдики, бу икки шоиранинг икки ўхшатишида айнан ўхшашлик бор.

Хуллас, ҳар бир бадий тасвир воситаси каби ўхшатишлардан фойдаланганда ҳам унинг нима мақсадда ишлатилаётганлигига, унинг ҳам мантикий, ҳам поэтик мазмунига алоҳида эътибор бериш лозим. Акс ҳолда у ҳеч қандай эстетик қимматга эга бўлмайди. Л. Н. Толстой айтгандек, ўхшатиш тасвирнинг "энг табиий ва энг ҳаққоний воситаларидан биридир". Аммо у ўз ўрнига тушгандагина, конкрет бадий мақсадга тўласича йўналтирилгандагина ана шундай восита бўла олади. Ижодкорнинг ўткир кўзи ва мувофиқ, мунтазам сўзи бирлашгандагина маъзи тўқ ўхшатиш юзага келади. Ана шу бирликкина ҳаққоний тасвирни таъмин этади.

ҲАР СЎЗНИНГ ЎЗ ЎРНИ БОР

Кейинги пайтларда ўзбек тилининг тараққиёти, адабий тил нормалари, бадий сўз масъулияти, сўзнинг бадий нутқдаги устивор ўрни каби масалаларга жиддий диққат қилинмоқда, бу соҳадаги нуқсонлар ютуқлар давр руҳига мос равишда ошкора, дангал айтилмоқда. Бир пайтлар мавзунинг муҳимлиги, замонавийлиги ниқоби остида сунъий ҳамду санолар билан тақдирланган бадий нўноқ асарларнинг зўраб кийдирилган "размери катта, чиройли либослари" ечиб олиниб, уларнинг ҳақиқий сийрати очиқ кўрсатиб берилмоқда. Зотан, бадий асар тилидаги нўноқликни ҳеч нарса — кўтарилган мавзунинг жамият учун долзарблиги ҳам, муаллифнинг ёши ёки мавқеи ҳам мутлақо беркитолмайди. Шу нарса ҳам равшан ҳақиқатки, тилдаги андак сакталик фикрдаги муайян номукаммалликнинг ёки, аксинча, фикрдаги салгина ноаниқлик тил кўникмаларидаги ночорликнинг қонуний натижаси сифатида намоён бўлади. Шунинг учун тил жиҳатидан номукаммал бадий асар мавзу ва ғоя жиҳатидан мукаммаллик даъво қилиши ёки мавзу ва ғоя жиҳатидан номукаммал асар тил жиҳатидан комиллик даъво қилиши ҳақиқатга мутлақо зиддир. Ана шунинг учун ҳам бадий сўзнинг бой ва қадим тарихидан то ҳозирги кунга қадар тил маҳорати масаласи оқил ва одил сўзчилар эътиборидан четда қолган эмас.

Бу каби муҳим масалалар ҳақида сўнгги пайтларда жуда кўп ва хўб гапирилди. Ана шулар ҳақида ўйлаганда наср тили алоҳида диққатга сазовор. Ҳозирда эълон қилинаётган асарларни тил жиҳатидан, бадий тил маҳорати нуқтан назаридан муайян бир савияда деб бўлмайди, ҳатто баъзилари бу жиҳатдан бир-биридан ер билан осмонча фарқ қилади.

Бу насрий асарлар орасида истеъдодли ёзувчи Хайридин Султоновнинг ҳикоялари ("Шарқ юлдузи", 1988 йил № 1) ҳар жиҳатдан диққатга сазовордир. (Айни журналнинг 2-сонида Чўлпоннинг "Кеча ва кундуз" романининг боши ҳам чоп этилган. Бадият жиҳатидан беҳад гўзал бу романнинг тили алоҳида таҳлил ва тадқиқ этилмоғи лозим). Ёзувчининг, айниқса, турмуш ташвишлари ва умрнинг ўктам мазмуни ҳақида чуқур самимият билан ҳикоя қилинган "Умр эса ўтмоқда" асари умуман бадият, хусусан, бадий сўз маҳорати жиҳатидан унинг чинакам муваффақиятидир. Ҳикоянинг сарлавҳасидаги эса ёрдамчи сўзига диққат қилинса, бу сўзга ёзувчи жуда катта поэтик юк қўйганлигини, ҳикоядаги асосий ғоя айна шу ёрдамчи сўз билан алоҳида таъкидланганини дарҳол сезиш мумкин. Ёзувчи эса сўзининг туб моҳиятини чуқур ва нозик идрок қилади, бу сўз

алоҳида таъкидланганини дарҳол сезиш мумкин. Ёзувчи эса сўзнинг туб моҳиятини чуқур ва нозик идрок қилади, бу сўз айни ҳикоя контекстига кўра умрдан бошқа барча муҳим ва номуҳим воқеа-ҳодисаларга кескин таъкидли ишора қилади. Айтиш мумкинки, сарлавҳанинг ўзиёқ китобхонни ҳикоянинг, ҳикоядаги воқеаларнинг руҳига олиб киради, аслида ҳар қандай сарлавҳа ҳам ана шундай ўткир бўлиши керак.

Назаримда, Хайриддин сўзнинг ичнини ҳам, ташини ҳам нақд кўриб туради, шунинг учун сўзнинг "ичини" поэтик мақсад билан "кенгайтира, каттайтира" олади. Шунинг учун бир сўзга бутун бошли воқеалар, муайян даврнинг маъною мазмунини сингдира олади. Бу унга бир қанча воқеаларни кўплаг саҳифаларда қуруқ баён қилишдан, кераксиз таъсифлашдан халос бўлиб, бу воқеаларни бир неча сўз воситасида фотографик тасвирлай олишдай олий имкониятни беради. Ёзувчи ҳикоя қаҳрамони Озоднинг шу елгача топган нарсаларини мана бундай кўрсатади: "Шу кунгача эришган нарсалари кўз ўнгилан бир-бир ўтарди: институт, диссертация, бегалва ил, бетон каталак, котик, тўрт қиз, тарвуздек қоринча, тепакал, қон босими..." Бу "икки кам элик" йиллик умрнинг асосий нуқталарининг икки энлик, аммо бениҳоя баъдий тасвири, бешафқат расми. Нўноқроқ Ёзувчи буларни тасвирлаш учун анчагина саҳифа сарфлаган бўларди.

Ёзувчи сўзларнинг ўзаро бириктиш имкониятларини ҳам поэтик мақсад билан кенгайтиради, оҳорли, фавқулодда сўз бирикмалари тузади ва бу китобхонга эриш туюлмайдди, балки ўзига хос нозик тасвир сифатида жозиба касб этади. Мана биргина мисол: "Ҳа, ишқилиб, қасрла бўлсанми, тинч бўлсин, негад омонат тасалли қариндошлар ўртасидан кўтарилган алланиманинг ўрнини босгандек туюлди". "Омонат тасалли" бирикмаси таъриқиятнинг бирикма, лекин "ини ўриндаги тушунча ва мақсад учун фавқулодда мувофиқ, айни "тасалли"нинг майда-чуйда қирралари ҳам "омонат" сўзи орқали самимий ва ўта аниқ гавдалантирилган. Шунингдек, айтиш лозимки, "алланима" сўзи ҳам маънан кенгайтирилган ҳолда қўлланган, бу сўз ўрнида "оқибат", "яқинлик", "қариндошлик" ва бошқа шу каби сўзларнинг бир нечтаси қўлланганда ҳам "алланима" сўзидаги самимий бир руҳ ва мазмуний теранликни ифодадай олмас эди. Хайриддин сўзнинг руҳини яхши англайди, сўз руҳи билан ҳикоядаги фикр руҳини ўта уйғунлаштира олади.

Хайриддиннинг айни ҳикоясидаги воқеалар ривожини, фикрлар бениҳоя-изчил, ўта таранг, лекин бу таранглик атайин эмас, балки табиий, суъбийликдан мутлақо йироқ. Тасвирда ҳам

қаршилантириш мазкур ҳолатга мувофиқ равишда жуда ўткир, ҳикоядаги жумлаларнинг қурилишига эътибор қилинса, қаршилантириш шаклидаги синтактик конструкцияларнинг нисбатан кўплигини илгаш мумкин. Воқеалар ривож, таранглиги жумлалардаги қисмларнинг ўзаро қарама-қарши қўйилиши билан тадрижий равишда таъкидлаб борилади. Воқеа руҳи билан ҳикоянинг тил структураси руҳи фавқулодда уйғучликка эга. Мана айрим мисоллар: "Қирқдан кейин киши умрига умр қўшилмаслигини, аксинча, умр кетишини ҳам... яққол англади". "...Қилган ишларидан кўра ҳали қилиб улгурмаган ишлари кўп..." "Улар мени танимас, бироқ мен ҳам уларнинг бирортасини танимаяпман-ку?" "Отақуловнинг онаси гулга эмас, пахтага бошқоронғи бўлган экан". "Аммо эртасига норасо ишларимиз расо эмас, расво бўлиб кетмаганига ҳам шукр қиламиз". "Йиллар, асрлар ўтган сари одамзоднинг ақлу тафаккури кўпайса кўпаяр экан-у, лекин меҳру муҳаббати, шафқати кўпаймас экан". "Саволлар кўп, у ёлғиз эди" ва ҳоказо. Қисқаси, Хайриддин Султоновнинг ушбу ҳикоясида деярли ҳар бир сўз поэтик мақсадга тўласича бўйсундирилган, текстда ўзининг мувофиқ ва мунтазам ўрнини топган. Тўғри, бир-икки ўринда (масалан, "Нима гумроҳ (?) босди ўзи, ахир?") У қадар ҳам ўрнига тушмаган сўзлар кўзга ташланади, аммо умуман ҳикоянинг гўзал тилига бундай бир-икки ҳолат ҳеч бир соя сололмайди.

Ёш ёзувчи Жаббор Эшонқуловнинг "Турсунқулнинг тушлари" ҳикояси "Ёшлик" журналида (2-сон) "Танишув" рубрикаси остида эълон қилинган. Ҳикоя анча ихчам, тили ҳам ширали. Мана айти ҳикоядан бир жумла: "Уфқ чимилдиқдаги келинчакнинг юзларига ўхшайди гўё..." Бу оригинал, ҳолат тасвирига мувофиқ топилма. Бу ёш ёзувчидан яна ҳам кўпроқ ана шундай топилмалар кутишга асос борга ўхшайди.

Таниқли ёзувчи Эргаш Раимовнинг "Ҳожи ташвиш" номли ҳикоясида ("Шарқ юлдузи", 1-сон) сўз қўллаш маҳорати бир текис эмасдай гуюлади. Масалан, ушбу жумлада сўзлар, ўхшатишлар тасвир объекти характериға мувофиқ: "Юзи соғилмаган сигирнинг елинидай қип-қизил, пияниста башара бу хотин бировни билетсиз ушладими, тамом, канадай ёпишди-қолади". Сигир, кана ва салбий персонаж... Номутаносиблик йўқ, аксинча, тасвирда қабариқ тиниқлик мавжуд. Энди мана бу жумлага диққат қилайлик: "Иккалангнинг ҳам погонингдан айланай, болаларингдан айланай,— деди у ялтоқланиб..." Бу ердаги "у"— Ҳожи ташвиш, ҳикоянинг бош қаҳрамони, ҳамманинг ташвишини қилиб юрадиган, бағри кенг, том маънодаги яхши

одам. Ёзувчи ҳам уни самимият билан тасвирлайди. Аммо мазкур жумладаги биргина "ялтоқланиб" сўзи Ҳожи ташвишга ёпишмайди, бу сўздаги ўта салбий бўёқ бир дақиқагина китобхонда айни образга нисбатан мужмал муносабатни уйғотади. Сўз ва қаҳрамон руҳида номунаосиблик бор, бу албатта, бадий сўз кучини заифлаштиради. Ёзувчи асарида бадий сўз маҳоратининг бир текис бўлишини талаб этишга ҳар биримиз ҳам бурчлимиз.

Ёш ёзувчи Шойим Бўтаевнинг "Ёшлик" журналининг 1-сонида эълон қилинган "Тоғликлар" туркумидаги яхшигина ҳикояларида ҳам пишиқ, сайқалланган жумлалар билан бир қаторда анчайин хом, ишланиши керак бўлган жумлалар, ўрнига тушмаган ёки муносиб ўрнини топа олмаган сўзлар ҳам анчагина. Журналнинг шу сонида бу ҳикоялар ҳақида фикр билдирган ёзувчи Нурали Қобул уларда "ғализ жумлалар, ноўрин ишлатилган сўзлар бор"лигини айтиб ўтади. Ёзувчининг "...Бежо хаёллар қандай келиб қолганлигини ўйлаб ўтирмай, уларни миямдан хонадаги чивиндай қувиб чиқармоғим керак". "Аҳмаднинг латифалари оёғи енгил хотиндай бир зумда хонама-хона кезиб чиқади" ("Зулмат" ҳикояси) каби жумлалари тасвирнинг айни ҳолатга ўта мувофиқлиги, сўз тизимининг тиниқлиги билан кишини қувонтиради. Аммо "Болалар жим бўлишди. Қийшанглаб-қийпангла-ётганларини туртишиб, дўқ уришиб тинглашга мажбур қилишди" ("Эртас" ҳикояси) каби ҳолатда ёзувчи "қийпангламоқ" ва "қийшангламоқ" сўзларининг маъно қирраларини, руҳини яхши ҳис этмагандай туюлади, акс ҳолда бу сўзларни болаларга нисбатан ишлатмаган бўларди... Шойим кўпроқ чиройли сўзга қизиқадигандек туюлди менга. Бу айниқса "Зулмат" ҳикоясида сезиларлироқ. Шу ҳикояда ишлатилган "шаффоф", "вобаста", "мулоқот" каби сўзлар ўз ўрнида эмас. Масалан, "шаффоф тоғлар", дейди ёзувчи. Лекин шундай деб бўладими? Албатта, бўлмайди, чунки тоғ шаффоф бўлиши мумкин эмас. Ёки мана бундай изоҳда ҳам мантиқ дуруст эмасга ўхшайди: "Негадир унинг исмига "Бадал" сўзини қўшиб айтишарди. Шошқалоқлиги, ғалати-ғалати ҳаракатлари босидандир". "Бадал" сўзининг маъноси "эвас", "тўлов" демакдир, кўринадик, бу сўзда шошқалоқликка, ғалати-ғалати ҳаракатларга ҳеч бир ишора йўқ. Шундай экан, айни изоҳ нишонга теккан эмас. Шойим Бўтаев, шубҳасиз, иқтидорли ҳикоянавис, ана шунинг учун ҳам ундан пишиқ-пухта жумлалар кутишга ҳақлимиз.

Ана шундай нотугал жумлалар, ҳис қилинмасдан қўлланган сўзлар "Ёшлик" журналининг 1-сонида эълон қилинган Незмат

Арслонов ва Асад Дилмуродовларнинг ҳикояларида ҳам тез-тез кўзга ташланали.

Сўзни етарли ҳис қилмаслик, ўхшатишлардаги мантиқий зиддик, кўп сўзликлик, грамматик жиҳатдан сўз формаларининг ногўрри қўлланиши каби нуқсонлар Саид Равшаннинг "Дўзах" номли қиссасида ("Шарқ юлдузи", 1-сон) жуда-жуда сезилади. Мана бу парчага эътибор қилайлик: "Қудуқ ичи нам, зах эди. Деворлари, сатҳининг у ер-бу ерида яккам-дуккам янтоқ, туятовон. чучукмия ўсган". Қудуқнинг сатҳи деганда нима тушунилади? Агар қудуқдаги сувнинг сатҳи дейилмоқчи бўлса, у ерда янтоқ ва ҳоказо қандай ўсади? Ёки мана бу парча: "Чўзилиб, бир оз хорлиқ ёйди. Атрофга тикилди". Аввало тўғриси "ҳорлик чиқарди" бўлади. Кейинги жумлага келсак, атрофга тикилиб бўлмайди, қараш мумкин, чунки "тикилмоқ"да қатъий бир йўналиш бор "атроф" эса кўп йўналишли. Шунинг учун "атрофга тикилди" бирикмасида ҳам мантиқий, ҳам лингвистик зиддик бор. Ёки "Бир газча баландликка кўтарилганида бир "зина" ўпирилиб, у қайтиб пастга қулаб тушди". Аввало "газ" эскирган сўз (0,71 метрни билдиради), "метр" сўзини қўллаганда ҳам шу ўринда ёзувчи ҳеч нима қотқизмайди, балки ютади, кўпчиликка тушунарлироқ бўлади. Мазкур гапининг иккинчи қисмида эса "иншламаётган", орғиқча сўз кўп. "Қулаб тушди" бўлгандан кейин, табиийки, тепага эмас, албатта пастга бўлади, "қулаб тушди"нинг ичида "қайтиб" маъноси ҳам бор. Сўз исрофгарчилиги нақд кўриниб турибди.

Ёзувчининг "Катта, йўғон, узун қувурлар худди темир йўл изидек бир чизик бўйлаб ташлаб кетилган" қабилидаги ўхшатишларида мантиқий зидлик ман-ман деб туради. Темир йўл изининг бир чизик эмас, балки икки чизиклиги маълум-ку! Одатда "Сув ичгиси келгандай сув ичи" жумласи қўлчили туюлади, чунки унда тавтология бор. "Дўзах" қиссасида эса шунга ўхшаш "Бош бухгалтер ҳаловати бузилган одамдек бетоқатланди" тарзидаги ўхшатишлар бадиийлик сифатида тақдир этилади. Мана бу гапдаги грамматик формага диққат қилайлик: "Давронбеков кеча областда (?) аллақандай бир йиғинга кетганди". "Областда" сўз формаси ўзбек тилининг грамматик қонуниятига кўра ё "областдаки", ё "областга" тарзида бўлиши керак.

"Дўзах" қиссасидан юқоридаги каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Бу каби сўз сакталиги "Шарқ юлдузи"нинг шу сонида эълон қилинган Нортўхта Қиличевнинг икки ҳикоясида ҳам анчагина.

Мана бир неча мисол "...ўттиз ёшлардаги йигитга қуштакаллуфлик билан эланиб..." (93-бет) "Қуштакаллуфлик" ва "эланиш" бир-бирини инкор қилади, улар мутлақо ситишмайди. "Капитан" даҳанаки тортишувни эшитиб, орқага ўгириларкан: Биринчи!— деди нўписи уриб" (94-бет). "Эшитиб" бўлгандан кейин "даҳанаки" сўзи шарт эмас. "Дўқ урди" дейиш мумкин, лекин "нўписи уриб" деб бўлмайди, ўзбек тилида "нўписи қилмоқ" дейилади. "Мулакай ўз-ўзи билан қилган мунаққашаси (?) пировардида Давлат кўн... қарсаларни хитидан англаб еткандек бўлган эди" (100-бет). "Мунаққаш" дегани "нақшланган, нақшан" деган маънони билдиради. Ёзувчи учун керак бўлган сўз эса "муноқаша" бўлиб, унинг маъноси "мунозара, баҳс" демакдир. Аслида бу эскирган сўз жуда ҳам шарт эмас эди, "баҳс" сўзи қўлланганда ҳам ҳеч нарса ўзгармас эди, қайтага ёзувчининг ўзи адашмаган бўларди.

Бир неча насрий асарларининг тили юзасидан билдирилган бу мулоҳазалардан мурод у ёки бу ёзувчининг муайян сўзнинг ўрнига тушира олмаганлигини, асаридаги лисоний нуқсонларни унинг юзига солиш, писанда қилиш эмас. Бу мулоҳазалардан мурод фақат ва фақат муҳтарам ёзувчиларимизнинг ўзлари жуда яхши биладиган бир масъулиятни бадий сўзнинг абадий масъулиятини яна бир бор эслатишдан иборатдир.

МУНДАРИЖА

Ўзбек тилининг ижтимоий тарихидан	3
Ўзбек тилининг яширин бойлиги	34
Атамаларни соф ўзбекча қилиш йўлида	61
Тошкент номлари, нолалари	71
Сўз ва унга муҳаббат	81
Сўз ва ҳикоя	86
Сўз ва қузатувчанлик	92
Ҳар сўзнинг ўз ўрни бор	104

Мирализ Миртобжиев, Низомитдин Махмудов

ЯЗЫК И КУЛЬТУРА

На узбекском языке

Издательство "Ўзбекистан"—1991
700129, Тошкент, Навои, 30

Рассом А. Степанов
Бадий муҳаррир А. Деҳқонхўжаев
Тех. муҳаррир А. Горшкова
Мусаҳҳиҳ Г. Азизова

ИБ № 5418

Теришга берилди 26.02.91. Босишга рухсат этилди 24.12.91. Қозғоз формати 60x84¹/₁₆. Босма қоғозига Литературная гарнитурда юқори босма усулида босилди. Шартли босма листи 6,51. Шартли кр.-отг. 6,74. Нашр. л. 6,94. Тиражи 3000. Заказ № ~~3063~~ Баҳоси 1 с. 50 т.

"Ўзбекистон" нашриёти, 700129, Тошкент, Навоий, 30. Нашр. № 261—91.

Ўзбекистон Республика матбуот давлат комитети Тошкент "Ўитоб" нашриёт-матбаа бирлашмаси босмахонасида босилди, 700194, Тошкент, Юнусовод массиви, Муродов кўчаси, 1.

Миртожиёв М., Махмудов Н.
М 57 Тил ва маданият.—Т.: Ўзбекистон, 1992 —111

1. Авторлов.
ISBN 5-640-00797-4

Китобда ўзбек тилининг Октябрь инқилобидан кейинги ўзбек тили терминологиясидаги салбий ва ижобий жарабига тараққиёт хусусиятлари, тил бойлигининг намоён бўлиш шэстетик имкониятлари ҳақида фикр юритилади. Ўзбек тилини ва тарғиб қилиш, тилда миллий маданиятнинг зуҳур бўлиш масалалар ёритилади.

Кенг китобхоналар оммаси учун мўлжалланган.

Миртожиёв М., Махмудов Н. Язык и кул

№ 948—91

Навбый номли

Ўзбекистон Республикаси

Давлат кутубхонаси.

ББ
М 4502020400—183
М 351 (04) 91